

АСУЛ РАҲМОНОВ

84 1/2
10-33

АДОКАТ



Книга должна быть возвращена позже указанного здесь срока

Количество предыдущих выдач

РАСУЛ РАҲМОНОВ

САДОҚАТ

ОЧЕРКЛАР

Тошкент

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг
«Ёш гвардия» нашриёти

1982

Раҳмонов Расул.

Садоқат. Очерклар. Т. «Ёш гвардия», 1982.—104 б.

Рахманов Расул. Верность. Очерки.

Уз

Таниқли журналист ва адаб Раисул Раҳмонов билан сиз «Қалб күшиғи», «Ботир Қазбек», «Нурли манзиллар», «Бири бирита устоз» каби воқеи қисса, очерк китоблари орқали яхши танишсиз. Ёзувчи ҳамиша эл ичидаги бўлиб, ҳаётимизнинг долзарб учтақлари — завод-фабрикалари, пахта далаларида жавлон ураётган ажойиб меҳнат аҳлларини қаламга олади.

Адибни кўпроқ республикамизда фан соҳасида катта ютуқларни кўлга киритаётган олимлар, донгдор ишчилар ҳаёти қизиқтиради. Мазкур китобга кирган «Аллома», «Унинг ўрни мўътабардир», «Ёруғ жаҳон» очерклари шулар жумласидандир. Бу очеркларнинг бирида файласуф олим, жамоат арбоби, академик Иброҳим Мўминов ҳақида сұхбат кетса, бирида республикамизнинг атоқли давлат арбоби Абдужаббор Абдураҳмонов тўғрисида сўз боради. Яна бирида кишиларга ёруғлик зиё баҳшида этаётган кўз шифокори Маҳамаджон Комиловнинг катта кашфиётлари ҳикоя қилинади. Адаб қаламга олган бошқа очерклар ҳам ўқимишли, ҳаётий чиққан. Ёшларни меҳнатга, тинимизиз изланиш ҳамда ўқишга, кашфиётларга даъват этувчи бу асарлар сизга манзур бўлар деган умиддамиз.

P	70303—21		
	356	(04)—82	121—82

4702570300

© «Ёш гвардия» нашриёти, 1982.



АЛЛОМА

Дони чеҳрасидан нур ёғилиб турадиган, баркамол сиймо ва иқтидорли олим Иброҳим Мўминович Мўминов ҳузыридан чиқиб, фотомухбир Абдусаттор Тўраев билан «Совет Узбекистони» газета редакцияси сари қайтар эканини, бенгтиёр домланинг дилдан чиққан сўзлари хаёлимдай ўтди:

Агар одам фақат ўзи учунгина меҳнат қилса, машҳур олим, улуғ донишманд, ажойиб шоир бўлиши мумкин, албатта, лекин ҳеч қачон ҳақиқий баркамол ва буюк одам бўла олмайди.— Карл Маркс шундай деб уқтирган. Онгли интизом ва маънавий мусаффолик ҳам чинакам инсонга хос хислатлардир.

Шиниг яна бир гапи қулогимда қолган эди:

— Шогирдлари ҳақида муттасил қайғурмаган олим, ўз умрининг қадрига етмайди. Олимнинг умри, аввало шогирдлари, қолаверса ёзган асарлари билан ўлчанади. Шогирдсиз олим, мевасиз дараҳтдир. Талабчанлик, қатъият, меҳрибонлик — устоз олимнинг асл фазилатларидаидир.

Бу — бой ва тераң умр йўлини босиб ўтган Иброҳим Мўминовнинг — кўп йиллик кузатувлари, синовлари, тажрибаларидан келиб чиққан ҳаётий холосаси эди. Шундай бой фикрларга эга бўлмаган олим ўз ҳалқи тарихида, хо-

тирасида боқий яшаб қололмайди. Бу жонкуяр, забардаст олимнинг замонамиз воқеа-ҳодисаларидағи изларини, ноёб таланти, юқори малакаси, тинмай изланиши, айниқса, маркесча-ленинча фалсафа фани тараққиётига, умуман ижтимоий илмлар ривожига құшган салмоқли ҳиссасини күриб, қуәшдек умр күришига ишондим.

Бундай баҳтга мушарраф бўлмоқни истаган ҳар бир киши Иброҳим Мўминов сингари ёшлиқдан тўгри йўлни танлаши, мөҳнатдан, ўқиш-ўрганишдан толмасликни, самимий, садоқатли бўлишни, халқпарварликни ўзига шиор қилиб олиши керак. Устоднинг бу борадаги мулоҳазаларини ҳам ёзиб олгандик:

— Инсон дунёни ёруғ жаҳонга келиб танийди. Уни танигач, қайси йўлдан юриши — унинг ўз инон-ихтиёрида. Бизнинг замон фақат боқийлик йўли тарафдори. Тарафдоригина эмас, ҳар бир кишининг шу йўлдан юриши учун нима зарур бўлса ҳаммасини яратиб беради, ундан фойдалана олиши учун доим ғамхўрлик қиласди.

Иброҳим Мўминовга тан берса арзидиган яна бир томони, аллома шу имкониятлар, шу ғамхўрликлар энди вужудга келаётган, боқийлик йўли энди барпо этилаётган инқилоб тонгида, уни ақл кўзи билан кўрди, уни қуришга дадил киришиб кетди, ундан баҳраманд бўлди. Унинг ҳаёти, шахсий ибрати ёшлиарни боқийлик йўлига даъват этади. Инсонга бир марта насиб бўладиган умрни шу йўлда ўтказишга ундаиди.

Бу, албатта, равон йўл эмас. Риёзатга тўлиқ, лекин шарафли ва улуғ йўл. Унинг риёзатига чидагац, матонатли, сабрли, тинмай меҳнат қилган кишигина манзилга ета олади, орзузи ушалади.

1908 йил. Қадимий Бухоронинг меҳнаткаш халқи амирнинг қонли исканжасида ингарди. Сўнгги асрларда фанатик диндорларнинг хуружи, бебош амирзодалар, бекваччаларнинг ўзаро курашлари натижасида ғариб тушкунликка учраган Бухоро амир Сайд Олимхоннинг жаҳолат шамшири остида талай фожиаларни бошидан кечирмоқда

эди.⁶ Бу мунгли нидо жанговар фарзандлар қалбидә түғсін тиғини чархларди. Үз тарихида күп талашларни, вайронагарчиликларни, асирик, чўрилик жафоларини бошидан кечирган Бухоронинг меҳнаткаш, ботир халқи бу күшларнинг юрт осмонида бир хубоб бўлиб қолишига ишониб яшардилар. Улар бир маҳаллар Абу Али ибн Синоси, Аҳмад Донишни, Садриддин Айнийни, яна қанчадаи-қанча буюк даҳоларни берган Бухорода — озодлик байроби ҳил-пираши учун зимдан кураш олиб боришаради. Шу йилнинг еттинчи сентябрь куни қамбағал, элга номаълум бир дехқон оиласида, Шофрикондаги Тезгузар қишлоғида Иброҳимжон дунёга келди.

Қайдам, ўша дам қамбағал ота кўнглидан нима гаплар ўтган экан. Ҳар ҳолда номини, наслини давом эттирувчи, чироғини ёқувчи фарзанди пайдо бўлганлигидан қувонгандир. Ҳадемай ёнига кириб, кетмон чопиб, пода бокиб, рўзгорига мадад беришидан рӯҳи тетиклашгандир. Айни пайтда, ўғлининг тақдирини ўйларкан, ташвиш тортиб, нафи йўқ меҳнат билан умри ҳазон бўлади-да, деб ачингандилиги ҳам аниқ. Юзлаб ҳамқишлоқлари сингари вайронা давр турмуш тарзига бўйсуниб, чор-ночор умр кечириб ўтишидан ҳам ўртсанган, албатта.

Биргина Мўмин отанинг хонадони эмас, бошқа минглаб қишлоқлар сингари бутун қишлоқ юпун, аламнок эди. Тезгузар ҳақида шундай ҳикоят юрарди. Қадим замонларда, балоғатга етган бир қиз бадавлат күёв қидириб шу қишлоққа келиб қолади. Бутун қишлоқни айланиб, бундай йигитни тополмайди. Шунда бу қишлоқдан тезроқ кетини керак, деб орқасига қарамай жўнайди.

Сувсизликдан қовжираб ётган чўлдаги ёлғиз оёқ йўлдан бораётган, оқ бўз яктакли Мўмин ота қишлоққа кираверишдаги қабристонга етганда, елкасидаги кетмошини ерга қўйди-да, бир чеккага чўккалаб ўтирди. Утганларни эслаб, юзига фотиҳа тортди-да, кўз ёшидан нам бўлган қўлларини белбоғининг учига артди. Шундай кейингини қишлоққа қараб йўлида давом әтди.

Дераза кесакисига тирсагини қўйиб, кафтларини юзига тираганича йўлакка тикилиб ўтирган она, кўча эшигининг гичирлаб очилиши билан дик ўрнидан туриб, эрига пешвуз чиқди.

— Ассалому алайкум, эсон-омон келдингизми, дадаси? — деб кетмонини оларкан, беихтиёр умид кўзларини эришинг қўлига қадади.

Буни пайқаган зийрак Мўмин ота онани юпатиб деди:

— Худо холиқ, ризқимизни етказар. Бойдан муруват бўлмади, қароллари етарли экан.

— Тўғри айтасиз, дадаси, оч қолмасмиз. Хафа бўлмаш, ҳадемай ўғилларингиз ёнингизга кириб қолади.

— Шояд шундай бўлса. Ҳа, айтмоқчи, гузарда бир ҳабар эшитиб қолдим, агар айтганлари рост бўлса, бутун Туркистон, Бухорода ҳам ийқилоб яқинлашиб қолибди, ерли бўлиб қолсак ажабмас.

— Ишқилиб, яхшилик бўлсін! Дадаси сизга бир гапни айтмоқчиман, акалари изидан бориб Иброҳимжон ҳам ўқисам, деяётган эди...

— Бу ҳаммаси — сени таъсиринг, отинбиби,— деди жилмайиб ота.

— Нима қиласми?

— Нима қиласдик, ўқиса яхши! Муллага чиқим қилиб хат ёзишдан қутуламиз.

— Ўғлингиз тушмагур, кеча қизиқ бир иш қилибди.

— Нима қилипти?

— Чўпон оғайниси билан подани яйловга ёйиб, катта чинорнинг тагида ўтиришганми, билмадим, Иброҳимжонингиз барглар орасидан ерга сочилаётган танга-танга нурларга тикилиб турибди-да, ўртоғидан сўрабди:

— Оғайнини, қуёш нури ҳаммани — бойларни ҳам, камбағалларни ҳам баб-баравар иситади-ку, илло унинг марҳаматидан униб-ўсган ноз-неъматлар нега тенг бўлинмайди. Тер тўкиб, ердан экин ундирган дэҳқоннинг нега доим қорни оч, нега у доим иш қидириб юради?

— Оғайниси нима дебди?

— Қизиги шунда-да, дадаси, у ҳеч нарса дебдеманти, бу катталарнинг ҳам ёсига келмайдигаи гап-да, шудай кейин ўқимишли одам, деб тўғри имомни ёнига борнити. Имом уришиб берибди: «Бу худонинг иродаси!» денти. «Оллоҳ таоло бандаларини баравар қилиб яратмагаи, уни тузатиш бизнинг қўлимииздан келмайди! Буни сенга ким ўргатди?»— деб сўрабди кейин.

— Ким ўргатарди, ўзим,— деб жавоб берибди ўғлингиз.

— Ҳа, бу ўша ёш фирмалар ишига аралашиб юргац Арабжон акасининг таъсири, кейин, мени иш қидириб, сарсон бўлганимдан хабари бормасми,— ота бир оз жим туриб, юзи ёришиб қўйди: — Омон бўлса, калласи бутун, кам бўлмайди.

— Буёгини эшитинг,— деди она фахр оҳангода,— ўша ерда одоб сақлаб имомга бошқа сўз демапти. Эшикка чиққандан кейин, ўртоғига: «Бу жавобмас! Биз номаълум нарсаларнинг сиру асрорини билишимиз, бунинг учун, дадам, онам айтганларидек, ҳаммамиз ўқишимиз язим»,— депти.

Кунларнинг бирида катта ўғилларини ёнига олиб омоч ҳайдайтган отанинг ёнига Иброҳимжон ҳаллослаб келиб қолди.

— Тинчликми, пода нима бўлди?

— Ўртоғим қараб турипти. Дадажон, жон дадажон, майли денг, масчит ёнида янги мактаб очилибди, шунга кирай...

Ота ўғлининг пешонасидан ўпиб, бағрига босди, ёнига ўгирилиб беихтиёр силқиб чиққан кўз ёшини артиб деди:

— Рухсат, ўғлим, минг марта рухсат, пешонанг кўҳли бўлсин!

Ким билсин, балки шу чоғ ота хаёл қанотида ўғлини жоҳилликни ёриб чиққан фозиллар, фузалолар сафида кўргандир. Ахир, қайси ота-она фарзандининг баҳтиши, иқболини, пешонаси кўҳли бўлишини истамайди, умид қилмайди. Иброҳимжоннинг ота-онаси ҳам шу эзгу умид билан яшади. Ўзлари емасалар ҳам, ичмасалар ҳам ўғилла-

рини ўқитиб, нурсиз тақдир чангалидан уни юлиб олмоқни ўз олдиларига мақсад құлдилар. Буюк одам, озод замон йүлбошчиси Лениннинг номи оиласырыга етиб келганды, чинакам Ҳизирни учратғандек, хурсанд бўлиб кетишиди. Ленин номи билан кетма-кет хонадонларига баҳт кириб келді. Кўз ўнгиларида тараққиёт ва уйғонишнинг ҳақиқий кучларини намойиш этиб, Улуғ Октябрь офтоби порлади. Истебдодларнинг ҳаққоний, кенг кўламда намоён бўлишлари учун катта уфқлар очилди. Пешоналарига қариган чоғларида ер битди. Кўзларига ишонишмасди, «тушимизми, ўнгимизми»,— деб қувонишарди.

— Ўқийвер болам, кам бўлмайсан!— отанинг вафоти олдидан Иброҳимжонга айтган сўнгги сўзи шу бўлди.

Бу сўз Иброҳим Мўминовнинг юрак қатларига битилиб қолди. Ўқишига, юртга кўпроқ наф келтиришга енг шимарип киришиб кетди. «Аввало, бир нарсага киришма, киришганингдан кейин чўққисини мўлжалла!»— дерди у ўртоқларига. Узи намуна бўлишга интилди. Тунларни кунларга улаб ўқиди, ўрганди.

Қишлоғида бошланғич мактабни тамомлагач, ўқишини давом эттириш мақсадида Бухоро шаҳрига келади. Халқ саводли бўлса, ҳаёт равнақ топишига имони комил бўлган йигит, шу йўлда хизмат қилишни ўйлаб Бухоро маориф институтига киради. Мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ 1922 йилда комсомол сафиға ўтган бўлажак олим гўзал ва фаровон ҳаёт учун дадил курашиш иштиёқида ёнади. Каникулларида қишлоғига бориб ўқитувчилик қиласи, кўпларнинг саводхон бўлишига, улар онгини билим зиёси билан нурафшон этишга ошиқади. Иброҳим Мўминов туғилиб ўсган оиласи сингари миллионлаб хонадонларга қўёш бўлиб кирган, энг улуг яхшилик қилган инқилоб олинда ўзини қарздор билар, унга қандай бўлмасин хизмат қилишини ўйлар эди. Шу ўй уни жамоат ишларига бошлиди, ленинчи большевиклар даврасига олиб кирди. Уқиб Йорғи кезларида комсомолларга сарбонлик қилди, илгор ёшлар ҳаракатининг кўзга кўринган фидокорларидан

бирига айланди. У ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий, таш-килотчилик ишларини олиб борар экан, тарбия ва таъсир ўтказиш воситаларининг ҳаммасидан фойдалаанди.

«Озод Бухоро» газетасига мақолалар ёзиб, ёшларни социализм қурилишига фаол қатнашишга ундайди. Газетанинг йиллар оша сарғайиб кетган 1927 йил 31 июлдаги сонини варақлаймиз. Унда 19 ёшли Иброҳим Мўминовнинг мақолаларидан бири босилган. Мақолада у комсомолларни ҳарбий-хунарни ўрганишга, бу билан Совет мамлакатининг мудофаа қувватини оширишга чақиради.

И. Мўминов Бухоро билим юртини ва маориф институтини муваффақиятли тамомлаб, Бухородаги икки йиллик курсда жамиятшунослик ва синфий кураш тарихидан дарс берди. 1928 йили Самарқандга келиб, педагогика институтида, 1930 йили эса Ўзбек Давлат Педакадемиясида ўз билимини оширади. 1931 йилда академиянинг ижтимоий-экономика факультетини тамомлайди. И. Мўминов бу билим ўчоқларида Ҳамид Олимжон, Яҳё Еуломов, Убай Орифов, Ўйғун, Ойдин Собировалар билан бирга таҳсил кўрган. Ўзининг ҳар қандай масалага илмий томондан ёндаша олиш қобилиятини кўрсатган, билимга зўр ҳавас билан қараган И. Мўминовни ўқитувчилар ўз сафларида олиб қоладилар.

Иттифоқо бирга ўсган яқин дўсти билан учрашдик:

— Иброҳимжон ёшлигигида ёк жуда тиришқоқ эди, ҳамма нарсани билгиси келарди. Ўзоқларга кетди, биз колхозда қолдик. У жуда меҳрибон, одамохун эди. Ўқиб юргани чоғларида ҳам Тезгузарга бот-бот келиб турап эди. Ўқишига, ишга кетган бошқа ҳамқишлоқлар ҳам бор. Аммо бу бошқача эди. Биз ҳам, у ҳам кўришмасак соғинишардик. У ўз қишлоғини беҳад севарди. Суҳбатларининг бирида у бизга шундай гап айтиб қолди:

— Ўрта Осиё, ҳозир биз яшаб турган Ўзбекистонининг Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сингари илфор кишилари ҳаёти, ижтимоий-фалсафий фикрлари билан танишиб чиқдим. Ҳиндистонлик аллома

Абдуқодир Бедил асарларини ўрганипман. Гапнинг очиғи, бу йўл менига торлик қиласыпти. Бу улуғ одамларни чуқур, тўғри тушуниш учун фаннинг катта кўчасига чиқишим зарур. Саъдий, Навоий, Бедилларни ўқиб бир нарсага имоним комил бўлдики, фан — бениҳоя улуғ, поёнсиз ва гўзал бир дунё экан, унинг учун умрининг багишласанг арзиди.

Лекин у, ҳали фан йўлида қандай довонлар борлигини, қандай тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келишини аниқ билмасди.

«Европа, Россиянинг илгор намояндалари тафаккури мевалари билан танишишга аҳд қилдим. Маркс, Энгельс, Ленин асарларини, уларнинг таълимотларини ўрганаман. Ўрта Осиё олимлари берган маълумот билан уларнинг ижодини таққослаб одамларга ҳам, фанга ҳам кўпроқ фойда келтиришм керак!»— Ошиам умрининг охиригача юрагидаги шу муқаддас нарсадан — билимга ташналиқ, одамларга муҳаббат, бошқаларнинг манфаати йўлида жон куйдирив ишлашдан асло толмай кетди. Халқ эъзози шундан, дўстимга. Буни ҳаётлигига, 60 ёшга тўлган кунида бўлган катта тантанада ҳам ҳис этгандим.

Иброҳим Мўминов фаннинг кенг йўлига чиқиши, илмни чуқур ўрганиб, унда янгиликлар яратиш, фалсафанинг маълум қирраларини ривожлантириш учун улуғ рус олимларидан сабоқ олиб, буюк Ленин тилини билиш беҳад зарурлигини аллақачон англаб етган оташин интернационалист эди.

1931—1941 йиллар давомида у аввал Самарқанд Педагогика институтида, сўнгра 1933 йилда Педагогика академияси базасида ўзбек Давлат університети (ҳозирги Самарқанд університети) ташкил этилгач, шу університетда филология, кейинчалик тарих факультетларининг декани, марксизм-ленинизм кафедрасининг мудири бўлиб ишлайди. Айни вақтда Педакадемияда, Ўзбек давлат університетида, ўқитувчилар институтида студентларга, испирантларга лекциялар ўқиёди. У ўзининг мазмундор

Лекциялари билан тингловчилар диккетини тамоман ўзига жалб этиб оларди.

— Уйку билан олишиб, тунларни бедор ўтказишига түрри келарди,— деб эслайди академик ўша кунларни.

Чунки ўқитувчиликни илмий-тадқиқот ишлари билан қўшиб олиб борар эди. 1941 йили И. Мўминов зориқиб кутган онларига етишади. «Гегель диалектикасининг рационал мағзи» деган темада фалсафа фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. Устод Садриддин Айний диссертациясига оппонентлик қилар экан, уни юқори баҳолайди. У республикада биринчилар қатори фалсафа фанлари кандидати бўлади.

Талабчан олим, фан кандидати — ўзининг даражага олгандан кейинги фаолияти даврида ҳам бу юксак номни оқлашга ҳаракат қиласди. И. Мўминов катта ихлос билан Шарқнинг буюк аллома шоири Мирза Абдуқодир Бедил фалсафий қарашларини ишлаб чиқди. У фалсафа фанини ўз тадқиқотлари билан бойитишга бор куч ва билимини аямайди.

Фалсафа нима? У қандай таълимот? Олим шу ҳақда ўйларкан: «Философия юонон-грекча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси фикрлашни севиш, доноликка муҳаббат билдиришдир»,— деб жавоб беради. Биз устоднинг икки юздан ортиқ илмий асарларининг мазмуни, мундарижа мавзуси, шакли, тили билан танишиб, шогирдларига ўрганишни тавсия этган муаммоларини хотирлар экаймиз, бор ҳаётида донолик билан фикр юритган, дадил, янгилик бермаса сўзни ҳам, қаламни ҳам овора қилмайдигаи, чинакам қўрқмас дарга кўз олдимизда намоён бўлади. 1933 йили Самарқандда чоп этилган фалсафа соҳасидаги «Динамик материализм тараққиётида В. И. Ленин босқинчи» сарлавҳали илк асари билан Узбекистонда пазарий фалсафа мактаби заминига гашт қўйигаи олим 50 йил мобайнида унга сидқидилди, ҳормай толмай хизмат этади.

— Ёдимдан чиқмайди, деб эслайди олимнинг кўп сонли шогирдларидан бири, фалсафа фанлари доктори,

профессор Саид Шермуҳамедов, 1960 йилда навбатдаги «Ўзбек халқи социалистик маданиятининг миллий шакли ҳақида» деган китобим устида ишларканман, қатор масалаларда боши берк кўчага кириб қолавердим. Маслаҳатга устод Иброҳим Мўминович ёнларига бордим. Туркистонда марксча-ленинча гояларнинг тарқалиш тарихи ва тантанасини, Совет Ўзбекистонида диалектик ва тарихий материализмнинг шаклланиши тарихини ўрганишга асос солган, Яқин ва Ўрта Шарқ, хусусан Ўрта Осиё халқлари ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикрини ўрганиш ҳамда моҳият ва хусусиятларини тушунтириш борасида биринчи зарур назарий проблемаларни дадил олға сурган, тиним билмас тадқиқотчи аллома ҳар қандай кишини ўзи билан тенг кўриб гаплашарди.

— Ўз тажрибамдан биламан, дадил бўлиш фойдали экан, фикрингиз марксча-ленинча таълимот асосида тўғри эканлигига икрормисиз, бас, айтаверинг, ёзаверинг. Фақат...— устод бир оз менга боқиб жимиб қолдилар,— бу ҳаммамизга тегишли гап, фақат фикрингизнинг тўғрилигини мисоллар, далиллар, манбалар асосида ҳар томонлама исботламай туриб, майдонга чиқманг. Хўш, аниқ, қайси фикрлар сизни қўйинаяпти?

— Гарчанд, партия ва ҳукуматимиз ўтмиш маданият меросидан ижобий фойдаланишга катта эътибор бериб селаётганига қарамай,— дедим мен,— республикамизда маданий меросга эскича нигилистик қарааш ҳоллари аҳён-аҳёнда бўлса ҳам кўриниб қолаётир.

— Тўғри, шундай ҳоллар бор.— У менга: «Сен иккила-тадиганлардан эмас эдинг-ку!»— дегандек тикилиб тургач, ина дадилликка унади.

— Мулоҳазангизда жон бор. Ҳақиқатан ҳам маданий ҳурилиш йўлида қийинчиликлар бўлган. Айтайлик, Ўзбекистонда баъзи бир кимсалар ўзбек классик адабиётига пролеткультчиларча муносабатда бўлиб, унга менсимай қарашган. Бобир, Машраб, Турди феодал-сарой адабиётининг вакиллари деб эълон қилиниб, ўрта мактаб ўқув

программасидан чуқариб ташланган эди. Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг асарлари, шу жумладан «Алломиш» эпоси ҳақсиз таңқид қилиниб, реакцион асар деб, ўзбек классик музикасининг ажойиб намунаси бўлган мақомлар архангел сарой асарлари саналиб, суреб ташланган эди. Биласиз, КПССнинг съездларида маданият ҳақидаги марксистик таълимотга ёт бўлган бундай тенденциялар фош қилиниб, ҳамма нарса ўз ўрнига қўйилди. Шу заминда мустаҳкам туриб, ўзбек халқининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятининг шаклланиши ва тараққий этиши мисолида умуман маданият, хусусан социалистик маданият ҳақидаги турли идеалистик назарияларнинг асоссиз, файрилмий, халққа қарши қаратилган эканлигини, маданият ҳақидаги марксча-ленинча таълимотнинг чуқур, ҳақиқий илмий таълимот эканлиги кўрсатиб берилди. Сиз ҳам шуни коммунистик эътиқод билан исботлайврасиз.

Олим Совет Иттифоқи миқёсида ҳам объектив, илмий-назарий, тўғри хулосалари ва ўз иқорида маҳкам туриши, принципиал, партиявий, коммунист-олим сифатида обрў-эътибор қозонган эди. Академик И. Минц бу хусусда шундай бир фактни айтаб берди:

— Иброҳим Мўминов «Ўзбекистон ССР тарихи» тўрт томлилигига ва бир томлилигига муҳаррирлик қилган, шунингдек «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Совет ҳокимиятининг ғалабаси» деб номланган асарнинг яратилишида бевосита иштирок этди, муҳаррирлик қилди.

Кейинги китоб устида биз узоқ вақт биргалашив иш олиб борганимиз. Совет ҳокимиятининг ғалабаси тўғрисида китоб яратиш тоғаси туғилганда, мен бу хусусда олиб борилаётган тадқиқотларнинг қийинчиликлари ҳақида Иброҳим Мўминович билан маслаҳатлашдим. Москвалик бир гурӯҳ олимлар Октябрь тарихини қўйидаги принципида яратиш тарафдори эдилар: уларнинг фикрича, воқеаларнинг ҳар бир йирик босқичи ва бурилиш даври аввал Петроград ва Москва доирасида, кейин бутӯи мамлакатга

ёйилишини кўрсатиб, айтайлик, 1917 йил февраль революцияси аввал ҳар икки пойтахтда, кейин бошқа жойларда қандай ўтганлиги баён этилиши керак эди.

Биз бундай принцип асосида тарих яратилишига қарши чиқдик ва умумлаштирилган, масалан Закавказье ёки Ўрта Осиёдаги бир неча республикалар бўйича бир йўла яхлит асар яратиш ва шу орқали пролетар интернационализмини ёрқин тасвиrlаш мумкин, деган қарорга келдик. И. Мўминов бу принципни батамом қўллаб-қувватлади. Шундан кейин юқорида номи айтиб ўтилган китоб вужудга келди ва илмий жамоатчилик уни юқори баҳолади.

Иброҳим Мўминов том маънодаги катта фан арбоби эди. Йирик, атоқли олимлар ҳам ўз фаолиятларини унинг маслаҳат, мулоҳазаси асосида текшириб, у маъқуллагач ишонч билан ишга киришиб кетишарди. Билим чегараси жуда кенг эди. Шундан, унинг ёнига фақат ижтимоий фан билан шуғулланувчилар эмас, табииёт олимлари ҳам маслаҳатлашгани келиб туришарди.

— Биз геологлар,— деб эслайди Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. Акромхўжаев,— бошқа фанларда ишлайдиганлар Иброҳим Мўминович билан суҳбатлашишни орзиқиб кутардик, атрофлича суҳбат вақтида албатта бойиб, бирон янгилик фикр билан қайтардик.

Турли масалалар юзасидан ўзининг чуқур, теша тегмаган фикрлари ва мулоҳазаларини билдириш билан бирга у бошқалардан ҳам ўрганар, уларнинг фикрини эътибор билан тинглар, маслаҳатларидан фойдаланаар эди.

— Мўминовнинг менга ўз докторлик диссертациямни ёзишим пайтида кўрсатган ғамхўлик ва катта ёрдамини ҳамиша миннатдорчилик билан эслайман,— дейди ўз хотирасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Ҳабиб Турсунов.— Бу воқеа 1954 йилда бўлган эди.

Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг Улуғ Октябр гача бўлган даврдаги тарихига бағишланган Бутунитти-фоқ қўшма академик илмий сессияси ўtkазилди. Бошқалар

қатори менинг ҳам 1916 йилдаги Ўрта Осиё ва Қозоғистон қўзғолонларининг характеристи тўғрисидаги докладим қўйилган эди. Сессияда Иброҳим Мўминович доклад темасини кенгайтириб докторлик диссертацияси қилиш мумкинлигини айтди. Шу маслаҳат рағбати билан ишга киришиб кетдим. Иброҳим Мўминов илмий иш давомида менга ёрдам бериб борди. У кишининг маслаҳати билан қўзғолон бўлган жойларда, жумладан Жиззахда бўлиб, қўзғолонда қатнашган, кўрган кишилардан материаллар олишга мұяссар бўлдим. Шуниси диққатга сазоворки, И. Мўминов маслаҳат берар экан, ўз фикрини мажбурий қилиб қўймасди: мавзуни таклиф тариқасида айтиб, шу иш устида ўйлаб кўришни, олинган соҳани чуқурроқ ўрганишни, тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашни тайинларди. Бу билан изланишга йўлланма берар, ишга чорларди. Ижодий фикрлашга, назарий холосалар чиқаришга, умумлаштиришга ўргатарди, тайёр холосаларни таңқидий кўз билан кўриб чиқмай, шундай қабул қилишининг олдини оларди, чинакам илм кишисига хос фазилатларни тарбияларди.

1943 йилнинг тўртинчи нояброда Тошкентда, уруш даврининг қийинчиликларига қарамай, партия ва ҳукуматимизнинг бекіёс ғамхўрлиги, эртанги порлоқ кунга бўлган буюк ишончи билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тантанали суръатда очилади. Уша вақтда Самарқандда ишлаб, олий ўқув юртларида марксча-ленинча фалсафани ўқитиши тубдан яхшилаш йўлида кўп ишларни амалга оширган 35 ёшли Иброҳим Мўминов таъсисчилар қаторида унинг муҳбир аъзоси қилиб, сайланади. Фанлар академиясининг ташкил топниши комплекс илмий ва ҳалқ хўжалиги масалаларини кўтариб чиқиш ва уларни ҳал этиш имкониятларини кенгайтиради.

Бу хўшҳабарни эшитган олим бир томондан қувонса, иккинчи томондан шундай катта ишончга яраша ишлаш мастулиятини ўйлаб, янги режалар ташвишига тушади. «Мен файласуфман, деб ўйлагандим,— деган эди у,— улкан уйвон олдимга марксча-ленинча фалсафага оид янги-

янигү мұхим, катта масалаларни тадқиқ қилиш масъулиятиниң құяды. Бу шарафли топширикни уddyлай олармиканман». Тұнлари олимнинг деразасидан чироқ үчмайды. Уйи китобга тұлиб кетған әди. «Кутубхонани қўчириб келганимисан!»— деб ҳазиллашишарди дўстлари.

— Кам, бу китоблар кам ҳали. Ота-боболаримиз ёзган китоблар Москва, Ленинград кутубхоналарида, илмий-тадқиқот институтларida сақланмоқда. Чет эл кутубхоналарида ҳам құләзмалар бор. Үшаларни ҳам кўришим керак, үқишим керак.

— Сенга халақит бермайлик!— тез кетишмоқчи бўлишарди дўстлари. Иброҳим Мўминов уларни осонликча қўйиб юбормасди, улар билан сұхбатлашиб дам оларди, қилаётган ишларини айтиб, фикр оларди.

— Шарқлик улуғ аждодларимиз бизга бой мерос қолдирғанлар,— дерди фахр ҳам ачиниш билан у.— Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос юксак моддий ва маънавий маданияти қадим замонлардан бошланган. Ўрта Осиё етиширган буюк олимлар билан бутун жаҳон ҳақли суръатда фахрланади.

Иброҳим Мўминов ўтмиш донишмандлари асарларидан намуналарни ёддан ўқиб, шу заҳоти мазмунини таржима қилиб берарди.

— Ал-Хоразмий, Аҳмад Ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Беруний, Форобий, Улугбек, Алишер Навоий каби улуғ зотлар, олимлар, мутафаккирлар, шоирлар меросини бугунги авлоднинг маънавий мулкига айлантиришимиз керак.

Ўзи биринчилар қатори дадиллик билан бу ишга киришди. Тез орада «Абдуқодир Бедилнинг дунёқараши» монографиясини чиқаради. Олим Бедилга бағишенланган илмий асарларида улуғ мутафаккир ва файласуф шоир Бедилнинг ижодидаги прогрессив қарашларни ҳар томонлама түғри ёритади.

Улкан олим И. М. Мўминов илмий иш билан жиддий шугулланар экан, халқ манфаатини кўзлаган ҳолда иш

юритиб, ўз ижодида ассоcий ўринни эгаллаган маркесчаленинча фалсафани тадқиқ этишга, Шарқ ва Ўрта Осиё халқлари фалсафий меросини чуқур ўрганишга, бу соҳадаги илм-фан дурданаларини янги авлодга етказишга ўз умрини бахшида қилади. Илм хусусидаги сұхбатлардан бирида:

— Докторлик диссертациясини ҳам ўйлајпсизми! —
дeя сүраб қолди яқин дүстларидан бири.

— Қайси олим навбатдаги довонни ўйламайди, дейсиз.
Шундай эзгу ниятим бор. Материаллар йигиб юрибман...
Лекин назаримда ҳозирғи қилаётган ишларим юртга за-
руроқ күріннянты...

1950 йилда дүстлари, шогирдлари, ҳамкаслари кутган дамлар келади. «XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиети тарихидан» деган катта илмий асарига нұқта қўяди. Унда олимнинг илмий жасорати яна бир бор намоён бўлади. Асарда муаллиф ишончли, чуқур асосланган далиллар, янги излаб топилган манбаларга таяниб. Шарқ халқлари тарихини бузиб кўрсатиб, унга туҳмат қилиб, Шарқ халқлари, шу жумладан ўзбек халқи маданиятидаги мистицизм ва идеализмнинг «ягона оқими» ҳақида бўғтон назарияни тўкиб чиқарган Farbий Европа ва америкалик файласуф ҳамда шарқшуносларга қарши жангга жадал киришади. Олим фанда бу соҳага баҳо беришнинг марксизм-ленинизм таълимотига асосланган янги, тўғри йўлини кўрсатади. Коммунистик партия юқоридаги буржуа идеологиясининг маддоҳлари ва улар каби ғайрилмий назарияларга зарба бериб, мамлакатимизда социалистик маданиятнинг ривожланишига кенг имкониятлар очиб берганини яққол кўрсатади. Иброҳим Мўминовнинг ушбу тадқиқоти чор Rossinessининг мустамлакаси бўлган Туркистоннинг маданий ҳаётини тарихий-фалсафий аспектда ўрганишда муҳим масъ ролини ўйнайди.

Академик И. Минц бу соҳада И. Мўминовнинг билим-
донлигини янада чуқурроқ англаганийни ёлға олади.

— Мен унга Ўрта Осиёning Россияяга қўшилишининг характеристи ва аҳамияти масалаларидағи мавжуд келишмовчиликлар тўғрисида гапирдим. Зоро бу муаммо ИброХим Мўминовични ҳам анчадан бери қизиқтириб келишини билардим...

«Ўрта Осиёning Россияяга қўшилиши масаласи,— деган эди ўшандаги И. Мўминов,— бу тарих фанига оид муҳим темагина эмас. Мен бу тўғрида кўп ўйладим... Бу, айни чоғда, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи ҳамдир. Уни соғ босқинчилик сиёсати деб таъкин қилиувчилар чориэмни қоралайман деб ўзлари билмаган ҳолда, бутун рус халқига нисбатан нафрат қўзғатиб қўйишлари мумкин эди. Бунинг эса оқибати ёмон бўлиши турған гап. Йўқ, менимча, мазкур масалага диалектик нуқтаси назардан ёндашиб, кенг кўламда илмий тадқиқот ишлари олиб бориш керак, рус маданияти, Россия ишчиларининг революцион кураши, дәҳқонларнинг революцион ҳаракати, марксизмнинг тарқалиши биз учун қандай катта аҳамиятга молик бўлганлигини ёшларимиз онгига сингдиришимиз лозим...» Асарда қўпгина муаммолар шундай билимдонлик билан ойдинлаштирилади, тўлиқ ҳал этилади. Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқими, Аваз Ўтар ўғли, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби улуғ демократик шоирлар ижоди ҳақидаги фикрлар чуқур таҳлил қилиниб, муфассал ёритилади. Ўзбек адабиёти ва ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига оид бир қанча сиёсий, назарий-илмий, адабий, тарихий-фалсафий муаммолар ҳақида биринчи бор чуқур фикр юритилади. Бу асар кейинги тадқиқотлар учун мҳим илмий-назарий манба бўлиб қолди. Шу ишини оли докторлик диссертациясига асос қилиб олади. Уша йилиёқ СССР Фанлар академияси фалсафа институтида муваффақиятли ҳимоя қиласди.

Олимнинг билимдонлиги, меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги, уни республиканинг етакчи фузалолари сафига олиб келади, Совет Йттифоқи илмий жамоатчилиги доирасида танитади.

Иброҳим Мўминов ўзининг жамоатчилик ишлари билан алоҳида меҳр-муҳаббатга, ҳурматга сазовор олимдир. Ёшлигиданоқ фаол жамоатчи комсомол сифатида кўплардан ажралиб турган. И. Мўминов катта илмий ишларини жамоатчилик, ташкилотчилик фаолияти билан қўшиб олиб боради.

У дастлабки вақтларда Шоғиркон волость комсомол комитети составида, «Қўшчилар союзи» ишини яхшилашда, хотин-қизлар озодлиги учун курашда, ер ислоҳотини ўтказишда актив қатнашган бўлса, ўн олти йил Ўзбекистон «Билим» жамиятининг раиси, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, бир неча чақириқ республика Олий Советининг депутати, Олий Советининг ташқи ишлар бўйича доимий комиссияси раиси, қатор журнallар редколлегияси аъзоси ва бошқа ишларда эл-юргатга ҳамиша фойдаси теккан истеъодди олим эди.

Иброҳим Мўминов азиз ва мўътабар устоз сифатида ҳам қадрли эди. Унинг бевосита раҳбарлигида 20 дан ортиқ фан доктори, 100 фан кандидати етишиб чиқди. Устозининг шогирдлари орасида турли миллат фарзандлари — ўзбеклар, руслар, татарлар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, тожиклар бор.

Оддий чўпондан академикликкача кўтарилган Иброҳим Мўминовнинг ҳаётини ўрганган киши, ҳеч иккilanмай шунга амин бўладики, инсон қайси соҳани, касбни танлаб, шуни эгаллаш учун тинимсиз меҳнат қилса, ўзиятига эришади.

Советлар даврида меҳнат билан фан чўққиларига кўтарилган Иброҳим Мўминов, фарзандларини ҳам, шогирдларини ҳам меҳнатга ўргатарди.

Олимнинг фарзанди ва шогирдлари устозининг ажойиб фазилатларини ёдлашганда, Иброҳим Мўминовнинг ўғли, медицина фанлари доктори, профессор Акром Мўминов ган боилади:

— Эсимда, отам бунга доим, баракали меҳнат **аёнда** бўлади, деб уқтирад, ўзлари эса бунга намуна **курасатар**.

дилар. Тонгда, соат бешларда туриб, токи иш вақти, яның үнларгача ишлардилар. Кечқурун ишдан қайтгач ҳам, бирор соат дам олғац, аввал, биз амалга оширган ишлар ни сұрап, кейин яна ўз кабинетларига кириб, әрталабдан қолган ишни давом эттирадилар.

Меҳнатни жуда яхши күрардилар. «Меҳнат қылған, албатта роҳатини күради! Шунинг учун, фарзандларим, меҳнат қилинглар. Лекин меҳнат ҳам тартибли, режали бўлиши керак»,— дер эдилар.

Отам файласуф бўлсалар ҳам, укаларим — физиклар нинг ва мен шифокорнинг ишларимизни текширас, фойдали маслаҳатлар бериб турар эдилар.

Отам дам олгани кетгандарида ҳам, бажариладиган ишлар планини тузиб бериб кетардилар. Ҳар ким ўз ишини аниқ бажариб қўярди. Энди ўйлаб кўрсак, отамиз бизни интизомга, меҳнатга, ишни тартиб билан, узлуксиз бажаришга ўргатган эканлар.

Эндиликда биз ҳам отамизниң насиҳатларини фарзандларимизга ўргатиб тарбиялайпмиз.

— Отамизниң ажойиб фазилатларидан бири,— деб сўзини давом эттириди Акромжон,— у киши жуда талабчан эдилар. Узлари табиатан мулойим, ширинсўз бўлсалар ҳам, ишда жуда қаттиққўл эдилар. Интизомга қатъянриоя қилишни талаб этардилар. Илгари бундан бир оз ҳафа бўлган бўлсак ҳам, ҳозир шу фойдали кўникмага ўргатганларидан хурсандмиз.

Ҳафтада бир мартағина кино ёки театрга боришимиз мумкин эди.

Отам бизгá Ватанини севиш, ўз юртини, туғилган ерини яхши кўриш тўғрисида жуда кўп насиҳатлар қиласар эдилар.

Бунга ўрганиш учун, отпускаларини биз билан кўп бор берга ўтказганлар. Ўзбекистон бўйлаб чиройли, хушманзара жойларга олиб бориб: «Халқингни кўришинг керак, турган жойингни билишинг керак, Ватанингни севишинг керак!»— деб уқтирадилар.

Хбитдошимиз, фалсафа фанлари доктори, профессор Нижон Баратов бу борадаги ҳикоямизни тўлдириди:

Иброҳим Мўминович кўп қиррали ва сермазмуним ўдилар. У кишининг ёзган асарларида ва етиштирли шогирдларида устоз қалбининг заррачалари, тафаккининг ширин мевалари ҳамон яшамоқда. «Олимнинг бирининг асарлари ва шогирдлари билан ўлчанади».

Меҳрибон, эътиборли, билагон устозлик ҳам мангуллик ўхридири. Иброҳим Мўминов шундай устоз эди. Шунинг чун ҳам унинг номи шогирдлари тилидан тушмайди, менинг уларнинг умрида, уларнинг шогирдлари умрида ҳам шинайди. Шундай эмасми? «Шундай!»— деб жавоб берди Иброҳим Мўминовичнинг муносиб шогирдларидан бири, фалсафа фанлари доктори, профессор, Узбекистон ССР Филилар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори Музaffer Муҳиддинович Хайруллаев:

— Иброҳим Мўминович жуда кўпдан-кўп шогирдлар тайёрлаб етказганлар.

Иброҳим Мўминович билан биринчи танишишим шундай бўлган. Албатта Иброҳим Мўминовичнинг номини ишлари эшитган бўлсан ҳам, лекин кўрмагани эдим. 1951 йилда мен логика фани бўйича Узбекистон ССР Фанлар академиясининг аспирантурасига кирдим. Бу соҳада республикада мутахассис кам эди. Академияда, Самарқандда, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир лъзоси Иброҳим Мўминович Мўминов борлар, у киши раҳбар бўлишлари мумкин, деб маслаҳат беришди.

Шу орада, 1952 йилнинг кузида, у киши Тошкентга келиб қолдилар. «Шарқ» меҳмонхонасида турганларини аниқладим. Меҳмонхонага бордим. Секин хона эшигини тақиллатдим. «Киринг!» деган майин овоз эшитилди. Мен, ҳаяжон, ҳурмат ва умид билан, ичкарига кирдим. Юмалоқ стол ёнида: бақувват, ниҳоятда салобатли, қовоқлари солингандек бир киши ўтиради. Мен Иброҳим Мўминович билан кўришиб, мақсадимни айтдим. Устоз мендан, философияни ўрганганимни, нималарни ўқиётгашимни, қандай

дилар. Тонгда, соат бешларда туриб, токи иш вақти, яъни ўнларгача ишлардилар. Кечқурун ишдан қайтга ҳам, бирор соат дам олғац, аввал, биз амалга оширган ишларни сўрар, кейин яна ўз кабинетларига кириб, эрталабдан қолган ишни давом эттирадилар.

Меҳнатни жуда яхши кўрардилар. «Меҳнат қилган, албатта роҳатини кўради! Шунинг учун, фарзандларим, меҳнат қилинглар. Лекин меҳнат ҳам тартибли, режали бўлиши керак»,— дер эдилар.

Оtam файласуф бўлсалар ҳам, укаларим — физикларнинг ва мен шифокорнинг ишларимизни текширас, фойдали маслаҳатлар бериб туарб эдилар.

Оtam дам олгани кетгандарида ҳам, бажариладиган ишлар планини тузиб бериб кетардилар. Ҳар ким ўз ишини аниқ бажариб қўярди. Энди ўйлаб кўрсак, отамиз бизни интизомга, меҳнатга, ишни тартиб билан, узлуксиз бажаришга ўргатган эканлар.

Эндиликда биз ҳам отамизнинг насиҳатларини фарзандларимизга ўргатиб тарбиялаяпмиз.

— Отамизнинг ажойиб фазилатларидан бири,— деб сўзини давом эттирди Акромжон,— у киши жуда талабчан эдилар. Ўзлари табиатан мулоим, ширинсўз бўлсалар ҳам, ишда жуда қаттиққўл эдилар. Интизомга қатъяни риоя қилишни талаб этардилар. Илгари бундан бироз ҳафа бўлгайн бўлсак ҳам, ҳозир шу фойдали кўникмага ўргатгандаридан хурсандмиз.

Ҳафтада бир мартагина кино ёки театрга боришимиз мумкин эди.

Оtam бизга Ватанини севиш, ўз юртини, туғилган ерини яхши кўриш тўғрисида жуда кўп насиҳатлар қилар эдилар.

Бунга ўрганиш учун, отпускаларини биз билан кўп бор бирга ўтказганлар. Ўзбекистон бўйлаб чиройли, хушманзара жойларга олиб бориб: «Халқингни кўришинг керак, турган жойингни билишинг керак, Ватанингни севишинг керак!»— деб уқтирадилар.

Суҳбатдошимиз, фалсафа фанлари доктори, профессор Мўбинжон Баратов бу борадаги ҳикоямизни тўлдирди:

— Иброҳим Мўминович кўп қиррали ва сермазмун олим эдилар. У кишининг ёзган асарларида ва етиштирған шогирдларида устоз қалбининг заррачалари, тафаккурининг ширин мевалари ҳамон яшамоқда. «Олимнинг умри унинг асарлари ва шогирдлари билан ўлчанади».

Меҳрибон, эътиборли, билағон устозлик ҳам мангалик муҳридир. Иброҳим Мўминов шундай устоз эди. Шунинг учун ҳам унинг номи шогирдлари тилидан тушмайди, умри уларнинг умрида, уларнинг шогирдлари умрида ҳам яшайди. Шундай эмасми? «Шундай!»— деб жавоб берди Иброҳим Мўминовичнинг муносаб шогирдларидан бири, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори Музаффар Муҳиддинович Хайруллаев:

— Иброҳим Мўминович жуда кўпдан-кўп шогирдлар тайёрлаб етказганлар.

Иброҳим Мўминович билан биринчи танишишим шундай бўлган. Албатта Иброҳим Мўминовичнинг номини илгари эшитган бўлсан ҳам, лекин кўрмагай эдим. 1951 йилда мен логика фани бўйича Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг аспирантурасига кирдим. Бу соҳада республикада мутахассис кам эди. Академияда, Самарқандда, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Иброҳим Мўминович Мўминов борлар, у киши раҳбар бўлишлари мумкін, деб маслаҳат беришди.

Шу орада, 1952 йилнинг кузидаги киши Тошкентга келиб қолдилар. «Шарқ» меҳмонхонасида турганиларини аниқладим. Меҳмонхонага бордим. Секин хона эннингни тақиллатдим. «Қиринг!» деган майин овоз эшитилди. Мен, ҳаяжон, ҳурмат ва умид билан, ичкарига кирдим. Юмалоқ стол ёнида: бақувват, ниҳоятда салобатли, қовоқлари солингандек бир киши ўтиради. Мен Иброҳим Мўминович билан кўришиб, мақсадимни айтдим. Устоз мендан, философияни ўрганганимни, нималарни ўқиётганимни, қандай

Тұма үстіда ишламбқылигімнің сұрадилар. Мен ҳаммаси-ни гапирдім. Үйлаб туриб, мен билан яна учрашиб гаплашишлари кераклигини, бир ойдан кейин Самарқандға боришимни айтдилар. Ұша ерда ўқысиз, аспирантурада, дедилар.

Иброҳим Мұміновичнинг ишонч билан айтган сўзларидан беҳад хурсанд бўлиб чиқдим. Айтилган вақтда Самарқандга кетдим. Шу билан домла раҳбарлигида икки йилдан ортиқ Самарқандда ўқиб, кандидатлұқ диссертациясини ёқладим. Сўнгра Тошкентга ишга келдим.

У киши ҳам Тошкентга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология институтига раҳбар бўлиб келгандаридан сўнг, Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих институтига мени чақирилдилар, бирга ишладик.

Фан докторлиги диссертациясини ёқлаганимда ҳам домланинг ниҳоятда меҳрибонлик, қаттиққўллик билан раҳбарлик қилғандар эсимда. «Тез, пухта ёз»,— дердилар.

Докторлик диссертациясіні Тошкентда зилзила давом этиб турған дамларда ёқлашга тўғри келди. Ұша кунлари домланинг тоблари қочиб қолди. Мен Иброҳим Мұміновичнинг биринчи докторантлари эдим. Билмадим, уйдагилари, врачлар қандай рухсат беришган, диссертация ҳимояси бошланиши билан залга қарасам, охирги стулдаға домла ўтирибдилар. Ранглари кетган, мадорлари йўқ. У киши оппонентларнинг нутқларини эшитгач, кўнгиллари жойга тушди шекилли, секин чиқиб кетдилар. Шогирдга бўлган муҳаббатни, эътиборни, шогирдинг муваффақиятини ўзлариникидек хурсанд қабул этишларини яна бир бор ҳис этдим. Гапираман десам қалбим булоги қайнайверади, домлага шогирд тушганимдан бошлаб умримнинг охиригача, у кишидан илм соҳасида кўп нарсани ўргандым. Домла фақат илмнигина эмас, одамгарчиликни, шогирдларга меҳрибонликни, инсонларга ғамхўрликни, бир иш қилганда узоқни кўзлаб, секин-асталик билан пухта

ҳал қилишни, юксак маданият, ахлоқ-одоблы бўлишни ўргатдилар.

Устоз умр дафтарлари ҳар бир коммунистга катта ибратдир.

Устоз И. Мўминов Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, меҳнатсевар, курашчан солдати эдилар.

У кишининг ташаббуси билан ижтимоий фанлар бўйича янги институт ташкил этилди, янги илмий йўналишлар барпо бўлди, олий ўқув юртлари талабалари учун марксча ленинча фалсафа фани бўйича бир қанча дарсликлар ёзилди.

Ҳа, Иброҳим Мўминовнинг номи — ажойиб инсон, меҳрибон устоз, ардоқли дўст, донишманд ота, улуғ олим сифатида Ўзбекистонда эмас, бутун Совет Йттифоқида яшамоқда. Иброҳим Мўминович Совет Ўзбекистонининг Советлар даврида қўлга киритган буюк ғалабаларининг жаҳон бўйлаб тарғиботчиси эди. Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти Правлениесининг раиси бўлиб, қадрдан дўст, иноқ, қардош халқлар оиласида республикамиз экономикасида, маданиятда қўлга киритган беқиёс ўзгаришларни эл-юртга етказишда, партия ва ҳукуматимизнинг тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда жонбозлик кўрсатиб келдилар.

Ўзбекистон файласуф олимлари мактабининг йирик тарғиботчиси: «Кундалик ҳаётдан ажраб қолган, яшаб турған кун воқеалари билан ҳамнафас бўлиб, партия ва ҳукумат тузган, халқ ироди қилган режаларни амалга оширишга кўмаклашмаган, ишчилар, деҳқонлар қувончини бўлишмаган фан чин фан эмас. Ундай ҳаётдан ажралган олим ҳам тўла қонли ҳаёт кечирдим, деб айтольмайди!»— дердилар.

Катта олим, юқорида айтиб ўтганимиз қатор масъулнитли вазифалар, жамоат ишлари билан қанчалик банд бўйласинлар, ижтимоий тарбия тармоғи — оиласи, ўғилқизларни сира ҳам ёддан чиқармас эдилар. Оиласи, умр йўлдошига, фарзандларига эътибор, меҳрибонлик ота

бурчи эканлигини чуқур, ҳар томонлама ўрнига қўйиб, уларни талабчанлик билан мустақил ҳаётга, камтарликка ўргатар эдилар. Ўзаро ҳурмат, оқибат, дўстлик бўлган оила гуллаб-яшнайди, деб такрор-такрор уқтирадилар. Меҳрибон, азиз ва мўътабар она, содиқ маҳбуба, сирдош дўст сифатида бир умр Иброҳим Мўминович ёнида бўлган рафиқалари Талъатхон аямиз эслайдилар:

— Иброҳим Мўминович Мўминов билан тўрт фарзандимиз қатори, Араббой акаларидан қолган уч жиянимизни ҳам ўз оиласизда катта қилганимиз.

Болаларимизнинг ҳаммаси, улғайиб, олий маълумотли бўлишди. Ўғлимиз Акромжон шифокор, фан доктори, профессор, Мухторжон, Аҳтамжон, жиянимиз Вафожонлар ядро-физикаси фани соҳасида иш олиб боришади. Жиянларимиздан Пўлатжон — доцент, Моҳирахон — Самарқанд Давлат Университетида дарс беради, қизимиз Зулфияхон ҳам олима.

Домла фарзандларимиздан одобли бўлишни, катталарни ҳурмат қилишини, меҳнатни севишини, жамоат ишларида бўлмасин, уйда, кўчада бўлмасин, тоза-озода юришини талаб қиласардилар.

Иброҳим Мўминович ака-укалари билан ҳам жуда иноқ эдилар. Ҳеч бир кишига баланд овоз билан гапирмас эдилар. Ҳаммасини ҳурмат қиласардилар.

Атоқли файласуф олим, олийжаноб инсон, меҳрибон мураббий, етук жамоат арбоби Иброҳим Мўминович Мўминовнинг муборак номи абадий яшайди.

Мазкур очеркда биз эл-юрт олдидағи хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган, иккита Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, яна қатор орден ва медаллар музaffer меҳнатига кўзгу бўлган — улуғ сиймо, аллома Иброҳим Мўминович Мўминовнинг кўп қиррали, сермазмун, ибратли ҳаётидан бир лавҳа сўзладик. Бу — фидокор инсон, мангу, барҳаёт зот ҳақида ёзилажак йирик асарларнинг дебочасидир.

Унинг ўрни мўътабардир

Ўзлигидан кечган юрт иши учун,
Ҳамма вақт ҳамроҳи эътиқод, ғоя.
Бахш этмиш заковату ғайрату кучин,
Шу эл муҳаббати бўлмишдир доя.

МИРМУҲСИН

1976 йил. Узбекистон Коммунистик партиясининг ўн тўққизинчи съездига арафаси. Республикаизда социалистик ҳаётнинг илдиз отиб, қарор топишида фидокорлик кўрсатган, мангу барҳаёт сиймолар фаолияти тўғрисида ҳужжатли кино лавҳалар яратиш ўйи етилиб, маълум кишиларга шуларни ўрганиш топширилди. Киночилар сардори, СССР халқ артисти Малик Қаюмов бу ишга бош-қош бўлди. Ёзувчи Қомил Икромов отаси Акмал Икромов ҳақида ёзишга киришди. Журналист Георгий Димов Файзулла Хўжаёвнинг умр йўлини ўрганишга тушиб кетди. Каминага Абдужаббор Абдураҳмонов сиймосини жонлантириш баҳти муяссар бўлди.

Серқирра, сермазмун ҳаёт соҳибининг умр дафтарини варақлар эканман, унинг ўз отаси ҳақидаги дастхатига илк бор кўзим тушди.

— Отамнинг Тошкент яқинида (Ҳозирги Собир Раҳимов райони, Тахтапулдаги «Янги ҳаёт» маҳалласида) тўрт-беш танобча ери бўларди. Дастрлаб шу ерга экин экиб, тирикчилик қилган. Қурғоқчилик, сув танқислиги тинкасини қуритгач, бир амаллаб тирикчилик ўтиказиши мақсадида аравакашлик, тунукасозлик юмушлари билан шуғулланган.

Биз олти фарзанд эдик. Уч акам — Абдуваҳоб, Тўланган, Абдуманон, икки опам — Нисобиби, Сожида бўлиб, ёлғиз отамизга қарам эдик.

Отам шўрлиқ ҳар куни киракашликдан тушган нулини эмас, ўзини-ўзи ерди. Баъзи кунлари ортишга нарса ҳам чиқмасди. Одамларнинг қадақлаб олган нарсаси, қўлини

күтариб кетишига ҳам юк бўлмасди. Кўп ўтмай, топгани от-уловни сақлашга ҳам етмай қолди. От-аравани сотишга мажбур бўлди. Иш топгунча дастмояни ишлата бошлади. Ётиб еганга темир тоғи ҳам чидамайди, деганларидек, ҳамёнида бори тугаса нима билан тирикчилик қилишни ўйларди отам. Фарзандлари — бизларнинг ёнига киришимизга ҳали анча бор. Кечалари мижжа қоқмай чиқарди. «Қандай замон бу,— деб қўярди отам.— Куч-қувватинг бўлса-ю, қаерга қўйишини билмассанг, кунинг ўтмаса! Улимга келганда шоҳу гадо, қашшоғу бадавлат, заифу паҳлавон, ёшу қари бир бўлсаю, тириклидка ажралиб турса! Ҳамма ҳам бу ёруғ жаҳонда баробар бўла қолса нима қиласкин?..»

Узоқдан эштилган ноғора товуши отани бошқа ўйларга тортди.

— Ҳадемай, болаларнинг бўйи етиб қолади. Бу аҳволда тўйни битимга қиласманми...

Энди кўзи илингган эди, аzon овози қулоғига чалинди. Мияси ғовлаб масчитга йўл олди. Хаёл дарёсига ғарқ бўлиб, рўпарасидан келган мўйсафидни пайқамади, ён бериб ўтиб кетди. Кекса уч-тўрт қадам юриб, тўхтади-да, орқасига ўгирилиб, бошини қуи солиб бораётган Абдураҳмонга қаради. «Бу қанақаси бўлди, отақадрдон сифатида иззат қилмаса, ёшимни, оппоқ соқолимни ҳурмат қилса, худони қарз саломини берса бўлмайдими». У беадабни чақириб, ўзбекнинг эзгу одатини оёқ ости қилиб, салом бермай ўтгани учун таъзирини бериб қўймоқчи бўлди. Шу он Абдураҳмон бошини ер бағирлаб турган кулбанинг туртиб чиққан бўғотига уриб, орқасига тисарилиб кетди. «Хаёли жойида эмас, Тинчликмикин?!— мўйсафид жаҳлдан тушибди, қалбида ачиниш, меҳр уйғонди.

— Абдураҳмон! — унинг қулоғига кирмади. — Абдураҳмон! — овозини баландроқ кўтариб чақириб, орқасидан эргашди мўйсафид.

— Лаббай, — уйқудан уйғонган кишидек, саросимада орқасига қаради Абдураҳмон. — Узр, пайқамай қолибман.

Улар қуюқ сўрашишди.

— Ҳунари йўқ кишини, мазаси йўқ ишйни, ўғлим,— деди воқеадан хабар топган мўйсафид сарғайиб кетган, ҳорғин Абдураҳмонга тикилиб.— Мен, биласан, раҳматли дадангни оғайниси эдим, сенга ёмонликни раво кўрмайман. Агар йўқ демасанг, бидъатчиларнинг сўзига кирмасанг, ўз ҳунаримни сенга ўргатсам. Аслида ёмон ҳунар эмас. Лекин бойларнинг «томига тунука ёпилган уйнинг париштаси бўлмайди» деган гаплари уйдирма. Улар камбағаллар бизнинг тунука томларга ҳасад қилмасин деб, турли ёлрон гаплар тўқиганлар.

Хурофот даврида бу гапга учган одамлар ҳам йўқ эмас. Бошларидан чак-чак чакка ўтиб турса ҳам, тупроқ томни афзал кўришади. Абдураҳмон ака дунёвий фанлардан унча-мунча хабари бор, ёшлигига бир уста руснинг шогирди бўлган мўйсафиднинг аста-секин қайнаб келаётганини кўриб, босмоқчи бўлиб, гап қўши.

— Отамлар доим ўғирликни, ғарликни айби бор, ҳалол меҳнатни айби йўқ, дердилар!

— Тўғри-ку, лекин одам деган бунчалик содда ҳам бўлмаслиги керак-да, ўйламай-нетмай, бирор нима деса, лаққа ишонавермаслик лозим-да.— У қўлини силкиб, елкасидаги қийиқчасини олди-да, пешонасидаги терини артиб қўшиб қўйди:— Хўп, десанг, шу тунукасозликни ўргатман, қисқаси, оч ҳам қолмайсан, бойиб ҳам кетмайсан, бир тирикчилигинг ўтади.

Ҳаётни диний ақидалар эмас, адолат кўзи билан кўрадиган Абдураҳмон ака тунукасозликни ўрганди. Устоздан оқ фотиҳа олгач, ўғиллари Абдуваҳоб, Абдуманноиларни ёнига олиб мустақил ишлай бошлади. Улар ўз ҳунарлари туфайли ўзбек, рус, татар ва бошқа турли миллат хопандонларида тез-тез бўлиб туришарди. Илмлиницида ҳам, илмсизницида ҳам бўлишарди. Шунда кўп жаҳон воқеалиридан хабар топишар, билимнинг ҳосияти ҳақида, русчарнинг саҳовати борасида кўп эшитишарди, одамийлиги миллатда эмас, ҳар кимнинг ўзида эканлигини

и кўришарди. Шундан, Абдураҳмон ака тўрт ўғлини са водли қилишга, билимли бўлишига, турли тилларни билишига интиларди.

— Хунарли, билимли киши ҳеч қачон кам бўлмайди,— дерди у фарзандларига,— мен сизларга, аравакашлигим ёинки тунукасозлигим иоёб касб, демоқчимасман. Ҳархолда ўйлаб кўринглар.

Отанинг таълими, турли турмуш кузатувлари ёшларни илғор ғоялар кетидан эргашишга бошлаган бўлса ажаб эмас.

— 1911 йилда, тўрт ёшлигимда отам вафот этди,— деб ёзади таржими ҳолининг давомида Абдужаббор Абдураҳмонов.— Акаларим қўлида қолдим. Отамнинг васиятига кўра мени ўқишга беришди.

Қора чарм камзул кийиб юрадиган Абдуваҳоб акаси бир куни Абдужаббор сабоқ оладиган масчит ёнидаги қоронғу ҳужрага кириб келди. Домла бу кутилмаган ташрифдан юз ҳаёлга бориб, рангги қув ўчиб, тили қалимага келмай, турган жойида қотиб қолди. Инқилоб икки ёшга тўлай деса-ю; бу эски дастгоҳини ҳали ҳам йифмаса, устига-устак укангизни жуда жаги очиқ, даҳрий саволларни кўп беради, деб арзга журъат этган бўлса, совет милицияси идорасида каттакон, фирмә аъзоси бекорга келадими...

— Тақсир, безовта бўлманг,— деди домланинг бу ҳолатини сезган Абдуваҳоб ака уни ташқарига чорлаб.— Бошқа вақтда имкониятим йўқ. Абдужабборни олиб кетгани келдим. Биласиз, ҳаммамиз кундуз ишдамиз, бола ёлғиз қолиб кетяпти. Тўққизинчи интернат раҳбарлари билан гаплашган эдим...

— Майли, майли...— тақрорларди домла.

— Бошқаларга ҳам рухсат берсангиз ёмон бўлмасди.

— Майли, майли...

— Майли, майлимас-да, тақсир, ўзингиз ҳам замонга боқиб ташвиқот қиласангиз ёмон бўлмасди. Янги совет мактабида ўзингизга ҳам иш топиларди.

— Майли, майли...

— Яна майлим! Билимли, ақлли одамсиз, жиддий ўй-лаб кўринг. Одам қисматини оллонинг иродасига топшириб қўядиган пайтлар ўтиб кетди энди.

Билимга ташна, зеҳни ўткир Абдужаббор интернат кутубхонасидан чиқмасди, ҳар хил адабиётларни берилиб, севиб ўқирди. Рус тилида анча эркин гаплашадиган бўлиб қолди.

— Нима ҳунар қилмоқчисан? — сўраб қолди кўргани келган акаси.

— Билмадим.

— Ўзинг ҳам ўйлаб кўр, биз ҳам бир маслаҳатлашиб чиқайлик, кейин ҳал қиласмиз... Ҳар ҳолда киши севган касбини қилиши керак.

Хозирги Ўзбекистон териториясида ўша даврда Россия ёки Украина дагидек таркиб топган ишчи коллективлари, ўз анъаналари, тажрибасига эга бўлган эски саноат марказлари ўйқ эди. Тажрибали инженерлардан, ишчилардан, қурувчилардан, станокчилардан бу ерга қелтириш, маҳаллий миллат фарзандларидан хоҳлаганларни Москва, Ленинград, Иваново шаҳарларига иш ўрганишга, ўқишига юбориш мўлжалланарди.

Кечқурун ака-укалар тўпланишиб (отанинг тарбиясига кўра, бу хонадонда ҳар бир иш қенгашиб қилинарди), Абдужабборнинг истиқболидаги йўлини ўйлашди.

— Яқинда, мен бир жойда ўқидим, — гап бошлади Абдуваҳоб ака, — Илгари, асосан, океан орти пахтаси билан ишлаган Россиянинг ин-газлама саноатига хом ашё керакми — керак. Пахтани етказиб берадиган жой асосан Ўрта Осиёми — Ўрта Осиё. Демак, истиқболли ҳунар — пахтакорлик. Абдужабборни шу соҳага ўқитайлик.

Бу гап ўтирганларга маъқул тушди.

— Мен ўзига ҳам, бир ўйлаб кўр, дегандим.

Эртага интернатга ўтаман, агар бошқа соҳани ихтиёр этмаган бўлса бас, биз шунга келишдик, дейман.

Абдужаббор акасини қувонч билан кутиб олди.

— Эрталабдан бери роса пойлаяпман. Кечаси ака, интернатимизга катта меҳмонлар келишди. Юқори синф ўқувчиларини йифишиб, юртимизга ишчилар, инженер, тўқимачилик саноати бўйича мутахассислар жуда зарур. Қим хоҳласа Москвага шогирд қилиб юборамиз — ҳам ҳунар ўрганади, ҳам ўқиди, дейишди. Жон ака, Москва-га, доҳиймиз Ленин яшаган жойга борсам, маза бўлардида. Русчани ҳам биламан, қийналмасдим.

Абдужаббор акасини биларди, битта гапиради, унинг оғзига тикилиб туради.

— Бўпти, — деди у бир оз ўйланиб тургач, укасининг елкасига қоқиб, — ишчи авлодидан, чинакам совет ишчиси ҳам чиқсин, ёзил, бор. Кеча биз ҳам маслаҳатлашиб қўйгандик. Паҳтани истиқболи катта, шу соҳани ўргансин, дегандик. Яхши, паҳтани деҳқони эмас, ишчиси бўлар экансан.

Абдужаббор энди ўн етти ёшга чиққан бўлса ҳам дуркун бўлганидан, ёшига нисбатан каттароқ кўринарди. Соч қўйиб, шапка кийиб юрадиган бўлгач, ҳусни яна ҳам очи-либ, кўҳли бир йигит бўлди. У 1924 йилнинг сентябрини бир гуруҳ ўзбекистонлик йигит-қизларга синфком бўлиб, Москва обlastининг Реутово станциясидаги йигирув фабрикаси қошида очилган фабрика-завод билим юртида кутиб олди. Бу ерда бир йил таълим-тарбия кўргач, Москва обlastининг Зарайск шаҳридаги йигирув-тўқув фабрикасида шогирд бўлиб ишлай бошлиди. Тўқимачилик саноатига ақли етадиган, бемалол мустақил ишлай олишга қодир мутахассис бўлди. Москва билан танишиб, унга меҳри тушиб уйига қайтди.

Узбекистонга қайтишлари муносабати билан ўтказилган митингда Абдужаббор ўз тенгдошлари номидан кўпчилик олдидা биринчи марта, рус тилида сўзга чиқди. Йифи-лиш охирида худди Абдуваҳоб акасига ўхшаб кийинган, мўйлабли бир киши унинг ёнига келиб, қўлини маҳкам қисди.

— Мутахассис бўлганингга бир суйинсам, рус тилини

мукаммал ўрганиб олганингга яна қувондим. Тил билган, дилни ҳам билади. Сен, ҳали ёшсан, бу тил — Ленин тили, сени юксакликларга олиб чиқади, омон бўл.

Узбекистонда фаолиятини 1928 йилда Фарғона тўқимачилик фабрикасида уста-монтажерликдан бошлаган Абдужаббор жамоат ишларида фаол қатнаша бошлайди. Комсомол, касаба союз, партия ташкилотларида тобланиб, кўпчиликка муомила қилиш санъатини ўрганади. У баҳтсаодати йўлида унумли меҳнат жангидага жавлон ураётган ишчиларни, эркаклар билан ёнма-ён, зўр гайрат кўрсатаётган аёлларни кўрди, улар билан фикр алмашди, меҳнатни москвалик илфор ишчиларнинг тажрибаси асосида ташкил этишининг дарғаларидан бўлди, рус ишчиларидан ўргангандан кўп нарсаларининг тарғиботчисига айланди.

Қадди-қомати келишган, баланд бўйли, ишда чаққон, оғир ва мулоҳазали, Тошкентдан келган, Москвада таҳсил кўрган йигит тезда ишчиларнинг ҳам, корхона раҳбарларининг ҳам эътиборини тортди.

1928 йил, Фарғона шаҳар партия комитети унинг ёдида умрбод эзгу бир хотира бўлиб қолди. У Ленин партияси сафига қабул қилинди. Ёш коммунистнинг жамоат ишлари яна кўпайди. Энди у ажойиб ташкилотчи, кишилар қалбига йўл топа оладиган, улар билан аралashiб, зарур йўлга кола оладиган ходим сифатида ҳам танилди.

1930 йилда Марғилон шаҳар партия комитетига секретарь қилиб сайланди. Марғилонда ишлар экан, у ернинг донгини чиқарган, йиллар оша авлодлардан-авлодга ўтиб келаётган тўқимачиликни, камалакдек тобланган атлас тўқишини ривожлантиришга, тўқиш ишларини индустрiali асосга кўчиришга куч берди. Илфор фикрли, истиқболни тўғри кўриб, ташаббус билан ишлайдиган Абдужаббор Абдураҳмонов 1931 йилда Фарғона областининг маркази Фарғона шаҳри партия комитетига секретарликка сайланди. Уша йили у Йўлдош Охунбобоев билан учрашди. Кўп ўтмай Акмал Йкромов қабулига чақиришди. Фарғоналиклар меҳнатингиздан хурсанд. Партия энди сиздан — куч

га, ғайратга тўлган чоғингизда қишлоқда фойдаланиш ниятида. Нима дейсиз?

— Нимага лойиқ кўрсангиз, мен розиман!

— Ер ислоҳотини ўтказишга ёрдам берасиз. Каттакатта баҳорикор ери бўлган бойларни таг-томири билан қуритишни уddyалайсиз. Судхўрларга, карвонбошиларга, эшонларга, ҳожиларга, собиқ амир ва хон амалдорлари бўлса, ўшаларга бўш келмайсиз, улар ҳам текинхўр, меҳнат қилмай тишлаб келган хўжаликлардан.

Меҳнаткаш деҳқонларга ер, сув, пулни аяманг. Улардан ер ортиб қолса, ортиқча ернинг ҳам ўрни бор, яъни камбағал деҳқонлардан ортиб қолган ерлар коллективлаштиришга ҳамиртуриш бўлади. Иложи борича бўш ётган, чўл ерлардан узиб олишни ҳам ўйлаш керак. Маданий юриш, ўмумий таълим мактаблари, саводсизликни тугатиш, хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга тортиш эътибордан чиқмаслиги керак.

Шу суҳбатдан сўнг, Янгийўл коммунистлари уни район партия комитетига секретарь қилиб сайладилар.

Абдужаббор Абдураҳмонов энди ер-сув ислоҳотига бош бўлиб, феодал — бойлар ер эгаларининг қолдиқларини туғатишда фаол қатнашади, камбағал деҳқонларнинг чориқорлик азобидан қутулишларига бош-қош бўлди. Кўпчилик ўзбек мусулмончилик, ислом туғи остида, бинобарин, дин билан эгизак бидъят, хурофот қолдиқлари исканжасида яшарди. Бурчак-бурчакка биқиниб олган жаҳолат тарафдорлари ҳар бир воқеадан дин йўлида фойдаланишга уринардилар.

Кутилмагандага, 1933 йилнинг ноябрида соппа-соғ юрган азamat йигит қаттиқ касал бўлиб қолди. Дин пешволарига гап топилди. Воқиф ерларини тортиб олиш, бойларнинг ҳақидан қўрқмаслик, аёлларни беҳаёликка ундаш, дин пешволарини менсимаслик ҳаммани ҳам шу кўйга солади худо, деб вайсардилар улар. Уша йилларда юз берган очарчиликни ҳам қурғоқчиликдан эмас, шундай бетаҳорат кишиларнинг касридан, деб уқтироқчи бўлдилар. Одам

қўйиб, жонлик атаб, ўқитиб ташласак, тузалиб кетади, дейишиди.

— Бориб айтинг, ўша шайтонларга, силлам қуриб, ўлган чоғимда ҳам ундаи қилмайман. Партия, халқ, Ленин бўлмаганида очдан ўлиб кетардим. Революция тонгги отмагандан оиласиз билан қирилардик. Ҳозир қаранг, оиласиз фақат Тахтапулда эмас, бутун Тошкент шаҳридаги энг олдиндаги бадавлат хонадонлардан бири.

Абдуваҳоб акам коммунист, Тўлагац, Абдуманон акаларим коммунист, ҳаммалари ўз йўлларини топиб олишган, партия, совет органларида яйраб ишлаб юришибди. Нисобиби, Сожида опаларим уйли-жойли, афсуски дадам билан онам кўришмади...

«Мен — янги ҳаёт жангчисиман!» — дейишини яхши кўрарди Абдужаббор Абдураҳмонов.

«Чин жангчи йиқилса ҳам, олдинга қараб йиқилади! Тошини терсин, ўша эскилиқ сарқитига ботган таъмагирлар. Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, ҳадемай, оёққа туриб кетаман. Шуни ўзи ҳам уларга жавоб бўлади».

Янгийўл халқи уни севарди. Унинг юрт учун, кўпчиликнинг баҳти учун астойдил курашидан, дўстликнинг нурафшон фояларини тарғиб қилиши учун ҳам ҳурмат этарди. Камтар, камсухан секретарнинг осмони фалакда эмас, халқ орасида яшаб, унинг қувончига шерик, дардига ҳамдард эканидан, ҳамма нарсага ақл кўзи билан қарашидан обрўси орта борарди. Янги ўрганган нарсасини эски тажрибаси билан қўшиб, бойитиб ҳаётга татбиқ этарди.

Келаси йили кўкламга чиқиб, врачлар парвариши корқилиб, аста-секин тузала бошлади. «Давр олдинга қараб кетаялти, кишиларга талаб ҳам ўсяялти. Бор билим, тажриbam кам. Үқишим керак. Олий маълумот олишим шарт». Қанча обрў-эътибор, яхши мартаба ўзига ўта талабчан, эртанги кунни кўра билган Абдужабборни хотиржам қилолмасди. Бу тўғри иқрор, қарор эди. Юқори ташкилотлар, яқин дўстлари «борига шукур қилишни» айтишиди, ҳозир зарур ходим эканлигини уқтиришди, лекин у...

«Мен фақат ўзимни, қорнимни, әгнимни ўйласам, уй-рўзғорим бутлигини кўзласам, бир эмас, минг марта шукур қиласман. Фойдали ходим эканлигимдан ҳам мамнунман. Аммо юртимга бундан ҳам тузукроқ фойда келтирсам дейман! Бунинг учун асос керак — асос чуқур билимда!»

Аҳдида маҳкам турган йигит акалари билан маслаҳатлашди. Унинг ўқиши нияти уларга ҳам маъқул тушди. 1935 йилнинг сентябридан бошлаб Иваново шаҳридаги СССР Енгил саноат Халқ Комиссарлигининг саноат академиясида ўқий бошлади.

Мамлакатнинг бошқа музофотларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам социалистик қурилиш кенг қулоч ёймокда эди. Қатор-қатор йирик саноат корхоналари, Тошкент тўқимачилик комбинати, пойафзал фабрикаси, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи қурилиши авжида эди. Буларга юқори билимли раҳбарлар зарур эди. Республикада ташкил қилинаётган олий ўқув юртлари, ўрта мактаблар қатори марказий шаҳарлардаги дорилфунунлар ҳам ёрдамга тайёр эди.

Ишchan, билимдон йигит 1937 йилда юқори малакали мутахассис-ташкилотчи сифатларини бойитиб Ўзбекистонга қайтади. Давр — ишлаш даври эмасми, уни ҳам жўшқин, завқли меҳнат қучоғига олди. Дастлаб Кўқон шаҳар партия комитетига, кўп ўтмай Бухоро область партия комитетига секретарь қилиб сайданди.

Табиатан ақлли бўлган кишилар қузатувчан бўладилар, яхшиликларни териб, ўзлаштириб бойиб борадилар, ҳеч қачон, ҳеч нарсага қалбдан қониқищ ҳосил қилмайдилар, изланиш давом этаверади, эрта бугундан афзал бўлиши ўйи билан яшайдилар, истиқбол хизматига бутун хизмат камарини боғлаб меҳнат қиладилар. Абдужаббор шундай кишилардан эди. Хотиржам юрганини кўрмасдингиз, ҳар қандай шароитда ҳам ўз идеалига содик қолар, қайғудан йироқ эди.

— Вей, дунёга икки марта келасанми, меҳнатга шўн-

ғиб кетдинг-ку!— деб гина қилиб қолишлари баъзан бирга ўсган дўстлари соғиниб.

— Қизиқмисан, ҳамма нарсанинг ҳам ўз вақти бор — ишни ҳам, дам олишни ҳам, кулгини ҳам, йигини ҳам. Ким меҳнатдан ўлиби. Қани улфатчиликми, биз тайёр, кетдик. Яхиси бизникига бора қолайлик, келинойингиз Гулжаҳон ажойиб таомлар устаси.

Уни ишдан узиб кетсалар хурсанд бўларди. Беморларни кўришга эринмасди, маросимларга боришса, жуда бўлмаса бир кўриниб кетишга вақт топарди-ю, дам олишга шошилмасди. Дўстлари даврасига кириб қолса яйради, шўх болаликдаги ёр-биродарлари билан шошмай сухбатлашар, тиниб тингларди. Юрти ютуқларидан мақтаниб гапиришни, ошириб айтишни ёқтиради. Ҳаммаси бизники — ҳалқники, ҳалқ бойиётганини эшитса қувонарди-да.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретарлигига сайланган Усмон Юсупов Абдужаббор Абдураҳмоновни Янгийўлдан яхши биларди, унинг ишчанлигига, олимлигига, ҳар қандай муаммони тўғри еча олишига тан бериб юарди. Хушхулқлигини айтмайсизми, ҳамиша, ҳар жойда маънавиётини пок сақлай оларди. 1938 йилда Ўзбекистон меҳнаткашлари меҳнатсевар ташаббускор, содиқ фарзандига зўр ишонч билдириди, катта масъулият юклади, республика ҳукуматини бошқаришни топшириди. У Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Ҳалқ Комиссарлари Советининг (1947 йилдан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети) раиси лавозимига кўтарилиди. Ҳалқни севган, кўпчиликка яхши хизмат қилиб хурсанд бўладиган Абдужаббор Абдураҳмонов Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Пўлдоши ота Охунбобоев билан ҳамкорликда Ўзбекистонни иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада равнақ топтиришга киринадилар. Усмон Юсупов Абдужабборга яқиндан ёрдам беради, уни Стални билан, Сиёсий Бюронинг бошқа аъзолари билан танинтиради.

Бутун қалби, юриш-туриши, интилишлари билан замонавий йигит — Москва ва Ивановода ўқиган Абдужаббор катта интернационалист бўлганди. Рус пролетарлари мактабида тобланган, буюк Ленин ғояларининг жанговар агитатори, у — ўз ўлкаси истиқболини улуғ социалистик Советлар мамлакати тақдиди билан чамбарчас боғлиқ тарзда тасаввур қиласди. Партия мактаби сабоқларини кўрган А. Абдураҳмонов ишчи — коммунист ҳам бўлган эди.

Усмон Юсупов билан Абдужаббор Абдураҳмоновлар Узбекистоннинг мамлакатга, мамлакатнинг Узбекистонга берадиган ёрдами, Коммүнистик партия Марказий Комитети, ССР Иттифоқи ҳукумати илгари сураётган вазифаларни ҳал қилиш, Катта Фарғона каналини қуриш, чўлларга сув чиқариб, янги ерларни ўзлаштириш, пахтани кўпайтириш режаларини тузиб тонг оттиришарди. Абдужаббор Абдураҳмонов капитализмгача бўлган даврга хос муносабатлар келтириб чиқарадиган қийинчиликларни йўқ қилиш масаласига эътиборни тортиб, бусиз илгарига силжиб бўлмаслигини уқтиради.

— Аниқроқ тушунтиринг-чи,— қунт билан сўради Усмон Юсупов.

— Биласиз,— деб ётиғи билан гапиради раис,— буни ВЦСПС Урта Осиё бюросининг учинчи пленумида ўзингиз ҳам айтган эдингиз, баъзи жойларда техникага эътибор яхши бўлмаяпти. Ҳамюртларимиз меҳнатнинг ибтидои феодал формаларига мослашган эмасларми, уларни машинада, заводда, корхонада ишлашга ўргатиш қийин, айримлари осон йўлга ўтиб олиб, улардан қўл меҳнатида фойдаланишни майдоқул кўрмоқдалар. Бунақада, маҳаллий миллат кишиларидан етук ишчилар, дастгоҳчилар қачон етишади.

— Ҳақ гап, қойил,— қўли билан Абдужабборни ниқтаб илиб кетди Усмон Юсупов,— бундай қилишнинг бошқа томони ҳам бор,— ишлаб чиқаришни ўрганиш, эгаллаш ўрнига ишчи ҳадеб ўз миллатини пеш қиласверса, ишлаб

чиқарыш төхнікасінің әгаллай олмайды, үсмайды, уймайды.
Биз ҳар иккала ҳолга қарши курашишимиз керак.

— Биз ҳар томонлама етук, янги кишини тарбиялашимиз лозим, — давом әттиради Абдужаббор Абдураҳмонов.

— Ҳа-да,— унинг елкасига қоқиб, қўллаб-қувватларди Усмон Юсупов,— инсонга овқат, уй-жой, кийим-кечакнинг ўзи кифоя қилмайды, ҳаёт тўлақонли бўлиши учун ғазал ҳам, музика ҳам, театр ҳам керак. Сиз кўпроқ шу масала-ларга жиддий киришинг.

Республика, ҳалқ тақдирiga партия раҳбари сифатида биринчи галда Усмон Юсуповнинг жавоб беришini чуқур англаған Абдужаббор Абдураҳмонов унинг тўғри, фойдали фикрларига ҳурмат билан қарап, уларни жон-жаҳди билан бажааради. Бўлиб ўтган сұхбатдан кейин у фан, маданият, адабиёт ва санъет кишилари билан тез-тез учрашиб, шу соҳадаги зарур ишларни амалга оширишга тагин эътибор билан киришиб кетди. Ойбек,Faфур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Комил Яшин, Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистонда ижод қилган Алексей Толстой, Николай Тихонов, Якуб Колас, Всеvолод Иванов, Николай Погодин, СССР Ҳалқ артисти Николай Черкасов каби маданиятимиз юлдузлари билан бамаслаҳат Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ташкил этилганлиги, Алишер Навоий юбилейининг нишонланганлиги, Навоий номидаги, Муқимиy номидаги театр биноларининг қурилганлиги, «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддин Бухорода» сингари фильмларнинг яратилганлиги тарихий воқеа бўлиб қолди.

Катта Фарғона канали, Чирчиқ электр ҳимия комбинати, Фарҳод гидроэлектростанция қурилиши Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев қатори Абдужаббор Абдураҳмонов ҳам фаол қатнашган энг йирик иншоотлардандир.

1939 йилнинг март ойи яқинлашиб келарди. Бутун мамлакат Коммунистик партиянинг XVIII съездига тайёр гарлик кўтарди. Съезд минбаридан сўзланадиган шутқ

борасида Ўсмон Юсупов билан икки раҳбар узоқ, атрофича гаплашишди.

— Давлат, бир юз эллик миллион сўмга бориб қоладиган Катта Фарғона канали қурилишини қўллаб-қувватлармикан? — деб сўраб қолди тўсатдан Абдужаббор Абдураҳмонов, Ўрта Осиё лойиҳа-қидирув трести тузган дастлабки харажатлар сметасига ишора қилиб.

— Роза чуқур ўйлайсиз-да, аниқ фикр юритасиз, Ўсмон Юсупов съездда айтса-ю, фикри ўтмай қолса, қандай бўларкин, дейсиз. Яшанг, энди келишиб олайлик. Тўғри, давлат битта қурилишга шунча пул ажратади олмайди. Буни биз сўрамаймиз ҳам. Агар Фарғона колхозлари ўзларига, ўз иқтисодларига заарар етказмаган ҳолда, харажатнинг маълум бир қисмини гардонларига олсалар, қолган қисмини давлат бюджети ўз зиммасига олади.

— Бу тўғри қарор, Фарғона колхозлари буни қилишади. Ҳисоблаб, аниқ қилиб берамиз сизга.

Сув учун кураш ўйлидаги Ўзбекистон Компартиясининг фаолиятини маъқуллаган КПСС Марказий Комитети ва Иттилоқ ҳукумати — йирик сув иншооти — Катта Фарғона канали қурилиши ҳақида маҳсус қарор қабул қиласиди. Унинг қурилишини ташкил этиш ва амалга ошириш Ўзбекистон КП Марказий Комитетига ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советига топшириллади, ҳукумат комиссияси составига Ўсмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев, Абдужаббор Абдураҳмонов, яна қатор раҳбар ходимлар, мутахассислар киритилади. Қурилиш жараёнида Абдужаббор Абдураҳмонов ажойиб ташкилотчи, меҳрибон, талабчан, юксак маданиятли раҳбар сифатида кейг танилади, совет, хўжалик ташкилотларини, саноат корхоналарини, канални, маданият ўчоқларини муддатидан илгари қуриб битказилишини таъминлашга, ишнинг кўзини билиб сафарбар этади. Ўзини босиб, туйғуга берилиб кетмайдиган, ўзига нисбатан талабчан, юксак маънавий маданият кишиси сифатида танилади. 45 кунда, 160 минг киши қатнашиб, — 270 километрлик Катта Фарғона Қанали қуриб

Шитказилади. Бу каналда ер қазиши ишләри 1939 йил 1 августда бошланыб, 15 сентябрда тамомланади. У. Юсупов, И. Охунбобоев ва А. Абдураҳмоновлар бошлиқ Катта Фарғона канали қурилиши ҳукумат комиссияси бу канални ишга солиш йўли билан халқ ҳашарлари уюштирини ташаббусини бошлаб беради.

А. Абдураҳмонов қийин, мураккаб ишларни ҳам оммага таянган ҳолда бошлаб, тузум афзалликлари қўл қелган ҳолда Улуғ Ватан уруши йилларида янада янги куч билан майдонга чиқди. У асабий, жиддий, кескин муниозараларни оғирлик билан енгарди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 1940 йил марта бўлиб ўтган IX съезди тинч қурилишнинг учинчи беш йилликда амалга ошириладиган режаларини белгилаб берди. Файратга, кучга тўлган Абдужаббор Абдураҳмонов революцион курашлар оловида тобланган халқ донолигини ўзида мужассамлаштирган Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов қаторида учинчи беш йиллик планларини муддатдан илгари бажарилишига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшишга астойдил киришди. Янги беш йилликнинг биринчи йил якунлари қувончли бўлди. Айниқса, пахтачиликда янги муваффақиятларга эришилди. Ўзбек халқи сув учун бўлган жангда донғини чиқарди. Биргина 1940 йилда ирригация ва мелиорация соҳасида амалга оширилган ишлар ҳажми аввалги икки беш йилликда қилинганидан кўпроқ бўлди. Ўзбек халқининг ўзи сиёсий жиҳатдан ўси, Совет Іттифоқи халқлари билан дўстлиги янада мустаҳкамланди. Республика ҳукуматининг раиси бу соҳадаги ишларни яна авж олдириш иштиёқи билан ёнарди.

Учинчи беш йилликнинг иккинчи йили бошланди. Афсуски, у охиригача тинчлик, яратувчилик йили бўлолмади. Фашистлар Германияси тинчлигимизга, чегарамиши даҳулқилди.

Улуғ Ватан урушининг бошланганлиги ҳақидаги хабар республикага етиб келиши билан, Усмон Юсупов, Абдужаббор Абдураҳмонов, Йўлдош Охунбобоев бошлиқ бу-

тун Ўзбекистон она-Ватан ҳимоясига отланди. Халқ урушнинг биринчи кунидан бошлабоқ ҳар қандай йўл билан душманга зарба беришга сафарбар этилганлиги кўп сонли кўнгиллилар аризасидан ҳам маълум. Биргина Самарқанд областя ҳарбий комиссариатларига 1941 йилнинг 22 июнидан 8 июлигача 1316 кўнгилли Қизил Армия сафига олишини сўраб ариза берди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг 1941 йил 29 июня чиқарган Директивасида мамлакатнинг бутун ҳаётини ҳарбий ҳолатга кўчириш программаси илгари сурйлди. «Ҳамма нарса фронт учун, Фалаба учун!» деган шиор совет кишилари турмуши ва меҳнатининг асосий мақсади бўлиб қолди. Абдужаббор Абдураҳмонов ҳамма соҳада бўлганидек, Ўзбекистон Компартияси раҳбарлигида республика халқ ҳўжалигини ҳарбий йўлга солиш, меҳнат ва иқтисодий имкониятларни фронт эҳтиёжларига сафарбар этиш соҳасида жуда катта ташкилий иш олиб борди. Фақат 1941 йилнинг июль—ноябрь ойларида юзга яқин саноат корхонаси Ўзбекистонга кўчириб келтирилди.

Республика партия ва ҳукумати кўчириб келтирилган корхоналарни тез жойлаштириш, дастгоҳларини ўрнатиб, ишга солиш топширигини белгилангандан олдин бажариб турди. Йашлаб чиқариш учун янги кучлар тайёрланди. Шутариқа чаққонлик, юқори онглилик, юксак ташкилотчилик жараёнйда бошланган иш ҳамма соҳада ҳам Фалабага муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Ўзбекистон халқи уруш йиллари совет ватанпарварлигига нақадар содик эканликларини намойиш этдилар. Халқимиз, бир одамдек, фашист босқинчиларга қарши ор-номус учун, улуғ Совет Ватанинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашга бел боғлади. Юз минглаб ўзбеклар — солдат ва офицерлар Ватан урушининг барча фронтларида душманга қарши жанг қилдилар. Маданият — санъат ходимларига яқин турган Абдужаббор Абдураҳмоновнинг 1942 йилда, фронтдаги ўзбек жангчиларига қаратса ўзбек халқи номидан ёзилган оташин хатнинг ташаббускорларидан бири бўлди. Халқ-

ишиг бу даъватига ўзбеклар қаҳрамонликлар билан жавоб берадилар. Душман билан бўлган жангда жонларини аймай ҳаракат қиласдилар. Ўзбеклардан 65 киши Совет Іттифоқи Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди, 118 минигга яқин киши жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди.

Фронт орқасида совет ватанпарварлигининг юксак-на муналарини кўрсатган, ўзининг бор куч ва имкониятлари ни фронт эҳтиёжларига берган, бу ишга Ўзбекистон меҳнаткашларини сафарбар этган раҳбарлардан бири бўлган Абдужаббор Абдураҳмонов уруш йилларида ўзининг чинакам ленинчи интернационалист эканлигини яна бир марта намойиш этди. Ўзбек халқи фашистлар асоратидан ўзини асрар, Совет Ўзбекистонига келган барча совет кишиларига қардошлик ёрдамини берди. Ишчиларимиз, инженер-техникларимиз чинакам меҳнат қаҳрамонлиги кўрсатдилар. Ҳар бир киши икки, уч киши учун ишлаб фронтга қурол, ўқ-дори етказиб берди.

Бу даврда республика ҳукумати қишлоққа ҳам катта эътибор берди. Колхозчи деҳқонларимиз ҳам ўзларининг ватанпарварлик бурчларини юқори даражада англашларини кўрсатдилар. Фронтга озиқ-овқат, ҳарбий саноатга хом ашё кети узилмай жўнатилиб турди. А. Абдураҳмонов пахтамизнинг аҳамияти ҳақида гапирав экан, Анна Аҳматованинг қўйидаги сўзларини эслайди: «Ленинград даҳшатли қамал кунларига нонсиз бардош берди, пахта бўлмаса, демак, порох бўлмаса, Ленинградга янада қийинроқ бўлади».

Буюк Фалабанинг муқаррарлигига тўла ишонгани республика партия ва ҳукуматимиз барча соҳада қурилиш, яратиш ишларига ҳам катта эътибор берди.

Кўчириб келтирилган корхоналарни жойлаштириш ва ишга солиш, қатор янги корхоналарни қуриш республикада энергетика базасини кенгайтириш масаласини жиддийлаштирди. А. Абдураҳмоновнинг бевосита иштирокида Тошкент обlastida 6 гидроэлектростанция, Фарғона во-

дийсида иссиқлик электростанцияси қуриш планы ишлаб чиқилди. Улардан биттаси Бекобод райониде Сирдарёни бўғиши йўли билан қурилиши керак эди. Бу станция Фарҳод электростанцияси номини олади.

Саноатни, қурилиши давом эттириш билан қишлоқ хўжалигини ҳам давр талаблари асосида олиб бориш зарур эди. Пахта маҳсулотини ошириш билан бир қаторда, ғаллани 2,5—3 марта ошириш керак эди.

Улуғ Ватан уруши йиллари бир неча бор жангларга совға-саломлар олиб борган республика меҳнаткашлари вакилларига раҳбарлик қиласди, генерал Петров билан ҳаракатдаги Қизил Армия жангчилари ёнига бориб, уларни янги қаҳрамонликларга отлантиради.

А. Абдураҳмонов республика Министрлар Советининг раиси сифатида илм-маърифатни, маданиятни, санъат ва адабиётни ривожлантиришга, уларнинг тармоғини кенгайтиришга катта эътибор берди.

Умр бўйи А. Абдураҳмонов ҳукумат ишлари билан қанча банд бўйласин, меҳрибон ота сифатида, оила меҳрини ҳам қозона олган эди. Унинг ишчи қизи, фаол-комсомол аъзоси Гулжаҳон Шокировага бўлган муҳаббати, ақлли, ёқимтой рафиқанинг доимий ширин, мулоҳазали суҳбати, оиласидаги меҳнати ҳамма учун ибратли, ҳам ардоқлидир. Ота-онанинг халқа бўлган муҳаббати бу кун уларнинг қизлари, невараларида намоёндир.

Атоқли давлат арбобининг Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари кўп сонли коммунистларининг колектив бўлиб сарфлаган куч-ғайратлари меваси — яшнаган социалистик республикамиз эришган ажойиб ютуқларни таъминлашга қўшган ҳиссаси, ҳалол садоқатли меҳнати юксак мукофотлар билан тақдирланган. У беш марта Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Биринчи даражали Ватан уруши ордени, «Хурмат белгиси» орденлари, кўплаб медаллар совиндори эди.

Рост, эришилган натижалар кўп миллионлаб кишилар меҳнатининг самараси. Бироқ, партиямизнинг, шу жумла-

дан, Ўзбекистон Қомпартыйаси Марказий Қомитетининг силкam ўн икки йил А. Абдураҳмонов бошчилик қилган республика ҳукуматининг фаол раҳбарлик, ташкилотчиликни плиҳомбахш фаолияти жуда катта роль ўйнаганлиги ҳам равшандир. Унинг Ўзбекистонни ривожлантириш, равниқ топтириш ишига нақадар кўп ғайрат, ирода ва бойшевикча эҳтирос сарфлаганлигини бирга ишлаганлар қониқин билан эслашади.

У совет раҳбарига хос катта ва шонли йўлни босиб ўтди.

— Партия ва совет ташкилотларида ҳукуматнинг топшриқларини бажариб келяпман,— деган эди камтарлик билан ўзи ҳақида кам гапирадиган А. Абдураҳмонов.— КПСС Марказий Қомитети, Совет ҳукумати бошқа республикалар каби Ўзбекистонга кун сайин ёрдам ва эътибор бериб турмаганларида бу муваффақиятларга эришиб бўлмасди. Қелажак авлод эришилган натижаларни мустаҳкамлаш билан киояланиб қолмайди, уларнинг бу натижалардан анча ўзиб кетишларига аминман. Бунинг учун тегишли иқтисодий база бор, Ватанимиздаги барча ҳалқларпинг мустаҳкам ҳамкорлиги ва қардошларча ёрдами бор. Ҳалқимиз жуда меҳнатсевар, энг муҳими кўпроқ иш қилишни, тезроқ, яхшироқ ишлашини юракдан истайдиган ҳалқ.

Совет Ўзбекистонимиз бугунги кунда эришган ва эришаётган оламшумул ғалабаларда ва авлодларимизнинг социалистик турмуш тарзини бу қадар мустаҳкамлашларида улкан давлат арбоби, оташин коммунист ва оловқалб инсон Абдужаббор Абдураҳмоновнинг ўрни мўътабардир.

ЁРУҒ ЖАҲОН

Жарроҳ каравот тепасига сал энгашиб, бемордан ҳолаҳвол сўради. Кейин чолнинг елкасидан ушлаб унни оҳиста турғизди-да, кўзига ўралган бинтни еча бошлади. Ҳона

тінч. Ўраклар гүп-гүй уради. Җол қараводан пастта сұрилиб тушаркан, полга чўккалаб хитоб қилди:

— Бормисан, ёруғ жаҳон! Ассалому алайкум, кўҳна дунё! Зулмат пардасидан, ажал ҷангалидан қутқарган ҳалоскорим, шифокорим, умриңгиз боқий бўлсин!

Дилдан қайнаб чиқаётган самими ташаккур сўзлариданми, ё ишининг хайрли ниҳоясиданми, Маҳамаджон Ко-милов енгил тин олди, инсонга қувонч, табассум туҳфа этиш — олий фазилат! Камтар, камгар бу шифокорнинг мазмунли умр йўлидаги погоналар кўз олдимда намоён бўлди.

* * *

Студент Маҳамаджон тонг отгунча китоб мутолаа қиласарди. Бу, ҳамма замон ва маконларда студентларнинг чекига тушган нарса — бусиз иш битмайди, лекин...

— Дадаси, ўғлингиз озиб кетяпти, айтинг, китобларга камроқ тикилсинг! — деб қолди бир куни онаси.

— Ўғлим, ўқиш қийнамаяптими? — сўради ота.

— Йўқ, отажон! Сиздан русчани озми-кўпми ўрганиб олганим яхши бўлган экан, русча китобларни дуруст тушуняпман. Қечалари ўтиришимнинг боиси, ҳозирча ўзбекча дарслик йўқ, ҳамкурсларимнинг илтимосига кўра русча китобларни ўқиб-ўрганиб, уларга ҳам гапириб бериш... фақат... — У жим бўлиб қолди.

— Гапиравер тортинмасдан, болам!

— Чироқнинг мойи тамом бўлиб қоляпти!

— Нима қиляпсан!

— Гапнинг очиғи рус ёзувчиси Горькийнинг ишини тутяпман. Биласизми, у китобларни қандай ўқиган: ой нурини товоқчанинг юзига тушириб, ўшанинг ёруғидан фойдаланган, мен кетменингиздан фойдаланяпман.

— Биз ҳали, сени ухлайсан десак, шундай қиляпман дегин? Кўзинг ишдан чиқади-ку! Ўқиши битирмасдан ҳасса ушламоқчимисан?

— Ота, айбга буюрмайсиз, сўзингизни бўлдим. Ундей

бўлмайди. Ўзим кўз доктори бўлмоқчиман. Ҳозир шу ихтинос бўйича очилган тўгаракка қатнашяпман.

— Майли, болам, ўзинг биласан. Эртага керосин топиб келаман. Илло, вақтида дам олишга ваъда қилсанг.

Маҳамаджон ваъда қилди-ю, аммо бедор тунлари камайиш ўрнига тобора кўпайиб борди. Курсдан курсга кўчган, рус тилини яхшироқ билган сари китобдан бош кўтармайдиган бўлиб қолди. Жамоатчи фаол студентлар қатори маҳаллаларда тиббиётга, озодагарчиликка оид суҳбатлар ўтказиш, семинарларда, тўгаракларда доклад қилиш, комсомол топшириқларини бажариш Маҳамаджоннинг севимли ишларидан эди. 1939 йил Маҳамаджон ҳаётида унутилмас из қолдирди. Илмдан бебаҳра қолган кинининг фарзанди олий маълумотли врач дипломини олди.

— Ота, аспирантурада ўқишини давом эттире дейишияпти, майлими?

— Билиминг кўпайса, дастинг ҳам узаяди болам, майли;— деди Комил ака.

— Ўкинг,— деди таникли кўз врачи, Туркистонга биринчилар қатори келган шифокор Н. И. Оранский,— биз қаріб қолдик, маҳаллий олим, билағон кадрлар жуда зарур,— маслаҳат берди у.— Ёрдам керак бўлса, бош устига, ҳеч тортинимай келаверинг.

«Кўзининг эгаси бор, у оллонинг марҳамати» деб табиблар, эмчилар, кинначилар кўзи оғриганга қарашмасди. Минг-минглаб изтиробдаги ожизлар худодан, авлиёлардан најот сўраб ётардилар. Кўзларини шифобахш сувларга ювив кўрардилар, муқаддас, деб аталган жойларга сигнишардилар. Аммо, зиё кўрмай ўтардилар. Кўз касаллигини тушунадиган, уни даволашни биладиган ўзбекнинг ўзи йўқ эди.

«Комилжон аканинг ўғли, кўз доктори бўпти»,— деган овоза бутун Қўкча даҳага тарқалди. «Бошқа касалларини ҳам тузатаётган эмиш»,— шундай гаплар оғиздан-отизга кўчиб, ўша атрофдаги табибларнинг ороми бузилди. Шун-

да улар нуфузли домла, эшонлар орқали Маҳамаджонни тийиб қўймоқчи бўлишди. Бир куни Эшон маҳалла чойхонасида Маҳамаджонга киноя қилиб: «Кўз эгамники, уни узатаман деб овора бўладилар»,— деди.

— Тақсир, сизга аввало бир саволим бор,— мулойим гап бошлиди Маҳамаджон. Ҳамма ўтирганлар у томонга қарашди. Имомнинг рухматини кутмай давом этди ёш врач:— Тарихимизни биласизми?

— Ўзларидан ўрганамиз-да,— деди заҳарханда билан имом.

— Ундай бўлса, эшитинг!— ўзини сезмаганга олиб, жавоб қилди врач.— Ўрта Осиёмиз бир замонлар жаҳон маданияти энг тараққий этган марказлардан бўлган. У Фарб билан Шарқни боғлаб турувчи йўл устида жойлашганлигидан маданиятимиз ҳам, иқтисодиётимиз ҳам бағоят ривожга минган. Шунда Хоразм бутун дунёга машҳур математик ал-Хоразмийни, буюк астроном Берунийни, Бухоро мисли йўқ табиб Абу Али ибн Синони, Самарқанд олимлар сардори Улугбекни берган. Дарвоҷе, азиз ва мўътабар зот Абу Али ибн Сино мусулмон эди-я?

— Алҳамдулилло, мусулмон эди!

— Ҳа, яшанг! Ўша улуғ мусулмон олим ўзининг тиббиётга оид катта китобларидан бирини кўз касалликлари-га, уларни даволашга бағишлаб, хато қилган экан-да!

Имом жим. Чойхўрлар жим. Баъзилар имомнинг ҳозир боплаб жавоб беришни кутади. Бироқ имом бирор «илмий» гап айтай деса саёз билимининг таги кўриниб қолишидан қўрқади. Шунинг учун қўрқоқ олдин мушт кўтаради қабилида жиртакликка ўтди.

— Чумчук семирса ботмон бўлмайди. Сен ўзингни ким билан тенглаштиряпсан, тирранча!— У, сен баҳс қилишга арзимайсан, деганнинг ишорасини билдиromoқчи бўлиб қўл силтади-да, кимдир узатган чойни паришонлик билан пуфламай ичиб юборди. Иссиқ чой етган жойигача ичини кўйдириб борди шекилли, кўзларидан ёш, пешонасидан тер чиқиб кетди.

«Йессиқ дәмайсизми!»— деди чой узатган кишига зарда билан ва ҳассасини дүкіллатганича чиқиб кетди. Қетидан уч-түрт муҳлис ҳам йўргалаб қолди, уларнинг оёғи осто-надан узилмасданоқ, чойхона шипини осмонга учиргудек самимий қаҳ-қаҳа янграб кетди...

* * *

— Үғлим, сени район ҳарбий комисариати чақирибди,— деди отаси кутубхонадан қайтган Маҳамаджонга бир куни.

Маҳамаджоннинг Қуролли Қучлар сафидаги хизмати Улуғ Ватан урушига уланиб кетди.

90 — ўқчи дивизия полкларидан бирининг врачи М. Ко-милов авжи Ленинград қамали вактида Ладога кўлидан ўтказилиб, С. М. Қиров номидаги Ҳарбий Медицина ака-демиясига ўқишига юборилди. У бу ерда таниқли кўз ши-фокорлари Виталий Николаевич Архангельский каби етук олимлардан таълим олиб, яна ўз дивизиясига — Ленин-градга қайтди.

— Ихтисослаштирилган армия госпиталининг кўз бў-лимини қабул қилинг,— дейиши штабда,— сизни бемор-лар кутяпти.

Маҳамаджон кенг залга кириб, юзи оқ дока билан ўраб ташланган солдатларни кўрди. Кон сизиб чиқкан дока остидаги кўзлар нажот сўраб, жавдирагандек туюлди унга.

— Халат борми?

— Бор?! Лекин дам олиб, сўнг киришмайсизми?

— Халатни беринг, асбобларни олиб келинг!

Тонготаргача операциялар давом этди.

— Бир юз қирқ еттинчи,— деди ҳамшира Наташа охирги беморга навбат келганда.— Толиқиб кетдим, ўртоқ врач.

— Бир киши қолди, синглим! Ҳозир дам оламиз!

Аммо дам олиш қаёқда дейсиз. Йрадорларнинг кети узилмасди. Навбатдаги беморнинг тепасига келган Маҳа-

маджон турган жойида бўшашиб уйқуга кетди. Шу пайт жарроҳонага Ҳарбий кенгаш аъзоси, генерал кириб келди. Жарроҳни уйғотмоқчи бўлишди. У ҳеч нарсани сезмасди. Генералга воқеани тушунтиришди. У безовта қилмасликни, дам олиб бўлгач, ҳузурига юборишни айтиб, хайрлашди.

— Маҳамаджон Комиловнинг бир ўзи,— жуда қийналяпти,— деди госпиталь бошлиғига ҳамширалардан бири,— ўзи бу ҳақда чурқ этмайди. Иродали одам. Агар ёрдамчи врач берилмаса у кишидан ажралиб қоламиз. Ўртоқ бошлиқ, яна бир илтимос, менинг кирганимни билмасин, хафа бўлади!..

— Бўлимингизда қанча бемор бор?— сўради Маҳамаджонни чақирирган Ҳарбий кенгаш аъзоси.

— Кўп эмас!

— Қанча!

— Юздан ортиқроқ...

— Сизга ёрдамчи врач берамиз, икки киши. Уларни кўз касалликларига ихтисослаштирасиз.

— Ёрдамни зарур ерга берингизлар, бизда куч етарли,— деди Маҳамаджон.— Қасаллар ишимиздан қониқмётган бўлса, улгурмай, шошиб қолаётган бўлсак, унисини айтинглар, тузатайлик!

— Йўқ, ундей гап йўқ,— деди генерал бир сўзли Маҳамаджон билан баҳлашув нағижа бермаслигини англаб.— Мана, кўплаб беморларнинг кўзини даволадингиз. Лекин ҳали биронта операциянинг муваффақиятсиз чиққанини кўрганимиз ҳам, эшитганимиз ҳам йўқ. Бу ҳақда гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Бизга мутахассис керак. Шу икки врачни кўз операциясига ўргатиб берасиз.

— Бу бошқа гап!— деди жилмайиб Маҳамаджон.

Генерал у билан хайрлашар экан, кўкрагига биринчи даражали Қизил Юлдуз орденини қадаб, ишларига муваффақият тилаб қолди.

— Бир кунда 150 жангчининг кўзини операция қилиб, нур-зие бахшида этиб, сафга қайтариш — қаҳрамонлик.

Ғалаба кунига жангларда қатнашиб, кўп ярадорлар кўзига зиё қайтарган Маҳамаджон Комилов озод Прага, Берлин тупроғида ўзининг жанговар дўстлари билан хайрлашди.

* * *

Бир ҳафта келди-кетди бўлиб, Комил ака ўғли билан тузукроқ гаплаша олмади ҳам. Ниҳоят, одамларнинг кети сал узилиб, ота-бала ёлғиз қолишиди.

— Ўғлим, соғлиқлар қалай?

— Яхши, ота, оёқ-қўлимдан ярадор бўлган эдим. Ҳаммаси битиб кетди. Фақат Ленинград қамалида қорним шишиб, бир оз ташлаб қолган. Парҳез қилиб турилса, тузалиб кетади. Нимайди?

— Келди-кетди бош устига бўлаверади... Энди, ўғлим, эсон-омон келдинг, ҳали ҳам урушдан олдинги гап, ўқишнинг кетига туш!

— Тўғри-ку, ота. Лекин сиз ҳам, онам ҳам кексайиб қолибсиз. Мен ишлай, уй-жойларни бир оз тузатиб, кейин ўқишини давом эттирай.

— Йўқ, болам, ундаи қилмайсиз, менинг айтганимни қиласиз,—деб сизлашга ўтди Комил ака. Одатда аччиқ-лансанда шундай қиласарди.—Уруш тўхтади. Энди жангга кетадиган харажатлар бўлмайди. Ҳаммасини ўгу ҳаётни тиклашга сарфлайди ҳукуматимиз. Бу демак, турмуш фаровонлашиб кетади...

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг директори Жўра Пўлатов солдат либосида келган йигитни бошда танимади, танигач хурсандлигидан танасига сифмай кетди.

— Маҳамаджон Комилов, марҳамат! Эсон-омон келдингизми?—ширин сўз билан кутиб олди Жўра Комилович.—Қалай, аҳволлар яхшими? Жуда яхши келибсиз, сиз каби тажрибали мутахассисга зормиз. Эртагаёқ ишга киришаверишингиз мумкин.

— Раҳмат, устоз. Агар қарши бўлмасангиз, бир ўйлаб кўрсам.

— Нимасини ўйлайсиз, ука! Кўрқманг, бу ерда иш урушдагидай қийин бўлмайди.

— Йўқ, устоз, гап қийинчиликда эмас. Ота билан маслаҳатлашадиган бошқа бир масала бор.

— Хўп, ўзингиз биласиз. Лекин кутамиз...

* * *

— Ота, кенгаши тўй тарқамас, дегандек, яна бир олдингиздан ўттай, девдим.

Маҳамаджон аввалгидек рўзгорга, уй-жойга қараши лозимлигини айтса, отаси кўнмаслигини ўйлаб, ўз мақсадига эришиш учун бошқа важ кўрсатишни маъқул кўрди.

— Мана, ўқишини битирганимга анча бўлиб қолди. Биринчидан, кўп нарсалар ёдимдан чиқиб кетган, иккинчидан, анча ёшга кириб қолдим, ўқишини давом эттиришга кучим етармикан?

— Яхши гап,— деди ота Маҳамаджонга синовчан боқиб,— ўлимдан бошқа ҳамма нарсани кўрдим. Энди, тил билан дилнинг гапини ажратишга фаҳмимиз етади. Кейин, ким айтган сизга, ёни ўтган одам ўқишини кўтаролмайди деб? Ўқишининг кечи йўқ. Ўғлим, ташвишланманг, оч қолмаймиз.

Маҳамаджон Жўра акага бориб, очиини айтди.

— Отам ўқишини, аспирантурани давом эттиришни маслаҳат беряптилар. Ўзимизга қолса, сиз айтгандек, ишласам дейман. Нима маслаҳат берасиз?

— Иккаласини ҳам қиласиз,— деди Жўра ака,— мен Архангельский билан...

— Кечирасиз, сўзингизни бўламан,— деди Маҳамаджон кўзларида қувонч ёниб,— Виталий Николаевични айтяпсизми?

— Йўқ, ука, бу тошкентлик Архангельский, исмишарифи Пётр Фёдорович. Яхши мутахассис. Институтимиз кўз касалликлари кафедрасининг мудири.

У ҳар куни саҳарлаб ўрнидан туарди. Бугун ҳам отаси Комил ака билан Маҳбуба холани уйготиб юбормаслик учун оёқ учида юриб рафиқаси Матлубахонни оҳиста ёнига чақирди.

— Столда нон қолдирдим, ҳали онамиз уйғонсалар дастурхонга қўярсиз.

— Майли-ку, ўзингиз кечгача нима қиласиз?

— Бир кун минг кун бўлмайди. Ленинград қамалида бундан ортиғига чидаганмиз. Онамнинг тоблари йўқ, у кинши дардни енгиш учун кўпроқ тамадди қилишлари керак. Хайр, яхши ўтирглар,— секин гапириб, ҳовлига тушди у.

Шу пайт нариги уйдан онасининг овози эштилди:

— Маҳамаджон! Болам, бу ёққа қараб кет.

— Ойижон, тузукмисиз? Мен сизни безовта қилмайдеб...

— Онанг турганда сен ухлаб ётгандинг, ўғлим,— деди кампирнинг тепасида ўтирган Комил ота.

— Бугун жуда вақтли кетаяпсан, тинчлиқми?

— Тинчлик, онажон. Ўзингиз биласиз, трамвайга ишониб бўлмайди, имтиҳоним бор; пиёда қолсам кечикмайдейман-да.

— Даданг ҳам шундай деб турувдилар. Имтиҳондан қачон ўтасан, қачон ўтмайсан, мана шуни ола кет.

Она дарстрўмолда бир нарса узатди. Маҳамаджон қараса, бир бурда нон билан бир думалоқ қанд.

— Нега емадингиз? Ахир, сизга қувват керак!..

— Ол, болам, ола қол. Ҳозир отанг заборнийга нон олиб келадилар.

— Қаёқда!— деди у кичик дўконнинг атрофида навбат кутиб турган кишиларни ўйлаб,— навбатлари пешинда ксладими, кечқурунми? Йўқ, ойи, ўзингиз енг!

— Болам, ол, мен рози!

— Йўқ, ойижон! Ўзингиз енг!

— Мени хафа қилма!

«Кўнгил» учун бўлса ҳам ол. Маҳамаджон,— деди у

ичида.— Олмасаң кечгача сени ўйлаб дардлари улғайиб кетиши мумкин. Олгин-да, ҳалигининг ёнида қолдир!»

— Майли, ойижон!

* * *

Неча ойдан бери профессорнинг диссертация тұғрисидеги фикрини кутади. «Еқмадими, бўлмадими, айтишга тили бормаяптимикан? Ундоқмасдиров. Ахир, ҳамкаслар, яхши бўлади дейишганди-ку? Тажрибалар ҳам ўзининг маслаҳатига мувофиқ ўтказилган. Нима бўлдийкин?» Маҳамаджон қўллари билан сочини тараб, ўйланиб қоларди...

— Шаштинг паст, ука?— деб сўраб қолди бир куни Жўра Пўлатов. Рангинг ҳам кетиб қолибди.

— Йўғ-эй, яхшиман. Бир оз иш кўпроқ.

— Ёлғон гап сенга ярашмас экан. Қачон ишдан чарчагандингки, энди чарчайсан. Бошқа гап борга ўхшайди.

— Топдингиз, Илмий ишимни топширгандим. Устоздан жавоб бўлмаяпти. Қўлим ишга бормай юрибман. Уруш, ўқиши, иш давридаги мashaққатлар бир бўляпти-ю; бу ҳам бир бўляпти.

— Мёнга қара, ташвиш қилиб юрасанми, шартта кириб сўра, ҳа деса яхши, йўқ деса камини тўлдир.

* * *

Тонг билан Маҳамаджонлар эшигига Жўра ака билан яна бир киши келди.

Жўра ака эшикни оҳиста тақиллатди. Ичкаридан овоз эшитилмади. Қаттиқроқ урди. Ҳамон жим. Чопиб бориб, уй орқасини дукиллатди, одам ҳам шунаقا бўладими, кузатиб қўймайсанми, деди ҳамроҳига қараб.

Шу пайт эшик очилиб, Комил ота кўринди.

— Ҳа-ҳа, болам, тинчликми?— сўради Жўра аканинг уй орқасини бесаранжом муштлаётганини кўриб.

— Маҳамаджон уйдами?— жавоб ўрнига сўради у.

— Ўйда, нимайди?

Меҳмон отанинг ёнидан лип этиб ўтди-да, дўсти ётган хонага кирди.

Маҳамаджон кўрпага бурканиб ётарди.

— Ҳайрият,— деди эшитилар-эшитилмас, оҳиста оёқ учида юриб уйдан чиқаркан.

— Ассалому алайкум, қани энди кўришиб қўяйлик,— деди Жўра ака отага қўл узатиб,— буни қаранг, кеча профессорга учрашган экан, у киши, аниқ билмадим-ку, афтидан, диссертациясини ҳали хом деган бўлса керак. Маҳамаджон бундан хафа бўлиб, алламаҳалгача ишлаб ўтирибди. Мана булар кўрибди, кузатиб қўяй дейишса унамабди, ёлғиз ўзи кетибди. Шундан хавотир олиб, минг хаёлга бориб келгандим, эсон-омон экан.

— Шундайми?!— сўради ота соқолини силаб.— Уйда ҳам ухламай ҳовлини айланиб юрди. Мен, одати бўйича у-буни ўйлаб юрибдими, дегандим.

— Ассалому алайкум,— деди осто надан тушиб келаркам Маҳамаджон.— Тинчликми?

Ҳовлида турган уч киши, жойларида шамдек қотиб, Маҳамаджонга тикилиб қолишган эди. Жавоб ўрнига, нега бунчалик боқиши? Маҳамаджон ҳайрон бўлиб, у ёқ-бу ёрига қаради.

— Сочингнинг ярми қани?— У сочини силамоқчи бўлганди, қўли яланг бошига тегди.

Жўра ака қўлидан ушлаб, уйдаги ойна ёнига етаклади. Сочи тўқилиб, ёстиқ билан битта бўлиб ётарди.

— Одам шунаقا ҳам ичга ютар, куюнчак бўладими?— деди ўқаланиб дўсти.— Ҳозир,— деб эшикка чиқиб кетди. У сартарошни бошлаб келганида Маҳамаджон ўрнида ётарди.

— Нима қилди?— сўради отадан.

— Бирдан ўзини ташлаб юборса бўладими,— деди ота ўпкасини тутолмай.

Эртаси Жўра ака янги бир гап топиб келди.

— Беҳуда хафа бўлиб юрибсан,— деди у Маҳамаджон.

га,— ишиңг нега орқага сурилаётганинг асил сабабини билдим. Ё ўз ишиңг ҳеч нарсага арзимайди деб юрибсанми?

— Ҳамма гап шунда-да, ака, ўзимча ёмон эмас эди иш. Бирданига ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бўлмайди, деса бўладими. Ток ургандек бўшашиб кетдим. Қечаси билан яна синчилаб ўқиб чиқдим.

— Нимаси бўлмайди, деб сўрамадингизми?

— Уша пайтда, тилга гап келади, дейсизми?

— Хуллас, ука, ўзингизга ярашиқли иш қйлмабсиз. Аввало, нега бўлмаслигини сўраш керак эди; сўнгра, ахир, бир одамнинг гапи гап бўлиб кетмаслигини тушуниш, бошқа мутахассисларнинг фикрини билишингиз керак. Ким айтади сизни паст-баландни кўрган, оғир, доно йигит деб.

— Шундай дейсиз-ку,— деди сочи бўлмаса ҳам одати бўйича бошини силаб Маҳамаджон,— баъзан бир оғиз гап ҳам фикрлар оқимини ўзгартириб юборади.

— Ҳа, майли, ўтган ғапга салавот, кеча кечқурун устозингизнинг ўйига бордим. У узр сўраб юборди. Гап диссертацияда эмас, бошқа ёқда экан. Ҳозир кўз касалликла-ри соҳасида малакали мутахассислар кам эмасми. Агар, сиз диссертацияни ёқлаб, фан кандидати бўлсангиз, кафедра сўзсиз сизнинг қўлингизга ўтаркан. Бир номард шуни истамабди. Устоз ўшанинг гапига кирганига ўзи ҳам хафа. Ҳаётда шунақаси ҳам бўларкан...

Иигирма кунча ётиб, тузалган Маҳамаджон Комилов Москвага жўнаб кетди.

* * *

— Тушимми ё ўнгимми, Маҳамаджон, сенмисан? — қучоқ очиб кутиб олди Москвада профессор Виталий Николаевич Архангельский.

«Қандай қабул қилишаркан, қандай баҳо беришаркан!»— деган хаёллар билан борган ўзбек ўғлонининг кўнглини қуёш ёритгандай бўлди.

— Қани, гапир-чи, яхшимисан, ота-онанг сиҳат-саломатми,— сўради профессор. Сўнг улар Улуғ Ватан уруши

Нилларида Ҳарбий Медицина академиясида ўтган ўқишии
еслашди.

— Бир мінг тұққыз іоз қирқ учинчи йил сира әсимдан
чиқмайды. Ұша вактда академияда олган билимларим
әспирантурани давом эттиришимга жуда катта ёрдам бер-
ди-да, устоз.

— Ҳүп мекнат қилибсан,— деди устоз гапни бошқа
әкқа бурғыб.— Ілмий ишинг менга маъқул. Бошқаларнинг
ҳам сўзини эшитарсан.

Ниҳоят, бошқаларнинг сўзини эшитадиган дақиқалар
ҳам келди. Москва олимлари диссертацияга юксак баҳо
беришди. Маҳамаджон Комиловнинг кўп йиллик орзуси
ушалди. Комил ака ҳам армони ичидаган бўлди.

* * *

— Баракалла, ўғлим,— деди хасталасиб ётиб қолган
ота,— берған тузимга мингдан-минг розиман. Баҳт ёр бў-
либ, ниятимизга етдик. Эндиғи насиҳатим шуки, элдан
хизматингни аяма, бу ёруғ жаҳонни, обод диёрни кўрмай,
армонда қоладиган одам бўлмасин!

— Ота, ота!— қани энди эшитса, падари бузруквор.

Маҳамаджон ака 1958 йил баҳорнинг жума оқшомини,
отасининг сўнгги табаррук сўзларини ҳамон эслайди.

* * *

У ишдан саккизинчи трамвайдада Навоий кўчаси бўйлаб
уйига қайтарди.

— Ассалому алайкум, доктор!— деб ўрин бўшатади
унга ўрта ёшлардаги киши.— Мана, бемалол ўтиринг.

— Раҳмат.

Уни қаерда кўрган эканман, деб ҳайрон боқади Маҳа-
маджон ака. Нотаниш одам буни пайқади шекилли, ўзи-
ни танитди:

— Ўтган йили клиникандизда ётган эдим. Кўзимни оч-
ганингиз эсингиздами?

— Ҳа, ҳа, әсимда. Саломат бўлинг.

Гарчи эсида бўлмаса ҳам, уни ранжитмаслик учун шундай деди. Ахир, кунига ўнлаб бемор қўлидан ўтгандан кеин қайси бири эсида турсин?

Трамвай билан ёнма-ён келаётган енгил машина Чорсуда тўхтайди.

— Маҳамаджон ака, бу ёққа тушинг, илтимос.

У, бирор ёрдамим керак бўлса керак, деб пастга тушди.

— Яхшимисиз, доктор. Онам, сизга кўрсатмасимиздан олдин, куппа-кундуз ҳам туртиниб юардилар. Ҳозир китоб ўқиятилар. Мана тайёр машина, йўқ демайсиз, уйнингизга ташлаб ўтаман.

Ҳар куни шундай. Маҳамаджон ака кўчага чиқди, учтўрт шифо топган, кўзи очилган киши ёки уларнинг яқинлари бирон тарзда ўз миннатдорчилигини билдиришга интилади.

* * *

Маҳамаджон Комиловга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Н. Ф. Архангельский йўқлаганини айтишиди.

Эшиғига «Кўз касалликлари кафедраси» деб ёзилган хонага кириб қолган Маҳамаджонга профессор бир варақ қоғоз узатди. Қафолатнома эди у.

— Маҳамаджон, сиз ўтириб туринг, ҳозир қайтаман.

У чиқиб кетди. Маҳамаджон профессор берган ҳужжатни ўқий бошлади.

«Маҳамаджон Комилов, 1917 йилда туғилган. 1939 йилда Тошкентдаги медицина институтини тамомлабан. 1939—1940-йилларда шу институтда аспирантурада ўқиган. 1943—1944-йилларда Ҳарбий Медицина академиясида кўз касалликларини даволаш, операция қилиш маҳсус курсини битирган. 1944—1945-йилларда ихтисослаштирилган госпиталларнинг кўз бўлинмаларида врач, бошлиқ бўлиб хизмат қилган. 1946-йилда Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институтининг кўз клиникасига келди. 1955 йилда Москва шаҳридаги врачлар малакасини ошириш

марказий институтида диссертация ёқлаб, медицина фанлари кандидати илмий даражасини олди.

М. Комиловнинг кўз врачлари жамиятида ўқиб берган қўллэзма шаклидаги илмий ишлари, матбуотда босилган асрлари шуни кўрсатадики, у илмий иш қилишга қодир ходимдир. Ўнинг Москвада муваффақиятли ёқлаган «Кўз касалликларини даволашда баъзи дори-дармоилардан фойдаланиш» деган темадаги диссертацияси ҳам шундан далолат беради. Ёш олимнинг кўз врачлари жамиятида қилинган докладлар юзасидан музокараларда актив қатнашиши, масалаларга ижодий, атрофлича ёндашиши кўз касалликларига чуқур қизиқишини, уни севишини кўрсатди.

Шифохоналарда узоқ вақт ишлаганлиги, пойттахт (Москва, Ленинград) ва хорижий (Прага, Вена) шаҳарларда даволаш ҳамда илм бериш ишларининг қандай ташкил этилганлигини кенг ўргангандиги билан у тажрибали врач — диагност ҳамда ўз ишини ипидан-игнасигача чуқур биладиган кўз операцияси жарроҳи бўлиб етишган. У жарроҳлик техникасини жуда яхши эгаллаган, ҳар қандай кўз касаллигини операция қилишга қодир мутахассисdir.

М. Комилов Тошкент ва Москва шаҳарларида жойлашган врачларнинг малакасини ошириш институтларида узоқ йиллар давомида педагогик ишларини олиб бориб, ўз дарсини ҳозирги замон билимлари даражасида тушунтира оладиган тажрибали педагог эканини ҳам кўрсатди.

У жамоат йўли билан тошлирилган барча ишларни ўз вақтида сифатли қилиб, ташаббус билан бажариб келмоқда.

Ушбу кафолатнома Тошкент Медицина институти ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кўз касалликлари клиникалари мудирлигига ишлаб, етти йил М. Комилов ишларига раҳбарлик қилганлигим асосида ёзилди.

Мазкур айтганларга кўра, медицина фанлари кандидати М. Комиловнинг доцент унвонида кўз касалликлари

кафедраси мудири вазифасини бажарувчи лавозимида ишлашига кафолат бераман.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор.

П. Архангельский.

Тошкент шаҳар, 1953 йил.»

— Жуда ошириб юборибди-ку,— деди хижолат чекиб Маҳамаджон ака.

— Ўқидингми, бўлдими? — сўради хонага кириб келган профессор,— бардам бўл! Устозлар кўкрагини яна баландроқ кўттар!

* * *

Ўз меҳнати, ташкилотчилиги билан кафедрага ҳам, клиникага ҳам бошлиқ бўлиб қолган М. Комилов бўйича ҳурматни меҳнатдан деб билди. 50 ўрили клиника юз бемор даволанадиган қилиб кенгайтирилди. Шу даврда унинг куйиб-пишици билан республиканинг бошқа областларида ҳам кўз касалликларини даволаш муассасалари очилди. Натижада мутахассисларга эҳтиёж ортди. Доцент М. Комилов бошчилик қилаётган клиникага Ўрта Осиё республикаларидан, қардош Қозоғистондан ҳам келадиган врачларнинг малакасини ошириш топширилди. Ҳар йили 300—400 киши ўқишга келадиган бўлди. Доцент уларнинг ўқишини ташкил этиш билан бирга, ўз дарсига ҳам тайёрланар, ҳар ҳафтада икки кун bemorларни операция қилар эди.

— Олимлар сафини янада кенгайтириш масаласини ўйлашимиз керак,— деб масала қўйди Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг олдига М. Комилов.

— Жуда соз,— деди министр,— аспирантлар қабул қилинг.

М. Комилов илмий раҳбар сифатидаги фаолияти шундан бошланди. Кўз касалликлари бўйича аспирантурага ўтказилган конкурсда Қутби Аслонова ғолиб чиқиб, ўқишга қабул қилинди.

— Темани пухта танлашимииз көрак,— деди аспирант билан сұхбатда раҳбар,— унинг ҳаёт учун ҳам, фан учун ҳам нағи тегадиган бўлсин.

Қутби Аслоновага «Фарғона водийсидаги баъзи саноат корхоналарида кўз жароҳатларининг олдини олиши» темаси топширилди. Бу тема илмий кенгашда бир оғиздан маъқулланди. Сўнг Ашхободда муваффақиятли ёқланди. М. Комиловнинг шогирдларидан Альфия Умарова, Ҳасан Мирзаевлар ҳам кўз касалликларига оид муҳим масалаларни ҳал этмоқдалар.

Клиникада тузалиб чиқаётган ожизлар билан сұхбат-жиссангиз, оғизларидан бол томади.

— Маҳамаджон Комилов тузатдилар.

— Комилов Ўрта Осиёда биринчى марта кўзни беозор музлатиб операция қиляпти.

— Докторнинг усталигига қойил қолиш керак.

Маҳамаджон Комиловнинг номи мўъжизакор, афсонаий қўл эгасига айланди. Мамлакатнинг узоқ бурчакларидан одамлар қабулига кела бошлади. Аслида ҳеч қандай мўъжиза, сирли қўл йўқ эди. Оддий инсон қўли, оғир, қунит билан юзага келган уста жарроҳлик, инсон интилини, изланишининг меваси — мўъжиза ишлар қилинади. Бу — совет фаннининг мўъжизаси эди. Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентда яшаб, беморларни даволаган В. П. Филатов мактабининг мўъжизаси эди. Унинг соҳиби оддий ўзбек йигити, совет врачи, олим Маҳамаджон Комилов эди.

Республикада кўз касалликларини даволайдиган муасасалар қирқдан ошиб кетди. Кўз врачларининг сони доим ошиб бермоқда. Буларнинг ишига республика миқёсида раҳбарлик қилиш, илфор тажрибаларни умумлаштириш ва ўрганиш лозим эди. Шунда республикада кўз мутахассисларининг илмий медицина жамияти тузилди. Маҳамаджон Комилов жамият правлениесининг раиси қилиб сайланди.

Ишлар яна кўпайди. Областларда кўз касалликларини

даволашни ташкйл қилиш, мураккаб операцияларни бо-
риб ўтказиш, даволашнинг янги усулларини ўрганиш
бошланиб кетди.

— Кўз қасалликларини даволайдиган, бу соҳани чуқур
ҳар тарафлама ўрганиш имкониятини берадиган маҳсус
шифохона қурмаса бўлмайди! — таклиф киритди М. Коми-
лов. Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бу
фикрни қувватлади. Ўз таклифининг маъқулланганидан
мамнун бўлган Маҳамаджон ака тўғри клиникага келиб,
бу хушхабарни ҳамкасларига етказди.

Маҳамаджон ака ташкилотчилик, раҳбарлик, педагог-
лик билан бирга ҳафтада икки марта жарроҳлик ҳам қила-
веради.

— Бу деган сўз,— тушунтириди Қутби Аслонова,—
врач — жарроҳ тўрт кун на уйқу, на тиним билади. Шуни
унутмангки, врач операция арафаси ҳам, эртаси кунлари
ҳам ҳаяжон, умид, ташвиш ва қувонч билан яшайди. Бир
кун аввал операцияни қандай қилиб яхши ўтказишни,
унинг қандай чиқишини ўйласа, эртасига бемор ўзини
қандай тутишини, ишининг натижасини фикрлайди. Ўзин-
гизга маълум ҳар қандай оғир, ишининг кўзини биладиган
киши ҳам кўнгли тинч бўлмаса ухлай олмайди.

* * *

Кўз врачларидан бири тошкентлик бемор Г-га: «Сиз
Москва, Киев ёки Одессага боришингиз, профессорлар би-
лан маслаҳатлашишингиз лозим», — деди.

— Нега, ўзимизда малакали мутахассислар йўқми?

— Уша врач нима учундир Маҳамаджон аканинг да-
рагини айтмади. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ-да.

Бемор Одессада бўлди: «Маҳамаджон Комилов кўрди-
ми? — деб сўрашди. Киевга келди. «Ўз доцентингиз бор-
ку», — дейишиди. Охири Москвага борди.

— Кўзингиз яхши бўлиб кетади,— деди СССР кўз қа-
салликлари шифохонасиининг бош врачи профессор Вита-
лий Николаевич,— фақат операция қилиш керак.

— Ҳамма нажот ўзингиздан профессор!

— Мен қиласардиму қўлим титраб кетади, кексалик енгаяпти.

— Бўлмаса кимни тавсия этасиз?

— Бунинг устаси Маҳамаджон Комилов, ўзингизнинг Тошкентда,— деди профессор беморга синовчан боқиб.— Баъзи бир кишиларга илмий даражага, фахрий унвонларга қараб баҳо берадилар. Лекин янгишадилар. Фан кандидати, доктори бўлмаган шундай талантлар, тажрибали мутахассислар борки, нимасини айтасиз! Маҳамаджон Комиловнинг Москвада ҳам, Филатов ватани — Ленинградда, Одессада ҳам, медицина равнақ топган Киевда ҳам кўз врачи-жарроҳи сифатида обрўси катта. Маслаҳат, шу кишига учрашинг.

Москвадан қайтган бемор М. Комиловни Чимбой кўчасида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг яқинда қуриб ишга туширилган икки юз ўринли Бирлашган ва ихтисослаштирилган кўз касалхонасида учратди.

Доцентнинг таклифи ва ташаббуси билан, партия-ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли барпо этилган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кенг, ёруғ бу шифохонага республикадаги барча йирик кўз врачлари чақирилган эди. Тошкентдаги медицина институти, Самарқанд, Андижон кўз касалликлари клиника ва диспансерларидан келган мутахассислар янги шифохонани ҳандай ишни жиҳозлаш, ишни самарали ташкил этиш учун нима қилиш лозимлигини маслаҳатлашишарди.

М. Комилов жамият правлениесининг раиси, республика кўз касалликлари бош врачи сифатида ҳар бир ишни коллектив бўлиб ҳал этишини, энг яхши таклиф, маслаҳатлар асосида иш режаларини тузишни одат қилиб олган. Бу гал ҳам шу йўлни тутган эди.

— Кенгашли тўй тарқамас,— дейди доцент ўз севган гапини тақрорлаб,— ҳозир республикамиизда 46 та йирик кўз касалликлари диспансери, амбулаториялар ишляйти. Улар кундан-кунга кўпайяпти. Бунинг устига Ўзбекистонда

хисобга олинган 40 мингга яқин кўзи ожиз киши бор.
Шундай катта ишга кўпчиликнинг доно даҳоси зарур.

Тўплангандар кетди. Ҳалиги бемор М. Комиловнинг ёнига келди. У бўлган воқеани айтиб, Москвадан бу ерга юборишганини, ёрдам беришни сўради.

— Кўлдан келганча ҳаракат қиласиз,— деди врач.

Яқинда ҳалиги бемордан келган хатни ўқидик:

— Ассалому алайкум, мўътабар шифокор, ҳурматли отахон! Нима десам экан, нима дейишни ҳам билмайман... Мен яхши ёзишни билмайман, ҳеч хат ёзмаганман. Мен, тугма кўр бўлиб туғилган, бир неча йил зулматда яшаган беморингизман. Мен, сизнинг ишхонангизда биринчи марта ота-онамнинг расмини кўргандим. Бугун ўзларини кўриб турибман. Мени шундай бўлиб келганимга, кўриб туриб ҳам ҳеч ким ишонмайди. Баъзан ўзимни ҳам ишонгим келмайди. Бу — менмаҳми! Қуёшли, гулларни кўраялман. Ҳамма-ҳаммаси бир ажойибки, табият бир кўркам эканки... Мен кўрялман... Умрбод миннатдор қизингиз...

* * *

Медицина фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби М. Комилов хонасида ўтирибмиз.

Хона эшиги очилиб, бир кекса аёл кириб келди.

— Хайр, ўғлим, минг раҳмат. Мен кетяпман. Бу ерга етаклаб олиб келишганди, Маҳамаджон болам, энди ўзим кўриб, юриб кетяпман, ҳасса ҳам қолди.

Бу аёл Хоразмдан келган 70 ёшли бемор Иброҳимова эди.

— Омон бўлинг, онажон! — деди Маҳамаджон Комилов ўринидан туриб хайллашар экан.

— Раҳмат, ўғлим, ёруғ жаҳон тургунча туринг, болам, хайр!

Маҳамаджон ака олтмишдан ошган бўлса ҳам она-онада. Жойига келиб ўтириди-ю, қўлларини қовуштириб

пешонасига тираганча, бошини қуий солиб, жим қолди.
Бир оздан сўнг, қизарган кўзларини артиб деди:

— Узр, кампирни кўриб, онам ёдимга тушиб кетдилар..
Мўға бордим дегунча, айвондан бошларини чиқариб, оқ
дока рўмollарини у ёқ-буёққа ташлаб, эсон-омон кел-
дингми, деб, худди узоқ вақт кўрмаган кишидек кутиб
олардилар. Бутун чарчоғим чиқиб кетарди. Ҳаёт экан,
оламдан ўтмагандайлар... Куни кеча бир шоирга бориб
учрашиб келдим, шеър киши юрагининг силқиб чиққан
ифодасимасми, онадан миннатдорчилик сўзини битиб бе-
ришини илтимос қилдим: фарзанддаң шу-да, тошга ёзди-
риб, ёдгорлик қилиб қўймоқчиман...

Профессор ҳаётнинг мазмунини, жамият, ота-она, оила,
фарзанд олдидағи бурчни, яшашдан мақсад нималигини
яхши биларди. Қайси соҳадан гап очманг — адабиётми,
санъатми, тарихми, физиками, бемалол гаплашади, баҳс-
лашади. Ўртоқлари орасида ҳам йўқ одам йўқ — шоир,
ўқитувчи, боғбон, муфти — турли касб эгалари. Уларни
үйга чақириб, сухбатлашиб ўтиришни яхши кўради.

— Ожизлик ёмон,—деди олим.— Кўрмай қолишдан
огир даҳшат бўлмаса керак, деб ёзган экан буюк Горь-
кий, бемор бўлиб бир неча кун кўзини бойлаб юрганида.—
Бу ифода қилиб бўлмайдиган алам, инсон дунёсининг ўн-
даш тўққизини олиб қўядиган дард.

Ҳа, инсонга дунёни кўришдан ортиқ баҳт бўлмаса ке-
рак. Шундан, ҳаёт меваси фарзандни, одамлар кўзга қиёс
қилсалар керак. Шунинг учун ҳам икки фарзандим — ўг-
лим Холидбек билан, қизим Жамилани кўз касалликлари
мутахассислигига йўлладим.

— Ота касбини танлашибди-да, фарзандлар.

— Фақат, улар отадан ўзиб кетишлари керак!

Иигирма беш ёшидаёқ медицина' фанлари кандидати
унвонини олган Холидбек Комилов, ҳозир Узбекистон ССР
Фанлар академиясининг академиги, физика-математика
фанлари доктори В. Қобилов, техника фанлари доктори
Ҳ. Қодиров раҳбарлигига кўз касалликларини аниқланни,

даволашда кибернетика усулларидан, электрон-хисоблац машиналаридан фойдаланиш хусусидан кенг кўламда илмий иш олиб бормоқда.

— Ҳозирги вақтда,— деб тушунтириди Х. Комилов,— 500 хилдан ортиқ кўз касаллиги аниқланди. Айтайлик, агар ҳар бир кўз касаллигига 15—20 тадан ўзига хос белгилар ҳисобга олинган тақдирда ҳам у белгиларнинг ҳаммасини шифокор ёдида сақлаб туролмайди, шундай эмасми. Шифокор кўз касалликларини ҳисоб-китоб билан яна ҳам аниқ биладиган, белгилайдиган, даволайдиган бўлади.

Истиқболда даволашнинг яна ҳам такомиллашуви табиий. Ҳозирнинг ўзида қанча янгилик, қурайликлар йўлга қўйилди. Синчков олим, қунтли, қўли енгил жарроҳ Маҳмаджон Комилов раҳбарлигига кўз косасига ўрнатилувчи линзалар билан кўзнинг кўришини тўғрилаш, лазер нурлари билан даволаш, микроскоп билан операция қилиш йўлга қўйилди. Бундан йигирма йил олдин дардга даво тополмаган bemорлар бугун фанинг юксалиши, уни усталик билан, тез қўлланиши натижасида bemалол тузалиб кетяпти.

— Ҳали ҳам йўлдамиз, йўлда,— дейди тиниб-тинчимас олим М. Комилов,— устод Филатовнинг бир гапи бор: «Иложсиз bemор йўқ, иложсиз хасталик ҳам йўқ. Faқat иложсиз врач бор!» Ҳаммамиз зиё таратувчи номимиз борми, иложли шифокор бўлишга интилаверишимиз керак!

ШИДДАТ

Москвадаги тўқимачилик институтининг анжуманлар хонаси. Маъхур олимлар, ҳар бири ўз фани соҳасида улкан мактаб яратган йирик устозлар, қанчадан-қанча табиат сирларини очган, ихтиrolари билан оламга танилган, ба-шариятнинг илмий-техника тараққиётига улкан ҳисса қўшган мўъжизакорлар, дунё фузалолари тан берган муаллимлар бугун бу ерда жамулжам.

Ўтирганларнинг холис фикрини билиш учун даврага бир мухлис бўлиб қўшилдим. Катта залнинг тўридаги деворга турли рақамлар ёзилган, қизил, қора, кўк чизиқ тортилган, мураккаб қоидалар кўчирилган жадваллар илинганд. Хонадаги одамлар ўртасида ўзаро қизғин сұхбат борса ҳам ғала-ғовур сезилмайди. Одоб, мулозимат, мулодиймлик, улуғворлик ҳукмрон. Ҳозиргина қандайдир бир мавзуни тугатиб, жим ўйлаётган кишилар ёнига, ижозат сўраб ўтирудим.

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон медицина, механика, ядро физикаси, математика, химия борасида номдор,— деб гап бошлади ҳалиги олимлардан бири.

— Чиндан ҳам шундай. Иккilanмай айтишим мумкин: айниқса, химия фани бўйича Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий таянчларидан ҳисобланади. Сергей Николаевич Наумов, Обид Содиқов, Собир Юнусов, Малик Нашибов, Карим Аҳмедов, Ҳамдам Усмонов, Исак Платонович Цукерваник, Амина Абдурасулема каби атоқли химиклар кўп Ўзбекистонда. Уларнинг ҳар бири таърифга лойиқ, бир дунё одамлар, меҳнатсевар олимлар, ҳалол, пухта иш қилишади.

— Беруний, Ал-Хоразмий авлодлари-да,— қўшиб қўйди иккинчиси унинг сўзларини маъқуллаб.— Мана мен, биласан, бошқа фан билан шуғулланаман. Шунга қарамай ўзбекистонлик бир ёш олим химия бўйича докторликка мўлжалланган илмий ишини дастлабки муҳокамага қўяди дейишганди, атайлаб келдим. Янгилик оласан, бойийсан киши.

— Жуда тўғри,— деди сұхбатдоши ҳали бошлаган фикрини давом эттириб,— астойдил излашади, топишади!

Шу маҳал илмий кенгаш раиси, таниқли совет олимси, РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби, СССР Давлат мукофотининг лауреати Захар Александрович Роговин қалам билан графикини оҳиста уриб, ўтирганларнинг диққатини ўзига жалб этди-да, гап бошлади.

— Қадрли ўртоқлар! Бугун муҳокамангизга ўзбекис-

тонлик ёш олим Мирҳожи Асқаровиҷ Асқаров ўзининг «Акрил, метакрил ва итқан кислоталари эфиrlари полимерларнинг ҳамда - сополимерларининг синтези ва улар хоссаларини текшириш» деган темадаги илмий ишини олиб келган. Агар маъқул кўрсангиз, уни диссертация сифатида ёқламоқчи. Марҳамат, Мирҳожи Асқаровиҷ!

— Ҳали жуда ёш эканми? — деди олдинда ўтирган олим шеригининг қулогига.

— Неча ёш берасиз?

— Ўттиз, ўттиз беш!

— Айни кучга тўлган, ишлаб толмайдиган, излаб зерикмайдиган пайти-да. Ўттизга кирмай академик бўлгандар бор-ку! Ҳа, оғайни, ақл ёшда эмас, бошда. Ҳамма ишни оқибати ҳал қиласди.

— Шундай, ҳақ гап, ҳамма ишни оқибати ҳал қиласди, ўз олдига фанда янги натижаларга эришишни эмас, балки унинг «погоналари» бўйлаб кўтарилишни вазифа қилиб қўйган илмий ходимлар ҳам йўқ эмас.

— Тўғри, аммо бундай кайфиятдаги шахслар тезда кескин зарбага учраяптилар! Ҳархолда ёшлиқда отни қамчилаб қолган яхши. Ҳали бундан буён яна қанча иш беради бу йигитимиз ҳам. Шундайларга астойдил ёрдам бериш керак. Анча ўзини босиб олган әкан!

Мирҳожи Асқаров билан кеча «Москва» меҳмонхонасида бўлган суҳбатни эсладим. Бу босиқлик қанчалик катта куч, ирода, ички курашлар натижаси эканлигини хис этиб турадим. Шундай обрўли даврда ҳаяжонланмай бўладими. Катта, кўпни кўрган олимлар олдида сўзлаш, янгиликнинг мағзини қисқа қилиб англатиш, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фойдали эканлиги, келажакдаги равнақи ҳақида аниқ тасаввур бериш осонми, деган эди у. Яна ҳам у Москвадаги енгил саноат технологияси институтида ўқиган, уни аъло диплом билан тамомлагач, Москвада Д. И. Менделеев номли химия-технология институти аспирантурасида шуғулланиб, атоқли рус пёдагог олимларидан сабоқ олиб, бу олий талабчан, билимдон жамоат-

га озми-кўпми ўрганигай эди. 1957 йилда, 26 ёшида аспирантура муддати тугамасданоқ илмий тадқиқотни поёнига етказиб, янги полиамидлар синтез қилиш соҳасида кандидатлик диссертациясини ёқлагандаги ҳаяжонини кўрсангиз эди.

Бу гал олимни ўшандагидек мавҳум бир ҳаяжон эмас, масъулият ҳисси тўлқинлантиради. Бу масъулиятни унга бирор айтган, юклаган бўлмаса ҳам ақл амри билан кўнглига туғиб олган эди. Ота-онаси, укалари, қариndoш-урұфлари, ўз тенгқурлари, устозлари, фани ривожлантириш зиммасида турган ёшлар, шиддаткор замон, юрт манфаати, мащаққатли меҳнатнинг ошкор бўлажак оқибати ҳаяжонлантиради, дадиллантиради.

Йигит кишининг уялгани ўлгани, дерди у ўзига-ўзи, фан йўлига кирдимми, камолотга эришишим, кучим етганча янгилик беришим керак, мустақил ҳаёт бўсафасида танлаган йўлимнинг тўғри бўлганлигини исботлашим зарур. Менинг ибратимга мунтазир, эргашувчи жигарларим, укаларимга яхши намуна кўрсатиш имконига имкон беради.

* * *

Мирасқар ота бой-амалдорлар замонида кўп қийналиб умр кечирган камбағаллардан. Амакиваччаларидан бири Тошкентдаги тери саройларидан бирида иш юритган, саводогарлардан бўлган. Ўшанинг таъсирими ёки шундан бошқа касбда бойлик орттирган яқини бўлмаганиданми, Мирҳожига ўпинчи синфи тамомлагач, қоракўлчилик билан шуғулланувчи мутахассис тайёрлайдиган институтуга оқ фотиҳа беришади. Мирҳожи бўлса, ҳар бир соҳада ҳам баҳт топиш мумкинлигини кўрсатмоқчи бўлиб, ўзи истаган химияни танлайди, илм-фан йўлига ўтади.

Тенгқурлари, устозлари олдидаги масъулият ҳисси тез-тез ёдига тушиб турса ҳам, ҳеч кимга бу ҳақда ёрилмаеди. Ахир катта авлод совет олимлари, мутахассислари вояга етиб, жамият учун қанчадан-қанча манфаат келтирмоқуда-

лар. Устозларниң кетидан ўсиб-униб келаётган авлодлар қаочон уларга етиб олиб, тараққиётта, ўзларининг арзигулик улушиларини қўшишга улгурадилар. «Ҳозир биз бор, ёшлилар шошмаса ҳам бўлади. Фан доктори, профессор бўлиш қочмайди», деб шошмасликни маслаҳат кўрадиган шахслар ҳам йўқ эмасди. Уларга бўйсуниб қолиш фан, юрт олдида тўғри бўлмас, ўйларди Мирҳожи. Бундайларни меҳнат билан, чинакам илм билан, одоб билан фош этиб, тараққиёт авлодларнинг янгиликлар беришида, ихтиrolар қилишида, табиат сирларини очишида, деган чинакам инсон, чинакам олим, чинакам ватанипарвар устозларга эргашишимиз — бурчимиз, дерди у. Мен ярим йўлда қолиб кетсан, эртага иккинчимиз қандайдир ўткинчи бир тўрининг орқасидан қолиб кетса, шиддаткор давр олдида нима деган одам бўламиз. Тенгқурларимизга дадил бўлиб, замон талаб қилганидек чўққиларга интилавериш зарурлигини, бу йўл ҳақ йўллигини, бу йўлда қўллаб-куватловчилар, ёрдамга тайёр устозлар кўпчилик эканлигини кўрсатиш керак, бизга умид боғлаган ажойиб устозлар умидига қанот багишилаб, умрларига умр улаш лозим. «Шогирдсиз олим йўқ» деган шиор бугунги кунда фанимизнинг хужумкор тараққиёти моҳиятини ифодаламоқда-ку!

У ўз билимига, ажойиб совет фани методлари асосида кунларни тунларга улаб қилган меҳнати натижасига, бой лаборатория, аниқ ҳисоблаш техникаси, қайта-қайта қилинган синовлар, тажрибалар хулосасига комил ишонарди олинган илмий маълумотларни тўла анализ қила оларди ўз соҳасини чуқур биларди. Фақат «ҳали яна бир текшириб кўриш керак», «ишлаб чиқаришдаги натижасини кутиш шарт», «янгилик бундай бўлмайди», «лаборатория натижаси бошқа, кенг ишлаб чиқариш жараёндан ҳам синовдан ўtkазиш керак» қабилида талаб қўйиши мумкин бўлган олимлар жуда ҳам ҳақ эмаслигини исботлаш зарур эди. Бу ҳақда ўз мулоҳазам бор, мабодо кўтарилиб қолсадеди у ишонч билан.

Мирҳожи ҳар бир сўзни таъкидлаб, уқтириб гапиради

Бу унинг педагоглигидан қолган одати эди. У аспирантура-ни мувваффақиятли тамомлагач, Тошкент политехника инс-ти тутига юборилди. 1959 йилгача Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг полимерлар химияси институтига ишга ўтиб, полимерлар синтези лабораториясини ташкил қил-гунча студентларга дарс берган эди.

— Коммунистик партия ҳамда Совет ҳукуматининг қа-тор қарорларида ҳозирги замон химия фанининг барча тармоқларида, шу жумладан саноат, қышлоқ хўжалигида-ги техника тараққиёти улкан талабларига жавоб бера оладиган полимер материаллари олишни иқтисодий жиҳат-дан қулай, ҳам арzon, сифатли бўлишини таъминлайдиган янги методларини яратиш соҳасида тадқиқот ишларйи-тез суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилган.

Табиий газ ва нефть хом ашёсининг хазинасига, ривожланган химия саноатига ҳамда қудратли энергетика-га эга бўлган Ўзбекистонда пластик материаллар, химия толалари ва бошқа шу каби зарур буюмлар ишлаб чиқа-радиган, қайта ишлайдиган йирик марказлар барпо эти-лади. Қатор шаҳарларда биринчи навбатда Навоийда, Фарғонада, Наманганда, Тошкентда, Жиззахда полимер-лар саноатининг қалдирғоч корхоналари қад кўтарди. Уларнинг тўла ишга туширилиши, кенгайиши билан Ўзбе-кистон мамлакатнинг кўп тармоқли химия саноати ривож-ланган марказларидан бирига айланади.

— Қойил, зарур мавзуга қўл урипти,— уқтириди ёним-даги олим қўшнисига.

Мен йирик олимнинг иқрорини эшитиб юракдан қуво-ниб қўйдим.

— Шу вазифалар асосида,— деб залга бир қараб ол-гач, вазмин гапида давом этди Мирҳожи Асқаров,— совет химия фанини, саноатини ривожлантиришда, турли хил техник қимматга эга бўлган хоссаларга бой, юқори моле-кулали бирикмаларни синтез қилини илмий тадқиқот иш-ларини кенгайтириш ва чуқурлазитириши, уларни ишилаб чи-қаришнинг самарадор технология жараёнларини излаб

топиш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида янги по-
лимер материаллардан яхшироқ фойдаланишга эришиш
жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзингизга маълумки, табиатда қадимдан тайин бўлган
материаллардан тоғ, ёғоч, махсус заводларда ишлаб чиқа-
риладиган пўлат, бетон, ойналарда қатор жиддий камчи-
ликлар бор. Шундан уларни техниканинг бальзи соҳалари-
да ишлатиб бўлмайди. Айтайлик, тош оғир ва мўрт, чўян
билан пўлат занглайдиган, электр токини ўтказадиган,
ёғоч эса юмшоқ ҳамда ўтга чидамсиз, бетон қаттиқ ва
огир, ойна синувчан. Бу хол — янги, ҳар жиҳатдан му-
каммал материаллар топиш орзусини қўяди. Юзаки қара-
ганда, бу нарса асло бажариб бўлмайдиган масалага ўх-
шайди. Аслида XX аср фани ва техникаси инженерлар
орзусини, ҳаёт эҳтиёжини ҳар томонлама амалга ошириди.
Кимё фани табиат қилолмаган шундай ажойиб материал-
ларни кашф этдики, улар техниканинг ҳар бир соҳасида
буюк юксалишларга йўл очди. Ҳали бу сирли оламда иш
кўп.

Олим олдида столда турган шишиасимон ярим метрча
келадиган бурама, бежирим кўрсаткични намойишкорона
бир ҳаракат билан қўлига олди. Бунда маъно бор эди.
Ўтирганларнинг кўплари дарров тушундилар: кўрсаткич
олим ихтиро этган янги маҳсулотдан тайёрланган эди. У
жадваллардан биридаги формулаларни кўрсатганда ис-
боти учун таёқчани намойиш қилди.

— Шишиасимон, ёруғни тўсмайдиган, беҳудага синавер-
майдиган қаттиқ материалнинг пахта хирмонлари, парник-
лар устига брезент, ойна ўрнига бемалол ёпса бўладиган
юпқа, енгил матоларнинг яратилиши, унинг олиниш йўл-
ларининг исботланиши билан чегараланиб қолмадик,—
деб уқтирганда, залнинг икки-уч еридан овозлар эшитилди.

— Биринчи галда шунинг ўзи ҳам кифоя қиласади...

— Бу йирик ихтиро...

— Ажойиб, фойдали...

Мен Мирҳожининг юзларига боқдим. У энди ўзини

бутунлай тутиб олиб, ўтирганларни кузатишга, уларни ўрганишга, ўзи сезганича уларнинг кайфиятига, талабига қараб гапиришга кўчган эди. «Аудиторияни билиб муомала қилиш — катта санъат, сўз таъсирини оширади!»— кўнглимдан ўтказдим. «Яхшигина нотиқ ҳам экан, рус тилини мукаммал билиши ҳам иш беряпти».

— Узр, буёгини қисқартиришга тўғри келади, менга берилган йигирма беш дақиқа тугади,— деди у олдида турган соатга термилиб, «яна нималарни очибди?»— деб қизиқиб қолган залдаги одамлар унга қўшимча вақт берилишини сўрадилар.

— Биласиз, бепоён Ватанимизнинг, шу жумладан ўзбекистоннинг кўп кунлари қуёшли, ёмғир-қорли ерлари ҳам анча, ботқоқ, захкаш жойлари ҳам етарли. Хўш, ишлаб чиқаришимиз лозим бўлган полимер материалларимиз мавжуд табиий шароитларга тоб бера оладими, йўқми? Биз масаланинг бу томонига ҳам эътибор бердик. Ҳар қандай шароитга чидамли материаллар яратдик.

Олим девордаги жадваллардан бир қисмини олиб, ўрнига бошқаларини илиб, ундаги рақамлар, мураккаб формулатар ёрдамида фикрини исботлаб кўрсатди.

Гал савол-жавобларга келди. Саволлар асосан айтілган гапларнинг баъзиларини аниқлашга қаратилди. Ниҳоят илмий ишни баҳолашга, уни докторлик диссертацияси даражасида ҳимояга тавсия қилиш-қилимасликка навбат етганди. Мирҳожи Асқаровиҷнинг ўзи билгай, ташвиши билан кутган саволи юзага қалқди. Уч-тўрт киши диссертацияни ёқлашга шошилмасликни, турли ҳом ашёдан химия йўли билан олиниши мумкин бўлган полимер материалларни корхона шароитида, амалда ишлаб чиқарилишини ҳам тадқиқ қилишини айтди.

Мирҳожи Асқаров жавобга ҳозир эканини билдириб, раисга қаради. У қўли билан сабр қилинг, ҳозир, деб уши тўхтатди-да, ўтирганлардан яна фикр-мулоҳаза сўради. Зал жим эди.

— Хулосага ўтишдан олдин илмий тадқиқотнишга амал

лий натижасини кенг миқёсларда синовдан ўтказиш ҳақидаги таклифлар түғрисида икки оғиз сўз,—деди раислик қилувчи.— Бу ҳақда ўртоқ Асқаровнинг айрим ҳамкаслари ҳам ўз фикрларини ёзиб юборишган. Умуман, масаланинг қўйилиши түғри. Лекин, бунга мен полимерлар кимёсининг йирик намояндаларидан бири, шу ерда ўтирган олимлардан кўпларининг, шу жумладан, Мирҳожи Асқаровичнинг ҳам устози, Қозон университетида доҳиймиз Владимир Ильич Ленин билан бирга ўқиган, маслакдош бўлган устоз олим Иван Платонович Лосевнинг қўйидаги сўзлари билан жавоб беришни истардим. Шундай ҳам бўлади, деган эди у, олим ишни фақат назарий вазифани ҳал этишдан бошлайди. Агар йўналиш түғри ва истиқболли бўлса, изланиш миқёслари жиҳатидан етарли даражада кенг бўлса, унда саноат олдинми кейин, ўзига керакли томонини топиб олади.

Менимча, бу — жуда ўринли мулоҳаза. Олим фақат таъминотчи бўлиб қолмаслиги керак. У тўхтаб ҳам қолмаслиги лозим, тўхташ — бу орқада қолиш демак, орқада қолиш — бу иложисизлик, инқироз. Бу ўринда Мирҳожи Асқаровичнинг ишлаб чиқариш жараёнлари қурилишини кутиб, тўхтаб қолиши унинг орқада қолиши, унинг ҳам, фанинг ҳам инқирози бўлади. У илмий тадқиқотини давом эттириши, амалиётчилар билан алоқани мустаҳкамлаб бориши керак, албатта, келажакда. Ҳа, фан чегара билмайди.

Устоз Д. И. Менделеев сўзи билан айтганда: «Ер чегараланган. Билимларнинг эса чегараси кўринмайди. Саноат, фан ва билимлар биргаликда инсониятга чексиз ривожланишини ваъда қиласди». Зотан ёш олим мана шу кўрсаткич чўпда, мана бу парчаларда, толаларда кўрсатиб турибдик, И. П. Лосев айтганидек, бугун бўлмаса эртага, улар кўплаб миқдорда ишлаб чиқарилади. Давр ҳам, коммунизм моддий-техника базасини яратиш талаблари ҳам буни тақозо этиб турибди.

Муҳокамадан бир йил кейин 1967 йилда Мирҳожи Ас-

қаров Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва химия технологияси институтлари бирлашган илмий кенгашида докторлик диссертациясици муваффақиятли ёқлади.

Шундан кейин Мирҳожи Асқаровни анчагача кўрмадим.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг ССР яиги Конституциясининг қабул қилиниши муносабати билан Тошкентда бўлган улкан анжуманида ўтирам, Ўзбекистон олимлари номидан сўз Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, республика Фанлар академияси химия институтининг директори, Д. И. Менделеев номли Бутуниттифоқ кимёгарлар жамияти Ўзбекистон правлениесининг аъзоси, ССР—АҚШ маданий алоқалар жамияти Ўзбекистон бўлимининг раиси Мирҳожи Асқарович Асқаровга берилиб қолди. Бу ўша, мен Москвада кўрган, илмий тадқиқотини тўла ғалабага етказиш масъулияти чуқур ўйга солган йигит эди. Оддий совет кишисининг фарзанди бугун катта олим, бутун республика зиёлилари номидан улуф минбарда. Шу далилнинг ўзи ҳам — ҳаётбахш тузум, адолатли Конституция берган чинакам инсоний ҳуқуқ тантанаси эмасми. Юксалиш, ўсиш суръатини қаранг, ўн йилда шунча мартаба, обрў. Бу, ўша узоқни кўзлаб, пухта, толмай қилинган меҳнатнинг оқибати эмасми. Бу ҳурмат, унвон, даражалар ҳам ҳар бир аниқ сонни олиш, натижага эришиш учун лабораторияларда ўтган қанчадан-қанча машиқатли изланишларнинг, ихтиrolар, амалга омирилган амалий исботлар, ўқишлиар, ўрганишлиар, устозлар, шогирдлар ёрдамининг, китоб устида ўтган бедор кечаларнинг totли тортиғи эмасми. Қанча ойлаб, йиллаб қилинган ишлар, илмий кузатишлар натижа бермай, изтиробга қўйган дамлар бошидан кечибди, бу кунга етгунча. Ҳа, фан йўли — машаққатли, ота-боболаримиз айтганидек, игна билан қудуқ қазишдай гап.

Олим ҳақида ўйларим тинчлик бермай қўйди.

Мирҳожи Асқаровнинг кейинги йиллардаги иши билан

танишиб, ўстод олимларнинг узоқни кўра билишларига тасанно ўқидим. Унинг тавсияси ва бевосита раҳбарлигида полихлорвинил смоласи асосида тайёрланган синтетик чарм енгил саноатда кенг қўлланиладиган бўлибди. Олим таклифи билан крафтс-қофоз ёки синтетик газмолни армирлаш ёрдамида олинган плёнка халқ хўжалигига жорий этилибди. Ҳозир стабилланган полиэтилен асосида тайёрланаётган ана шу армиращтирилган плёнкадан юзлаб ипак қуртхоналари қурилиб, фойдаланилмоқда. Бу полимер материал ёруғ, сувни-намни ўтказмайди, иссиққа чидамли. У ўттиздан ортиқ янгилик ихтиро этиб, гувоҳнома олибди. Тиниб-тинчимас, фидокор, бағри кенг олим шогирдлар тайёрлашда, илмий ишлар ёзишда, дарсликлар яратишда ҳам анча довон ошибди. Қисқа вақтда бир неча ўй йилларга тенг йирик ишларни юзага чиқарибди. Унинг раҳбарлигида 30 га яқин киши фан кандидати, икки киши фан доктори бўлиб етишибди. Ҳозир ўндан ортиқ киши илмий тадқиқот олиб боряпти. У 300 илмий иш, бешта китобнинг муаллифи. Ҳамкаслари билан ҳамкорликда синтетик полимерлар химиясига оид дарслик ва тажриба қўлланмаси яратди. Олимнинг яна бир фазилати қайси китобга қўл урмасин, тили устида қатъий ишлайди. Оммабоп қилиб ёзишга уринади: содда, тушунарли, ўзбек тили бойлигидан тўла фойдалangan ҳолда талқин этади. Турли касбдаги, билим даражаси ҳар хил кишилар ўқиганда тушунсин, қизиқсин, дейди.

Мен олимни эришган мұваффақиятлари билан табриклар эканман, у ўнгайсизланиш, ўзига хос ҳозиржавоблик билан деди.

— Бу ишларнинг юзага чиқишида менинг хизматларимдан кўра, менгача шу соҳада тадқиқот олиб борган, янгилик излаган кишиларнинг меҳнати ортиқроқ. Бахт, омад экан, очиш менга насиб этди. Русларда шундай гап бор. Ўрмонга борасиз... Ўртоқларингиз ўрмонга умид билан кириб, бўш сават билан қайтиб чиқишиади: «Ў ерни қарадик, бу ерни қидирдик, ҳеч нарса топмадик!» Сиз кирадик,

сиз-да, учинчи бир томонга юрасиз, қарабасизки, баҳти-
нгизга катта-катта қўзиқоринлар рўпарангиздан чиқа-
ди... Уларни ким топди? Сизми, уларми? Сизнинг хизма-
тингиз шундаки, босиб-янчидаги ўтмадингиз. Сизни табрик-
лашади, қутлашади, талантингизга тасанно ўқишади, бўш
сават билан чиққанлар сояда қолиб кетишади.

— Бари бир, тўрга балиқ туширишнинг ҳам ўзи бўл-
майди, меҳнат қиласиз!

— Тўғри, ихтиро — кўп, чуқур ўрганини, излаётган
нарсангиз тўғрисидаги мавжуд маълумотлардан хабардор
бўлиш, атрофингиздаги кишилар тажрибасини билниш на-
тижасида чиқади.

— Буларни англаш, ижодий фойдаланини учун меҳнат
билан талант ҳам керак-да!

— Биласизми, талант ҳали айтганимдек, меҳнат-
нинг натижаси билан турилади. Айтайлик, бир одам ёнили-
гида расм чизишка, бошқаси математикада, яна биро бў-
лак соҳада талантли бўлиб кўринади. Улғайгач, ундан
ҳеч нарса чиқмайди. Қаерга кетади таланти. Аксенча,
баъзи кишилар анча ёшга борганда ялт этиб кўришиб
қолишади. Демак, талантнинг маъноси ҳам тўла ўрганил-
ган эмас. Вақти келиб, талантни ҳам жиловлаб, бошқа-
ришгэ эришилади.

Менимча, Максим Горький айтганидек, «соддалик қи-
либ қўймай, деб қўрқмаслик» керак. Баъзан содда кўри-
ниб қолишдан, кулги бўлиб қолишдан қўрқиб ажойиб са-
марса берадиган фикрларни ошкор айтишга ийманамиз,
бу билан алнга берадиган учқунни сўндириб қўямиз, мўл
ҳосил тугадиган уруғни юзага чиқармай йўқ қилиб юбо-
рамиз.

Мирҳожи Асқаровнинг москвалик атоқли олимлар дав-
расига дадил кириб боришини, жаҳон миқёсида кенг ўр-
ганилаётган полимерлар дунёсига қадам қўйишини эсладим. Ҳа, у чўчимайдиганлардан, ҳар бир нарсани илдизи-
га етгиси келади, ижод билан яшайди. «Баъзан кечалари
туриб кетиб, нималарнидир ёзиб, қандайдир формулалар-

ни ишлаб ўтирадилар,— дейди хотини Раънохон.— Битта хонамизни бутунлай кутубхона билан лабораторияга айлантириб қўйғанлар». Унинг шиори: инсон ҳамма нарсани қилишга қодир, фақат хоҳласа бас!

— Кўп китоб ўқисангиз керак?

— Гапни очиги, иш, фан оламига чуқурроқ кириб бориши учун кўп нарсани ўрганиш, оила, бола-чақа ташвиши ҳам бор-да.

— Жамоат ишларингиз ҳам етарли экан,— дедим. Унинг республика «Билим» жамияти химия илмий-методик секциясининг раиси, «Ўзбекистон химия журнали» бош редакторининг ўринбосари, «Фан ва турмуш» журнали редколлегияси аъзоси, «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институти, Тошкент политехника институти илмий қенгашлари аъзоси, коммунист сифатида пропагандист эканлигини эслаб.

— Бу яхши. Фақат ўзи учун яшагандек туюлади одамга жамоат ишисиз. Энг муҳими кўп нарса ўрганасан, киши.

Олимнинг илмий-педагогик фаолияти, илмий тадқиқотлари, ихтиролари, жамоат ишлари қатори раҳбар сифатида ҳам янги давр, тараққиёт талабларига мос кенг миқёсда, объектив, принципиал иш олиб бориши, колективизм асосида кишиларнинг ҳар томонлама тез ўсиши, ўз соҳасини пухта билиши, замон билан ҳамнафас яшашга ўргатиши бизни қувонтирди. Шулар ҳақида сўрасангиз, ўзидан қочириб кўпроқ институт партия ташкилоти, коллектив меҳнатидан гапиради.

— Ҳозирги кунда, бир вақтлар оддий электр нурининг таралиши, «пўлат отнинг ер ҳайдashi», «мўъжаз қутидан» овоз чиқишидан ҳайратланган кишиларни анча-мунча ихтиролар ажаблантиrolмайди. Фаннинг кучига, инсоннинг қудратига ишонч кўп. Янгиликларга қизиқиш, фахрланиш туйғуси, унинг жамият ҳам башарият равнақига таъсири сезилади.

Мақсад шу юксак талаблар даражасида бўлиш.

Ҳозир у директорлик қилаётган химия илмий-тадқиқот

институтида 550 киши ишлайди. Улар республика фанлар. академиясининг икки ҳақиқий аъзоси, ўн беш фан доктори, юздан ортиқ фан кандидати раҳбарлигига илмий иш олиб бормоқдалар. Институтда Ўзбекистон, Москва, Ленинград олимлари маслаҳати, ёрдами билан 30 фан доктори, 250 дан ортиқ фан кандидати етишниб чиқиб, республикамизнинг, Совет Иттифоқининг илмий муассасаларида, олий ўқув юртларида хизматдалар. Институт ходимлари юздан ортиқ монография, мингларча илмий асар яратганлар, 220 дан ортиқ ихтиро қилиб, муаллифлик гуваҳномасини олганлар.

Үғит, силикатлар химияси ва технологияси, коллоид химия ва физик-химиявий механика республикамиз иқлимига мос полимер маҳсулотлар, рангли, нодир ва камёб металлар химияси каби истиқболли, фундаментал, амалий-илмий йўналишлар институт лабораториялари фаолиятининг мундарижасидир.

Мирҳожи Асқаров устози, таниқли кимёгар Собир Юнусовнинг қўйидаги гапларини доим дилида сақладайди: «Ишлаб чиқаришга янгилик бермасанг, халқ хўжалигига амалда аниқ ёрдам кўрсатмасанг, тадқиқот олиб боришининг нима кераги бор?» Олимни ҳали саноат корхоналарида, колхоз-совхоз далаларида, мактаб, олий ўқув юрти лабораторияларида, турли министрлик идораларида кўрасиз. У илмий изланишлар қандай татбиқ этилаётгани, юргана қандай манфаат келтираётганини ўрганади, инженерлар, конструкторлар, ишчилар, студентлар, ўқувчилар билан сұхбатлашиб ихтиrolар ҳақидаги фикрларини пишитади, эҳтиёжларини билади.

— Олим фантазиясиз бўлолмайди,— дейди Мирҳожи Асқаров.— Фантазияга қанотни ҳаёт бағишлиайди. У ҳаётга яқин бўлишга интилади.

Ҳаёт талаблари янги изланишларга чорлайди. Ҳаётнинг эса олимлардан, бағри кенг, мўъжизакор кимё фаниндан кутаётган нарсалари кўп.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда кимё фанининг исти

бир меъёрда йўлга қўйилганлигини ҳисобга олсак, ортиқча бир процентга эришиш нақадар мураккаб эканлигини тушундамиш.

Лекин ўз плани бажарилгани билан смена плани ўринламаса сира кўнгли тўлмайди. Цехдошлари Анатолий Питомцев, Тўлабой Аширбоев, Ким Канцельсон, Жўра Тошматов устоз аппаратчининг бу одатини билиб планни бажариш билан аъло навли маҳсулот беришни ўйлаб ишлашади. *Маҳорат, тажриба: топширилган* иш учун чуқур масъулиятни ҳис этиш мевасидир бу.

— Ҳозирги фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари билан қуролланган аппаратчилар,— дейди цёх бошлиғи Мамат Дўйсинхонов,— жуда нозик, улар билан муомала қиласидиган одамдан ниҳоятда зийрак, ҳушёр бўлишни талаб этади. Қаҳрамонимизнинг ютуғи шундаки, у бунинг уддасидан чиқади, ҳар ярим соатда аппаратдаги маҳсулотни текширишни одат қилиб олган. Агар сал чалғиса, маҳсулот куйиб кетиши мумкин. Уткир кўзгина, ўта тажриба, диққат билан кузатиш уни аниқлай олади. Эргаш аканинг назари баъзи «ақлли» машинадан зўр ишлайди, машина кўрмаган, сезмаган вазиятни аниқ билади.

Цехда ишлаб чиқариш электролиз йўли билан эритиш асосига қурилган. Демак ҳарорат режимини қатъий таъминлаш — цех фаолиятининг бош мезони. Ҳарорат маълум даражада кўтарилса ёки пасайиб кетса, аппаратлар ишдан чиқади. Неча йиллардирки, Эргаш Пирматов сменасида шундай кўнгилсиз воқеа рўй бермаган.

Бунинг устига аппаратларни белгиланган 50 кеча-кундуз ўрнига ўртacha 60 кунгача ремонтсиз ишлатади. Бу ҳам вақтни тежайди, ҳам сарф ҳаражатини камайтиради. Шунинг учун ҳам у юксак унвонга муносиб ишчи.

Коммунист Эргаш Пирматов жамоат ишида ҳам тобора фаол қатнашмоқда. Айниқса, пенсияга чиқиб, катта аппаратчиликни ўшларга топшириб, аппаратчи вазифасига ўтгач, жамоат ишларига янада фаол қатнашмоқда. Цех партия ташқилоти бюросининг аъзоси сифатида мураббиї-

лар көнганин фаолиятини жоңлантиришга яқындан күмак-
лашмоқда, мураббий-агитатор шогирдларни қўпайти-
моқда.

Химия ҳидига ўрганмаган димоқни бир оз ачиштириб
тўрган, кўм-кўк дараҳтлар билан қопланган корхона ҳов-
лисидан чиқар эканмиз, ҳамроҳимиз бирлашма партия
комитети секретарининг ўринбосари, Эргаш Пирматовнинг
шогирдларидан бири, ҳозир олий маълумотли мутахассис
Ўскан Марасулович Собиров бизни кузатиб борди.

— Бирлашмада ищлайдиган 6500 кишидан, 1020 ишчи-
хизматчи коммунист. Меҳнати билан ҳам, агитаторлик,
пропагандистлик сўзи билан ҳам ташаббускорлик алангаси-
ни ёқаётган кишилар билан ишлаш жуда мароқли. Ти-
ниб-тинчимас агитаторларимизга, шу жумладан Эргаш ака
Пирматовга чии кўнгилдан раҳмат айтаман. Биз уларни
ҳар жиҳатдан ўргапиб, саралаб, агитаторликка, сиёсий
ахборотчиликка лойиқ кўргац, бюро мажлисида тасдиқ-
лаймиз. Биз улар орқали колективни мамлакат, корхона
ҳаётидаги муҳим воқеалар, янгиликлардан хабардор этиб
борамиз, социалистик мусобақа ошкорлигига эришамиз,
куч-қудратимизга ишонч янада ошади, муваффақиятларни
ҳам, камчиликларни ҳам баҳам кўришади.

Корхона радиоузелидан, киши руҳини кўтарувчи овози
янграйди: «Сизга сменада юқори меҳнат унуми тилаймиз.
Сменангиз кўнгилли ўтсин!», «Биз ишонамизки, бугун ке-
чагидан кўпроқ, сифатлироқ ишлайсиз!». Икки қанотли
қалин дараҳтлар билан безанган йўлка бўйлаб турли кўр-
саткичлар, диаграммалар, «Хурмат тахтаси», «Меҳнат
шарафи» аллеяси эътиборни тортади. Улар ёрқин рақам-
ларда, беш йиллик қаҳрамонлари, социалистик мусобақа
илфорлари, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳақида ҳикоя
қиласиди.

Илфорлар қаторида Эргаш Пирматовнинг фотосурати.

— Биз йиллар давомида,— дейди сұхбатдошимиз,—
Эргаш Пирматов «Хурмат тахтаси»дан тушиб қолган би-
рон ой, йилни билмаймиз.

ЖОНБАХШ

Шоди ака пахса девор тагидаги қорнинг эриб, ердан буғ кўтарилаётганини кўриб, кепкасини олиб, соchlарини силаб қўйди. У бирон режани мухтасар ўйлаб, ечимига етганда шундай қиларди. Оғилхонага кириб, чангалини олиб чиқди-да, чангини артди. Секин баҳор тафтига тоб беролмай чок-чокидан сўкила бошлаган музларни парчалаб, оқизиб юбориш учун дарё қирғогига йўл олди.

— Эҳтиёт бўлинг. Сабр қилсангиз бўлармиди,— деди хотини Нурия опа, унинг ўз айтганидан қайтмаслигини билганидан маслаҳатомуз. — Ҳадемай хашарчилар келиб қолишарди!..

— Қачон, иссиқни қара, музни сал силжитиб юбормасак қаёққа оқади, эригани? Самоваринг қайнагунча қайтаман.

Нурия опа чойни дамлаб, одатича айвон лабига келиб Шоди акани чақирди.

«Хозир!»— деб қўядиган Шоди акадан жавоб бўлмади. Опа безовталаниб, баландроқ овоз билан йўқлади. Жимжитлик! Нурия опа зинани қўйиб, турган еридан ҳовлига ўзини отиб, соҳилга қараб чопди. Йўлда рўмолининг бошидан сирғалиб, тушиб қолганини ҳам сезмади. Қўрқув, ҳаяжон ичида эрининг номини такрорлаб, йиғлаб югуради. Унинг овозини эшитиб чиққан қоровул опанинг шамолда ёйилиб кетган соchlарини кўриб, бир зум ҳангуга манг бўлиб қолди. Сўнг ўзини босиб олиб, опанинг изидан югуриб кетди. У қирғоққа етиб келганда опанинг ранги ўчиб қимир этмай, бир нуқтага термулиб турарди.

— Нима гап, тинчликми?

Нурия опа индамай дарё томонга қўлини чўзди. Солга илиниб қолган бўйрадек муз парчасининг устида Шоди аканинг кепкаси туради.

— Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас!— деди-ю, дарё ёқалаб қўйига қараб кетди қоровул.— Шундай тажрибали мироб-а?— деб беихтиёр ҳўнграб йиғлаб юборди.

Опа секип ўзига келиб, күзини осмонга олиб хўрсинди, пазарида атроф айлана бошлади, оёқда туролмай қолди, агар қўшниси етиб келиб суюб қолмаганда ёмон йиқиларди. Тўлқин келиб муз билан шапкани оқизиб кетди.

Улуф Ватан уруши бошланганда Шоди ака Вобкент районидаги ҳозирги «Коммунизм» колхозида ишларди. Ёшлигиде отаси дунёдан ўтиб, меҳнатда тобланган абжир йигитни қаерда кўп куч талаб қиласидиган оғир иш бўлса, ўша ерга юборишарди. Тўғонни сув уриб кетса, бекитиш, пахса деворга лой отиб бериш унинг гарданида эди. Колхозда у билмаган ҳунар йўқ эди.

Юрт қатори жангга отланиб турган йигитни Бухоро область партия комитетига чақириб кетишиди. Область партия комитетиning секретари кутиб турган экан.

— Биз сизин деҳқон фарзаиди, сувнинг тилини биладиган мироб, иродали, камтар инсон сифатида яхши биламиз,— деди секретарь,— одамларнинг юрагига ҳам йўл топа оласиз. Маслаҳатлашиб, Хархўр сув тақсимлаш тўғонига ишга юборишга қарор қилдик. Қишлоғингизга яқин, ўзингиз катта бўлган жойлар.

— Раҳмат, фақат мен, урушга борсам, дегандим. Тўғонда жангга қодирмас одам ишласа ҳам бўлади.

— Ундейлар бу ерда ҳам ярамайди. Фронтдагидан ҳам ортиқроқ оғирчиликларга, маşaққатларга, мушкулликларга чидайдиган одам керак. Эҳтиёткорлик, тадбиркорлик талаб қилинади. Ҳар куни минг муаммога дуч келинади. Айниқса, сиз қиласидиган ишнинг ташвиши адосиз бўлади. Шунинг учун ҳам сизни танладик. Агар шу ишни эплаб берсангиз, Галабага жангдагидек ҳисса қўшган бўласиз.

Шоди ака орага бошқа гап сиғмаслигини англади.

— Бўпти!— деди бошини силаб.

Нурия опа Шоди акани бола-чақа олдида бўлишини ёшитиб қувонди. «Ҳар ҳолда дайди ўқдан, бемаҳал ажалдан нари», кўнглидан ўтказди у.

— Керакли нарсаларни тўғрилаб қўй, эртага вақтли йўлга чиқамиз,— деди область партия комитетидан қайтиб

келиши биланоқ Шоди ака,— мең идорага чиқиб, раисимиз Сайд Бобоевга айтты келаман.

Чўлималик массивига сингиб кетадиган тупроқ кўчадан бир неча чақирим юрилғац, Шоди ака эшакни тўхтатиб, ўнг томондаги чексиз ботқоқлик, қамишзор, чангальзорларга қараб қолди. Ҳар ер, ҳар ерда сув ҳалқоб бўлиб ётар, ерни қиё ва бошқа сув ўтлари қоплаб қолгац, йўл қаерда-ю, ботқоқ, кўл қаерда, билиб бўлмасди.

— Нимага тўхтаб қолдингиз, юрмайсизми,— деди орқароқда қолган Нурия опа етиб келиб.

— Ҳу кўриниб турган тахта кўппридан у ёғи чўл, тўғонни тузатгани келганимизда шу ердан бурилиб кетган эдик. Бир арава сиғадиган йўл бўларди. Ўт босиб кетибди. Шуни қидиряпман. Чамаси мана шу, қани кетдик.

— Дадаси, ҳаммаёқ сув-ку, яна билмай, бу Хархўри бизни ҳам ютиб юбормасин!

— Ваҳма гапларни қўй, аниқ шу, бир эмас, бир неча марта келганиман-ку ҳашарга, эсимда,— Шоди ака толдан ҳассадагини синдириб олди-да, йўлга санчиб-санчиб, саёз, қаттиқ эканлигига қаноат ҳосил қилиб, юра бошлади.— Эҳтиёт бўл, мана бу ер чуқурроқ экан, ўнгроқдан юр. И-и, ушла, мени ушла, ҳа, қурғур, тортиб кетай деди-я.

— Ҳой, менга қаранг, бу жойлардан одам тугул, бирон жонивор ҳам юрганмас, янглишаётганга ўхшайсиз. Тағин ажал ҳайдаб келган бўлмасин, қайтайлик.

— Йўқ, аниқ шу йўл, уруш бошланиб, ҳеч ким келмай қўйган, сув тошиб, ўт-ўланларни ўстириб юборган, холос. Ҳув, тўғридаги толни кўряпсанми, тўғон ўша ерда.

— Қишлоқ-чи?

— Қанақа қишлоқ?

— Биз қаерда яшаймиз?

— Ҳа, бундай демайсанми. Ҳозирча ўзимиз яшаймиз, ўша толнинг яқинида бир уйча бор. Биз кўчиб келгандан кейин, секин-секин бошқалар ҳам келишади. Ахир, бир ўзимиз ишламаймиз-ку. Қейин қишлоққина эмас, шаҳарча пайдо бўлади.

— Колхозда күч етишмай қоляпти-ку, одамларға буёқ-ка келишга рухсат беришармиди. Юпатмай қўя қолинг.

— Беришади. Ахир сувни мана бунақанги қилиб, ўз ҳолига тацлаб, ёввойи қилиб қўйиб бўлмайди. Ҳозир сув — ўқ-дори деган гап!

— Қайдам, ёш бола билан қийналмасмиканмиз, ким-сасиз бу чўли-биёбонда.

— Қийналишга қийналамиз-у, лекин унутилмас бир иш қилган бўламиз!

— Нурия, энди ишни нимадан бошласак экан?

— Йўлдан-да. Менимча, йўлни тозалаб, очиб қўйиши-миз лозим. Эрта-индин болаларни олиб, кўчиб келадиган бўлсан ҳам йўл керак.

— Маъқул. Уйни жуда кичкина солган экан-да,— деди Шоди ака битта деразали, тўсинлари чопилмаган, шипига солинган қамишлари осилиб ётган ним қоронғу хонанинг ўёқ, буёғига қараб. — Нурияхон, сен хонани супуриб, са-ранжомлаб тур, мен қулоқ бошига бориб, тўғонни бир кў-риб келай. У ерда аҳвол қандай экан?

Шоди ака шоҳ-шабба, чим босиб, амаллаб қўйилган тўғонни устига чиқиб, сув уриб кетган, илиниб турган жойларини ҳали охиригача кўриб ҳам улгурмаган эди, хотини чақириб қолди.

— Нима гап, тинчликми? — нафаси оғзига тиқилиб, бўғиқ овоз билан энтикиб сўради Шоди ака.

— Тинчлик, ҳу бўғотга қарапн!

— Э, ҳа, сувилон-ку, ҳеч нарса қилмайди, чақмайди.

— Биламан, лекин ҳар ҳолда, шипни панер қилмасак, бекитмасак бўлмайди, битта-яримта келса, уларнинг тепа-сида ҳам шунаقا қилиб арқонга ўхшаб осилиб, пишиллаб турса-я!

— Маъқул. Ёнига кичикроқ бўлса ҳам ошхона қуриб, кейин кўчиб келамиз. Вақтинча қатнаб, ишлаб турамиз.

Кечгача уйнинг атрофидаги, йўлдаги ёввойи ўт, қа-мичларни ўтаб, сув тошган жойларини бекитиб, энди қай-тамиз деб туришгандা, бир бола кўринди.

— Шоди ака, раис бобо юбордилар, эрталаб областдан одамлар келар эмиш. Шунга нима гапларингиз бўлса ўйлаб, ҳеч қаерга кетмай туармишсиз.

— Хўп!

Эртасига тўғонни тузатиш борасида маслаҳат бўлди.

— Менимча тўғонни баландроқ қилиб қайта қуриш, дарёни кенгайтириш керак. Тўғри, маблағ ҳам, материал ҳам, куч ҳам етишмайди ҳозир, лекин қандай бўлмасин шу ишга киришишимиз керак. Бўлмаса сувни хўжаликларга етказиб беролмаймиз, Свердлов районидаги Маханкўлга бефойда оқиб кетаверади.

— Яхши маслаҳат, тўғри гап,— деди областдан келган вакил.

— Лекин қандай қилиб амалга оширамиз?

Шоди ака ўйчан кўзларини вакилга тикиб, кепкасини олиб, бошини силади-да, дадил деди:

— Хашар қилиб. Хўжаликлар кўнишади.

— Хўп, буни яна бир ўйлаб кўрамиз. Узингизга нима керак? Кимсасиз, нообод бир жой экан бу ер!

— Ҳозирча ҳеч нарса керакмас.

— Яна бир маслаҳатли гап, вақти билан сизга ёрдамга келадиган миробларнинг туаржойи масаласи. Бу борада икки хил фикр бўляпти. Бири мана шу қоровулхона турган жойда, тўғон яқинида қуриш. Иккинчиси, бу ерлар пастлик, ботқоқлик бўлгани учун, узоқроқ бўлса ҳам тепароқ жойга қуриш. Сиз нима дейсиз?

— Менимча, шароитдан келиб чиқиши лозим — бир, эртангги кунни ўйлаш керак — икки. Энди шароитга келсақ, бу ерлар уфққача уланиб кетган текис чўл, баланд жойнинг ўзи йўқ, сув, ботқоқ, чивин масаласига келсақ, зовурлар қазилса, дарё кенгайтирилса, булар ўз-ўзидан қуриб кетади. Менга қолса, шаҳарчани шу ерда, тўғон яқинида Хархўрда қуардим. Фақат, дарёдан сал оңқочиб қуриш керак.

— Гапни очиги, фикримиз бир жойдан чиқди, деди

вакил,— мен ҳам мутахассислардан суриштириб күрдим. Үларнинг ҳам маслаҳати шу. Секин бошлайверинг, бу ишни ҳам сизга топширамиз...

— Нурия, энди бундан буёқ қаерда бўлмасин сұхбатми, мажлисми, йигилишми, бизнинг иш: «Хўш, Хархўр гидроузелининг бошлиғи ўртоқ Шоди Нуриллаев, тўғон нима бўлди, дарёни кенгайтириш, қирғоқларини мустаҳкамлаш қандай аҳволда, ободончилик — қурилиш, кўчат ўтқазиш ишлари қалай?»— деган сўровга жавоб беришдан иборат бўлади! Айтайлик, мажлисда у деб, бу деб қуруқ чиқиб кетиш мумкин бўлар,— деди Шоди ака кепкасини олиб, бошини силаб, Нурия опа ичаётган чойини секин столга қўйиб, унинг гапларига диққат билан қулоқ солди.— Орзуга айб йўқ, дейди донолар, шу ерда биздан яхши бир шаҳарча, мустаҳкам тўғон қолмаса, умрнинг нимага ўтганига жавоб қилишимиз қийин бўлиб қоладими, дейман. Шундай бўлсанки, бир кун бориб, бу ерларни кўрган кишининг Хархўр дейишига оғзи бормаса, юраги Навбаҳорми, Бўстонми, Жонбахшми, Офтобми, деб юрса! Мана бу қирғоқ — Қизилтепа ҳам яшнаб кетса.

— Ниятингиз яхши-ку, бироқ жуда кўп меҳнат талаб қилади-да, бу иш! Кучимиз етармикан! Буёғига ёш ҳам бўлмаймиз. Қейин уруш!..

— Шуми? Унда осон экан. Куч етади — ёлғиз бўлмаймиз, шу дарёдан ким ичса сёққа турғизамиш. Ёшга келсанк — ҳозирги даврда тез бўлади. Урушни бўлса умри қисқа, шунинг учун ҳам ҳукуматимиз ҳамма ишларга баробар қарайти. Бизни урушдан олиб қолиб, бу ерга юборишлири ҳам шундан-да!

Энди, гап бундай, мен бир-икки кун бўлмайман, Бухорога бораман, зарур бўлиб қолса Тошкентга ҳам тушиб чиқаман. Бундай катта ишларнинг тадқиқ қилинган, илмий асосланган плани, ҳисоб-китоби бўлиши керак. Қейин иш бошлаш керак. Бизга ўқиган бир мутахассис ҳам зарур. Ҳуллас, илмий-тадқиқот институтларига, тегишли идораларга учрашиб, маслаҳатлашиб келаман.

Кеңг асфальт күчадан кетаётган машина миз тұғридан күрініб турған Вобкент дарёсига қурилған улқан темирбетон күпприкка етмай ўнг құлдаги иккита машина бемалол сиғадиган йўлга бурилди.

— Күпприкнинг нариги томони янгиг Қизылтепе райони, چүл қўйинидан юлиб олғанмиз, — деб тушиунтирди ҳамроҳим. Дарров биринчи келған күнлари Шоди аканинг рафиқаси билан бўлган сухбати ёдимга келди. Орнуллари амалга ошибди-да!

Таклиф этдим:

— Шу ердан пиёда кетсан!

Чап томонда дарё ҳайқириб оқмоқда. Икки қирғогида бир текис экилган тол, терак. Дарё ёқалаб кетган йўлнинг нариги томони экинзор далалар. Паҳтазор, маккажӯхори, беда экилган далалар билан алмашиб туради. Бир оз ичкари кирган эдик, баланд, эни 6 метрча, узунлиги 80 метрча келадиган тўғон, ундан сал нарида кичик бир кўпприк. Асфальт йўл кўпприк оша чап қирғоқдаги асфальт йўлга қўшилади. Йўлнинг нариги ёғи қалин дараҳтзор, унинг орасидан бир-бирига тулашиб кетган ойнавандли, янги типдаги баланд уйлар, гаражга алоҳида дарвоза, кириб-чиқишига алоҳида эшик қурилган. Дараҳтлар орасидаги ариқларда дарёдан олиб чиқилган зилол сув оқмоқда. Биз салқин дараҳтзор оралаб кетган йўлкалардан уйлар томон юрдик. Дарёдан эллик қадамча қочириб қурилган иморатлар олди яхшилаб дид билан қилинган гулзор, гулзорга уланиб мевали боғ, токлар сўриси ҳафсала билан бўялган. Юздан ортиқ аҳоли яшайдиган бу пунктда ўзига-ўзи хизмат қилиш магазини ва бошқа майший хизмат кўрсатиш корхоналари ишлаб турибди. Облоқул Соҳибов, Люда Смирнова, Роза Ҳасанбекова, Жўра Исматов каби сувнинг тилини биладиган турли миллат вакиллари аҳил яшаб, меҳнат қилишмоқда. Уйлар худди боғ орасига қурилгандек. Уларнинг бири олдидаги сўри тагига тахта каравот қўйилган. Унинг ўртасидаги хонтахта турли ноз-

пөрмөтләр билән безатилған, чор атрофи атлас күрпача, духоба ёстиқ.

— Шоди отанинг уйи! — деди ҳамроҳим ўша томонни кўрсатиб. Шу маҳал каравот орқасидаги гулзор ичидан гулқайчи кўтариб ота чиқиб келди.

— Э, келинглар, келинглар,— очиқ чеҳра билан эски қадрдонлардек кутиб олди мезбон,— бекор ўтиргандан, бекор ишла, деганларидек, гулларни қайчилаб тургандим. Қани марҳамат, дастурхонга.

Атрофга боқиб бу уруш бошланган вақтдаги кимсасиз, ботқоқлиқдан, қамишзордан иборат Хархўр эканлигига кишининг ишонгиси келмасди. Чиройли истироҳат боғига ўхшарди. Бир оз нафасини ростлагач, ота билан суҳбатга кўчдик.

— Ота, ҳали йўлда бир маҳал кепкангиз муз устида қолиб, ўзингизнинг оқиб кетганингизни айтиб беришди. Шу қандай бўлган?

Ота кулиб, кепкасини олиб, бошини силаб қўйди.

— Унақанг оқишилар кўп бўлган. Мана бу чандиқларни қаранг,— у энгашиб бошини кўрсатиб, сўзида давом этди,— ҳаммаси шу дарёдан, шу касбдан. Салкам қирқ йилдан бўён олишиб келамиз дарё билан. У мени енгаман дейди, мен уни. Ошнамни,— деди ота дарёга имо қилиб,— баъзан челаклаб қўйган ёмғир, беҳад керагидан ортиқ эриб оққан музлар ҳайқиртирса, мени бутун юрт қўллаб-қувватлаб, ундан ҳам қудратлироқ наъра торттирмоқда. Сув — олтин, деймиз. Далаларга тараалаётганини кўриб олтин оқизяпмиз, деймиз. Ҳақ гап. Лекин бу олтинни жиловлаш оғир.

Отанинг кўзлари қизариб, ёш сизиб чиқди.

— «Чиллакининг оласи — сувнинг балоси» деган гап бор эди илгари,— деди у кўз ёшини зўрға тийиб, набираси келтирган узумдан олишга ундан,— ўзимизнинг боғдан, олинглар!

Бўтқа бўлиб тўлиб оқаётган Вобкент дарёси «шопиллаб» қирғоққа сапчиб-сапчиб қўярди.

Отанинг яна бир одати, ёдига келган у ёки бу фикрии ёки воқеани айтмоқчи бўлса, олдин худди бирон асарга сарлавҳа қўйгандек, икки оғиз гап билан хулосасини айтир-қўяр экан. Сўнг фикрини давом эттиришга эриша олсангиз бас, қўрган-кечиргандарини равон эшиштаверасиз. Шундан ота «Чиллакининг оласи — сувнинг балоси!»— дейиши билан савол ташладим:

— Бежиз айтилмаган бўлса керак бу гап?

— Ҳа-да! — деб сўзида давом этди ота. — Одаминг ишонгиси келмайди. Ўзингиз биласиз, чиллакига ола кирганди кунлар тобланади. Тоғдаги муз, қор эриб сув кўпаяди. Кетмон, замбил билан бир амаллаб қазилган ариқлар, анҳор, каналлар тошқин сувнинг олдида ожиз бўлиб қолади. Тошиб-қутириб, қиргоқдан ошиб, ўзанини ўзгартириб, соҳилга яқин уй-жойларни бузиб, оқизиб кетади. Бир эмас, бир неча бор одам борми, бешик борми, мол борми, шу ердан оқиб ўтган. Гапираман деса гап кўп! Ожиз эдик илгари. Йил ўн икки ой кўплашиб ясаган солларимизни, чим, шох-шабба босиб кўтарган тўғонларимизни арзимаган фурсатда супуриб кетарди. Деҳқоннинг чиллакининг ола тортишидан чўчигани шундан эди.

Бошқа ёққа ўтиб кетдик. Оқишдан гап кетаётган эди. Ушанда чангалини музга уришимни биламан, сув димланиб турган экан, муз парчаланиши билан қаср-қуср оқизиб кетса бўладими, мен ҳам сирпаниб, чўккан хода билан сувга шўнғиб кетдим. Музга ёпишсам, силлиқ, ушлаб бўлмайди, четига интилсам, муз уриб олиб кетади, ҳаммаёфим тилиниб кетган бўлса керак, атрофимдаги сув қин-қизил. Бир амаллаб қиргоққа чирмашиб олсанм ушлайдиган нарса йўқ, сирпаниб тушиб кетаман. Үлдим, деб ўйладим. Чалқанча ётиб, бир оз куч тўпладим-да, таваккал яни қиргоққа интилдим. Бахтимга бир муз ерга қадалиб туриб қолган экан, ўшангага осилиб чиқиб олдим. Бониқасини билмайман, бир маҳал ўзимга келиб, қўзимни очиб қарасам, шифохонада ётибман. Қоровул элтиб қўйган экан. Йўқ бир оз даволаниб, тузалиб кетдим.

Отанинг ёдига нимадир тушиб, чеҳраси ўзгарди, чуқур уҳ тортиб, бирони ахтараётгандек атрофга қараб, бизга термулди.

— Ўшанда тирик қолмаганим ҳам маъқул эканми...— унга нима деб тасалли беришни, нимани эслаганини ҳам билмасдик.— Ҳозир бўлганда иккovi ҳам ўлмасди, омон қоларди, медицина хизмати у вақтда бунчалик эмасди-да, имкониятлари бу даражадамасди. Икки ўғлим безгак, шамоллашдан вафот этган. Бу айрилиқ қийинчиликлардан ҳам, дардлардан ҳам ўтиб тушди.

Отанинг эзилишини кўриб, гапни бошқа мавзуга буришни маъқул кўрдик.

Отадан Ҳархўр гидроузелининг шу кунлардаги иши, истиқболи, ҳодимлари ҳақида гапириб беришни сўрадик.

— Ҳозир, ўғилларим, мен фикримни тамомлаб олай, хуллас, гидроузелни менинг ҳаётимдан, менинг ҳаётимни гидроузелдан ажратиб бўлмайди, биз у билан бир умрли ошнамиз. Инсон бўлгандан кейин ташвиш ҳам, ғам ҳам чекади, қувонч ҳам йўлдош бўлади. Мана бугун, салкам 80 йиллик умримни сарҳисоб қилсак, рўшнолик кунларим кўпроқ. Энг ардоқлиси, келинойингиз билан бирга, отаси-га раҳмат, ҳамиша ақлли суюнчигим бўлиб келмоқда, шу ерга келган кунимиз, шаҳарча бўлишини орзу қилгандик. Бўлди. Ўша вақтда 40 минг куб сув зўрға сиққан дарёдан, бугун 100 минг куб сув Бухоро, Вобкент, Ромитаҳ, Пешку, Қизилтепа район далаларига жон баҳш этиб оқяпти.

Илгари сув талашиб бир-бирини беобру ќилғанларни ҳам, ўлдирғанларни ҳам кўрганмиз. Бу замонда ундайлар ўйқ. Лекин сувни ҳамиша қадрлашимиз керак. Яқинда бу муҳим вазифани қадрли Шароф Рашидов Ўзбекистон партия ташкилоти активининг республикада илмий-тадқиқот ишларини яхшилаш вазифаларига бағишлиланган йиғилишда алоҳида таъкидладилар. Мана, газетасини олиб қўйганман. «Маълумки, партия XXV съезди Сибирь дарёлари оқимининг бир қисмини Урта Осиёга буриб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу муносабат билан мамла-

катнинг юздан ортиқ илмий колективи ҳозир яхлит комплекс программа асосида ана шу проблемалар устидан иш олиб бормоқда, бунга тенг келадиган программа бизнинг мамлакатимизда ҳам, чет эл практикасида ҳам йўқ, деса бўлади. Ҳамон бу проблема ҳал этилиш босқичида әкан, қишлоқ хўжалигида чучук сувдан эҳтиёт қилиб фойдаланиш ва уни имкони борича тежаш усуслари ҳамда воситаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқишини кучайтириш зарур». Бу вазифа биз — мирабларга ҳам тўла таалуқлидир. Партия XVI съездида ҳам бу зарур иш деб айтилди.

Ота умр йўлида учрашган одамлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Мана, ҳозир ўзларингиз Бухорони айланиб, сув борасида қилинаётган катта ишларни кўриб, хурсанд бўлганингизни айтдингиз. Чиндан ҳам ёз бўлди, баъзи жойларда сувни ғалвирдан ўтказиб, қуртдан тозалаб ичишга келиб қолган эдик-да. Ҳозир бу ташвиш йўқ. Область партия комитетининг биринчи секретари Абдувоҳид Каримов, барака топкур, сув ишини пухта билади.

Область партия ташкилоти Бухоронинг равнақини белгилайдиган, ўз ечимини кутиб ётган катта муаммо ва масалаларни ҳал қилишга, уларнинг режасини тузишга киришган.

Ўртоқ Абдувоҳид Каримов бу ишни бошлашдан олдин ҳар бир соҳанинг билимдонлари, амалиётчилари, оддий тажрибали кишилари билан маслаҳатлашишни ўзига фарз деб билади. Сув масаласига келганда Вобкентга Шоди отанинг ёнига бордим. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳамда республика Министрлар Советининг. Ўзбекистонда ерларнинг мелиорация ҳолатини янада яхшилаш истиқболлари тўғрисидаги қарорни амалга ошириш борасида областда қилинадиган ишлар юзасидан маслаҳатлашди. Қарорда областдаги сугориладигач ерларни 150 минг гектарга кенгайтириши вазифаси қўйилган эди. Вақти келса мавжуд ерларни сугорининга сув ет-

майди, ҳаммаёқ қум, шағалтош, «Бухорода экин экишга ярайдиган бир қарич ернинг ўзи ҳам қолмади», деб ўлчаб қўйғаплар ҳам йўқ эмас; энди нима қилиш керак.

Умр бўйи сув билан муомала қилиб келаётган, нафақат Бухоронинг, бутун республиканинг дарё, кўл, булоқлари ни, ер ости дарёларини биладиган Шоди ота одати бўйича ўйланиб туриб, гапнинг сарлавҳасини айтди: «Иложи борки, олий идораларимиз қарорига тушган».

— Жилвонсой, Варахш, Пайкент, Ўртачўл, Маханкўл каби чўл-биёбонлар кўзда тутилган, — деб аниқлйик киритди секретарь.

— Ҳа, яшанг, шунинг учун ҳам Аму-Бухоро машина каналининг учинчи навбати, Шўркўл сув омбори қурилишларини авжлантириш мўлжалланяпти-да, янгишмасам.

— Тўғри, Шўркўлни 500 миллион кубометр сув сифадиган қилиб кенгайтиришимиз лозим.

— Агар тунов куни мажлисда айтганингиздек, илмий-тадқиқот институтлари тавсия этганидек, Тўдакўл сув омбори тўлдирилиб, Амударёнинг ширин суви билан омухта қилиниб, шўри қочирилса, Варахшанинг ўзидан 50 минг гектар ерни ўзлаштириш ҳеч гапмас.

Обком секретари уфққа тикилди. Унинг кўз ўнгида эртанги эзгу ният — Бухоронинг бир миллионли «оқ олтин» хирмони қад кўтариб турарди. Унинг юракдан қувониб, яйраб кетганини кўзларидан яққол кўриш мумкин эди. У сув келишиб билан ҳувиллаб ётган чўлда бунёд этилажак обод қишлоқларни, ҳиёбонларни кўрар, шўх сайраётган қушлар навосини тингларди. Режаларнинг амалга ошишдан кўнгли тўқ. Кўз ўнгида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олиб астойдил меҳнат қилаётган «Бухараирстрой» трести азamatлари келди. Улар 1978 йилнинг ўзида Ўртачўл каналини, Узумзор ҳамда Мингчинор янги сув йўлларини қуриб, фойдаланишга топширдилар. «Халқ ғайрати, замонавий ҳисоб-китоб, имкониятлар ҳамкорлигига ҳамма нарсага

қодирмиз», деди ичіда құвониб. Үнинчи беш йилликнинг ўтган уч йилида Бухоро областида ирригация ва мелиорация ишларига 142 миллион сүм маблағ сарфланды.

Шоди ота халқ ҳашари ҳақида фикр кетганды «оғарин» деб қўйди. Юракдан отилиб чиққан бу баҳонинг мазмунини Шўркўлдан чиқадиган сувни элтадиган канални бориб кўрганимизда равшанроқ англадик.

— Биласиз, ўқигансиз: халқ ҳашари билан не-не ишлар бўлмаган юртимизда. Кўрган бўлсангиз, Фарғонанинг Куйганёр деган жойида музей бор, унда Катта Фарғона каналининг қурилиши бошдан-оёқ тасвирланган. Бухорода ҳам шундай музей ташкил этилса, ёмон бўлмасди. Фақат бу ишининг мутасаддилари киришса бас. Аму-Бухоро канали қурилиши, Бухородаги сув йўлларининг кечаги аҳволи-ю, бугуни ҳақида бир эмас, бир неча музей бўлса арзиди. Ахир бу иш тарихдан, айтайлик Абу Али ибн Сино, Аҳмад Донишлардан бошланади-я.

Куёш ўтида гиёҳлари қовжираган чексиз чўл оралаб бормоқдамиз. Аҳён-аҳёнда каламуш ёки тошбақа, тўрғай ёки калхат кўринади. Бошқа қўмирлаган жон йўқ. Ниждувон районидан юз километрча юрилга, узоқдан капалар, вагон-уyllар кўринди. Уларга яқинлашар эканмиз, мовий Шўркўл кўзга ташланди. Биз вақтинча яшашга мўлжалланган жойлардан ҳеч кимни тополмадик. Кўлдан бошлаб беш километргача чўзилиб кетган ерида одамлар бир-бирига уланиб узун чизиқ ҳосил қилиб ишламоқда. Яқинроқ бореак, ҳар ўн икки метрда қудуқ қазишаётган экан. Куттилмаганда ўт ўсиб ётган қирининг кўлга тулашиб кетган ерида, икки метрча устки тупроқ қатламдан кейин тошметиндан иборат эканлиги маълум бўлиб қолди. Нима қилиш керак, на планда бор, на маблағ ажратилган, на техника. Колхозчилар ҳашар билан қудуқ қазиб, портлашиб бўлса ҳам канални очамиз, деб туриб олишди. Замон Фарҳодлари кирка, лом кўтариб қирга чиқдилар. Тошларни нарчалаб, 10—12 метр чуқурликка қазиб тушдилар. Сўнг «тинч портлаш» юз берди, канал очилди. Шоди ота

шунга «оффарин» деган эди. Бу сўзни илгарироқ барис этилган Каттақўргон сув омбори, Қўйи мозор сув ҳавзаси ва Хархўр гидроузели каби сув иншоотларининг бунёдкорларига ҳам бағишлаганди.

— Абдувоҳид Каримовдан миннатдормиз. Сув келтирган азиз, бизнинг замонда. У киши бу ишларни илгаритдан билади, 1962—1965 йилларда область сув бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган-да.

Мен кўплар қатори яна бир одамни тез-тез эслайман. У одамнинг қилган ишлари кўп-у, шулардан бирини сизга айтиб бермоқчиман. У ҳам бўлса Яхшивой Наврўзов, умри қисқа экан, яқинда дунёдан ўтди. Ромитан район партия комитетининг биринчи секретари, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати эди. Улуф Ватан уруши, ундан кейинги оғир йилларда тўғонни баланд қилиб босиш, дарё четларини мустаҳкамлаш, сув йўлларини тозалаш асосан район халқларининг ҳашарӣ билан бўларди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Ҳархўрга дастлаб келган кунларимиз кўпчилик керак бўладиган ишларга, область партия комитетининг кўрсатмаси билан ҳашар қилишни сўраб районларга бордим. Ўзим ҳам биламан, оғир пайт, йигитлар фронтда, шундай пайтда дарёга қарашиб учун одам ажратиш осон эмас. Илож қанча. Сув ҳам керак. Қайси районга бормай, бирдай ҳайриҳоҳлик билан қабул қилишади. Лекин шошмасдан, имконият бўлиши билан ёрдамга чиқишиларини айтишади. Ромитанга борсам, биринчи, иккинчи секретарлар йўқ экан. Коридорда пилдираб кетаётган жуссаси кичикроқ, озгин бир йигитни кўрсатиб, секретарлардан шу киши — Яхшивой Наврўзов борлар ҳозир, дейишиди. «Ҳали ёш болага ўхшайди, ундан олдин учрашган салобатли, ўзини босиб олган секретарлардан нақд гап чиқмади, бу йигитдан иш чиқармикан!» деб ўйладим. Таваккал, ёнига кирдим. Шундай илиқ, самимий кутиб олдики, у ҳақда ноҳақ фикр юритганимдан ўзим уялиб кетдим. Ниятимни билиб пайсалга солиш у ёқда турсин, сув мендан кўра, ўзларига биринчи навбатда зарурлигини айтиб, ташаббус

күрсатиб келганим учун менга раҳмат деб, овора қылғанликлари учун узр ҳам сўради.

— Айтган кунингиз биз тайёрмий— деди Шуниш бир қадрдонлашиб қолган эдик у билан. Кашим кимнинг май, ўзи бош бўлиб келиб, хашар қилиб кўп одамнинг меҳнати сингтан. Ҳали иншадан-қанча одамлар из қондириди бу сув.

Ота бу сўзларни бежаси айтмаётгани Нималарни ўйлаб, нималарсан келиб чиқиб женётинини бу гапни. Чиқиб қолар.

— Ота, тўғонни бирга бир ишланиб келмаймани?

— Жоним билан.

— Ҳозир неча кини ишлайсанлар гидроузелда?

— Ўтиздан ортиқ. Олий маълумотли, ўрта маҳсус билим олган мутахассислар бор ишловчилар орасида. Бир маҳаллар сувни керакли томонга, белгиланган меъёрда буриб бериб турсақ бас эди. Ҳамма иш қўлда бўларди. Эндиликда ишимизнинг тури ҳам, масъулияти ҳам ортган. Тўғон ишлари автомат усулида бошқарилади. Бундай шароитда тажрибанинг ўзи билан узоққа бориб бўлмайди. Шунинг учун улғайган чоғимда мен ҳам техникумда ўқиб, кўп нарсани билиб олдим. Мен сизга биргина мисолни айтай. Дарёни тўхтатмаган ҳолда гидротехника ишларини аниқ, белгиланган муддатда, безарар ўтказишимиз лозим. Буида сувдан фойдаланадиган хўжалик, ташкилот, муасасаса, гражданларга заарар етказмаслиги керак. Аксинча, қонун бузилган ҳисобланади, жарима, жанжал ўртага тушади. Сув ҳавзалари, бошқа сув манбаларидан, иншоотларидан билиб фойдаланишга эришмоғимиз лозим. Сувдан ободончилик, соғломлаштириш йўлида фойдаланиш шартлари бузилмаслиги керак. Ер майдонларининг қуриб қолиши, сув босиб кетиши, ботқоқланиши каби заарарли таъсири, бир неча юз километрга чўзилиб кетган сув обьектларида қурилган иншоотларни ишлатиш ҳам осон эмас. Иншоотимиз маълум бир территорияда бўлишидан катъий назар, республикалараро ҳалқ хўжалигининг бар-

ча тармоқлари манфаатлари нуқтai назаридан ҳам иш тутишимиз, бунинг учун бошқа ерлардаги сув омборлари иниоотлари иш режими, имкониятларини ҳам билиб туриш талаб этилади. Шундай, сувнинг ташвиши кўп.

Хархўр гидроузели сув юмушида Бухоронинг кадрлар ўчоғи деса ҳам бўлади. Шоди отанинг устозлигида оддий миробликдан иш бошлаган юздан ортиқ мутахассис ҳозирги кунда биргина Бухорода эмас, балки республикамизнинг, иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарларида масъул ва-зифаларни бажармоқдалар.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган жуда катта муваффақиятлари, пахта ва бошқа дәхқончилик маҳсулотлари етишириш ва уларни давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришдаги шавкатли меҳнатлари ўчун Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги илфорлари бир гурӯҳига 1978 йил февралида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Улар орасида Шоди Нуриллаев ҳам бор эди. Бу қувончли хабар фармон чиққан куниёқ бутун обласьтга, республикага кенг ёйилди. Ота йиллар давомида ўзининг пок қалби, ширин муомаласи, одамгарчилиги, ишибилармонлигий билан обласьтда, республикада, қардош республикаларда кўплаб таниш-билиш, шогирд орттирганми, муборакбодга келиша бошлишди. Сув хўжалиги ходимлари, Калинин номли, Ленин номли, «Ленинизм» колхозлари вакиллари ташриф буюришди. Гидроузелда митинг бўлиб кетди.

Бизга унда сўзга чиққан ўртоқларнинг, отанинг жавоб сўзларини айтиб беришди. Шоди ака камтарона меҳнатига берилган юксак баҳо учун партия ва ҳуқуматимизга миннатдорчилик изҳор этиб, ажойиб гапларни айтибди.

— Ер — ота бўлса, сув — меҳрибон она. Бу мамлакатимизнинг қурғоқчилик ҳукм сурган районларига, айниқса Бухоронинг қақраб ётган чўлларига қаратиб айтилган адолатли каломдир. Қурғоқчиликнинг, гармсел шамолларнинг кушандаси — сув! Пахта, буғдой, сабзавот, полиз

әкінлари, мәсін, шоли **етаптың** учун құлаң ерларимна
күп. Фақат сүр ғұлса **би** төкөри ҳосил одаиверамыз.

Яқында ота билди шаң арашыб, узоқ гашшаниб ғылп-
дик.

— Партия ва ұкуматынынға қарорларыда, Ұабеке-
топ Комиартынын **XX** съездідә мелиорация шипарыны
кенгайтиришінде шам күттә ғылпібор берілмоқда. Ү, ал
батта, амадға онгади, маңсулот шипалаб чықарып құнайды,
колхоз-союздарының белгі янада бақувват бұлды. Бу
демек, деңқолшыңға фарғонолиги ортиб, қиншоқтар тарып
шам гүзілшанды.

Сүр сүгорини инини янада яхши биладиган ажойиб
қадылар етіннінти. Хуллас, бизнинг меңнатымиз бүлжік
күттә шипарының дебочаси, холос.

Шу камтарона хизматымиз шунчалық юксак тақдирла-
пар экан, шу күнга етиб келгүнимизча йўлда мадад бер-
ган, құллаб-құвватлаган ҳамма-ҳаммага ҳаётманки, мудом
тальзим этаман.



МУНДАРИЖА

АЛЛОМА.	3
УНИНГ ЎРНИ МЎҶТАБАРДИР.	25
ЁРУФ ЖАҲОН.	43
ШИДДАТ.	64
САРЧАШМА.	78
ЖОНБАХШ.	87



На узбекском языке

РАСУЛ РАХМАНОВ

ВЕРНОСТЬ

Очерки

Ташкент, Издательство «Еш гвардия», 1982.

Редактор Шамси Одил

Рассом Н. Пирогов

Расмлар редактори А. Гуломов

Техн. редактор Л. Буркина

Корректор М. Юнусова

ИБ № 1091

Босмахонага берилди 25.09.1981 й. Босишга руҳсат өтилди 17.02.1982 й. Р-03760. Формати $70 \times 108\frac{1}{3}$, 3-босма қоғозга «Литературная» гарнитурада юқори босма усулида босилди. Босма листи 3,25. Шартли босма листи 4,55. Напир листи 4,620. Тиражи 30000. Буюртма № 1961. Шартнома 73–81. Баҳоси 30 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Мехнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент «Правда Востока», кўчаси, 26-й.